

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗЕБО ХАКИМЖОН ҚИЗИ БОТИРОВА**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ  
ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

(монография)



**“USMON NOSIR MEDIA”**

**Наманган – 2023**

**УЎК: 373+811.111**

**КБК: 81.432.1**

**Б – 86**

Ботирова, Зебо

Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш технологияси / монография / Зебо Ботирова; Наманган: Usmon Nosir media, 2023. – 156 б.

**КБК: 81.432.1**

Мазкур монографияда Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш технологияси каби масалалари ёритиб берилган.

**Тақризчилар:**

Муродилла Якуббаев – PhD, доцент.  
Зоҳиджон Содиков – DSc, доцент.

*Монография Наманган давлат университети Кенгашининг 2023 йил 10 сентябрь куни бўлиб ўтган иижилишида нашрга тавсия этилган. (Баённома № 10)*

**ISBN: 978-9910-743-03-0**

© Зебо Ботирова, 2023

© “Usmon Nosir media”, 2023

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>4</b>
<b>I-БОБ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ 5 – 6-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ .....</b>	<b>8</b>
1.1.§ Умумтаълим мактаблари 5 – 6-синфларида инглиз тили ўқитишининг лингвометодик масалалари .....	8
1.2.§ 5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясими ривожлантириш тамоийилларининг методик таҳлили .....	24
Биринчи боб юзасидан хулосалар .....	50
<b>II-БОБ. 5 – 6-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАЗМУНИНИНГ МЕТОДИК ТАВСИФИ .....</b>	<b>52</b>
2.1.§ 5 – 6-синф инглиз тили дарсларида лексик компетенцияни ривожлантириш методикаси .....	52
2.2.§ Ўқувчиларининг лексик компетенциясими rivожлантиришга мўлжалланган машқлар таҳлили .....	73
Иккинчи боб юзасидан хулосалар .....	104
<b>III-БОБ. 5 – 6 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ .....</b>	<b>106</b>
3.1.§ 5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясими ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг мақсад ва вазифалари ва мазмуни .....	106
3.2.§ Тажриба-синов ишлари якуний натижаларининг статистик таҳлили .....	115
Учинчи боб юзасидан хулосалар .....	127
<b>ХУЛОСАЛАР .....</b>	<b>130</b>
<b>ТАВСИЯЛАР .....</b>	<b>132</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>133</b>
<b>ИЛОВАЛАР .....</b>	<b>146</b>

## КИРИШ

### (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Жаҳонда мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳамкорлигининг кенгайиши чет тиллар, айниқса, инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш, эҳтиёж ҳамда интилишларни кучайтирмоқда. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида инглиз тилини мактаб давридан жадаллаштирилган услубларда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитишида коммуникатив ёндашув асосида ўқувчиларнинг тил ва нутқий компетенцияларини ривожлантириш долзарб масалага айланмоқда. Айниқса, A1 ва A2 даражалар учун инглиз тили ўқитиши мазмунидаги қайд этилган лингвистик компетенцияни эгаллаш, уни нутқий мулоқотда қўллай олиш малакасини ривожлантириш устувор вазифага айланди. Хорижий мамлакатлар тажрибаси ўқувчиларга инглиз тилини ўргатишида лексик компетенцияни ривожлантиришга асосланган ўқитиши усулларини яратиш ва такомиллаштириш лозимлигини қўрсатмоқда.

Дунёда ўқувчиларнинг чет тилда лексик компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган ўзига хос муқобил технология, машқ ва мультимедиали таълим дастурларидан фойдаланишининг лингвометодик тизимини яратишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шахсга йўналтирилган ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши (Accent Language Center), ўқувчиларда коммуникатив, интегратив ва компетенциявий ёндашувлар асосида лексик компетенцияни ривожлантириш (Task-based learning, Language-based learning, Content-based learning, Project-based learning) масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши назарий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, хорижий мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш ва лексик компетенцияни ривожлантиришга доир илмий изланишларни амалга оширишининг долзарблигини қўрсатади.

Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга инглиз тили ўргатиши жараёнида лексик компетенцияни ривожлантиришнинг методик асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси

халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “Узлуксиз таълим тизимини сифат жиҳатидан янгилаш, профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим жараёнини индивидуаллаштириш тамойилларини босқичмабосқич амалга ошириш, халқ таълими соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш” вазифалари белгиланган [5]. Бу борада ўқувчиларнинг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантиришнинг самарали моделини такомиллаштириш, коммуникант (реципиент, продукционент) ва когнезант шахсини камолга етказиш, инглиз тили ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг лексик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган замонавий метод ва технологияларни таълим муҳитига жорий этиш вазифасини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2017 йилдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни таъминлашга муайян даражада хизмат қиласи.

**Монографиянинг асосий мақсади** ўқувчиларнинг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Мазкур мақсадларни амалга ошириш, ўз навбатида, қуидаги вазифаларни тақазо етади:**

ўқувчиларнинг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш тамойилларини аниқлаштириш;

инглиз тили лексикасини ўргатишнинг лингвометодик жиҳатларини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантиришнинг лингвометодик моделини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантиришда юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш;

**Монографияда** назарий (қиёсий, таҳлилий), диагностик (кузатиш, сұхбат, сўровнома), педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Монографиянинг илмий янгилиги** қуидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг инглиз тилида фаол, нофаол, реал, потенциал, вокобуляр ва новокабуляр лексикасини ривожлантириш тамойиллари уларни оғзаки ва ёзма нутқий фаолиятда қўллаш (usage) жараёнларининг дидактик продуктогенлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

инглиз тили лексикасини статик даражаси продуктивлигига эришиш алгоритми танлаш, тақсимлаш, таснифлаш ва тақдимот босқичларининг методик типологиясини лингвометодик ёндашув билан қайта алоқага киришув даражаси барқарорлигини белгилаш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш моделининг амалий компоненти тақдимот, машқ ва нутқда қўллаш каби босқичларнинг арттерапия, ҳаракатли, дидактик, ролли, имитацион ўйин технологиялари билан интернал интеграциясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантиришда юзага келадиган тилга оид ва тиллараро маъновий, вазифавий ва шаклий қийинчиликларнинг олдини олишнинг методик тузилмаси коммуникатив ва компетенциявий

ёндашувларнинг идентивлигига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

**Монографиянинг илмий аҳамияти** 5 – 6-синф ўқувчилари-нинг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш лингвометодик илмий муаммо сифатида илмий-назарий жиҳатдан ўрганилганлиги, ўқувчиларнинг лингвистик компетенциясини ривожлантиришда лексикани ўргатишнинг ўзига хос педагогик-психологик ва методик хусусиятлари белгиланганлиги, муаммони ўрганишга доир коммуникатив ва компетенциявий ёндашувларнинг таҳлил этилганлиги билан изоҳланади.

**Монографиянинг амалий аҳамияти** 5 – 6-синф ўқувчилари-нинг лексик компетенциясини ривожлантиришга мўлжалланган машқ ва топшириқларга асосланган ўқув-услубий қўлланмаларни амалиётга жорий этилганлиги, бу жараёнда ўзбек ва рус тилларининг эътиборга олинганлиги билан белгиланади.

# **І-БОБ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ 5 – 6-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

## **1.1.§ Умумтаълим мактаблари 5 – 6-синфларида инглиз тили ўқитишининг лингвометодик масалалари**

Ўзбекистон Республикасида демократик тамойиллар устувор бўлган янги жамият қуриш, бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиётга эга давлат барпо этишга йўналтирилган босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида таълим ва тарбия соҳасига жиддий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиниши, жадаллик билан ривожланаётган глобаллашув, дунё бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бир даврда, демократик тараққиёт, модернизация, янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, шунингдек бошқа директив хужжатларда ушбу соҳанинг истиқболини белгиловчи омиллардан биридир [2; 3; 6].

Мазкур қарорларга мувофиқ, чет тилларни умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб, оммавий тарзда ўрганиш жорий этилди. Инглиз тилини ўрганиш нафақат тилнинг лингвистик томонини ўрганиш, балки ўрганилаётган тилдаги маданий меросни ўзлаштиришга эришилади. Нутқий компетенциялар-тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиши, ёзув фаолиятларини ўргатиш жараёнида ўқувчи эгаллаган ижтимоий-маданий ва лингвистик тажрибасини бойитиб боради. Мулоқотдошларнинг бир-бирини тушунишлари чет тилни билишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон “Узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ҳамда умумий ўрта таълимнинг чет тили фани бўйича малака талаблари асосида тузилган бўлиб, Халқ таълими вазирининг 2017 йил 3 июндаги 190-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва умумий ўрта таълим мактабларининг 1 – 9-синфлари учун амалиётга жорий этилган [10].

Ўрта умумтаълимнинг чет тил бўйича малака талабаларини яратишида Европа Кенгашининг “Чет тилни эгаллашнинг Умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш” тўғрисидаги хужжати (Common European Framework of Reference for Languages: Learning, teaching, assessment (CEFR)да умумэътироф этилган ҳалқаро меъёrlар ҳисобга олинди. Ушбу ҳалқаро меъёrlар асосида Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганиш бўйича янги Давлат таълим стандартлари ва ўкув дастури ишлаб чиқилди [43].

5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантиришнинг лингвометодик асосларини кўриб чиқиш қўйидаги тушунчаларни таҳлил қилишни тақозо қиласди: 1. Инглиз тили ўқитиш шароити. 2. Инглиз тили ўқитиш мақсадлари. 3. Инглиз тили ўқитиш мазмуни. 4. Инглиз тили ўқитиш метод ва тамойиллари [56].

Юқоридаги методик тушунчалардан биринчиси шароитdir. Шароит инглиз тили ўқитиш методикасидаги бирламчи методик тушунча бўлиб, ундан келиб чиқсан ҳолда жамият тараққиётининг буюртмаси таълим мақсадлари белгиланади. Шароит лингвометодик тушунчаси қамровига тил ўрганувчининг психологик ёш хусусиятлари (дикқат, идрок, хотира ва таффакур), умумий савияси, тил тажрибаси, ўкув юртининг тури (мактаб), инглиз тилини табиий ёки суъий нутқий вазиятларни ҳосил қилиш орқали ўргатиш, синфдаги ўқувчиларнинг умумий сони, инглиз тили ўкув фанига ажратиладиган дарс миқдори (соатлари/вақт) каби методик масалалардан иборат.

Инглиз тилини ўргатишда ўқувчиларни ёш хусусиятларини билиш ва ўқитишда уларни ҳисобга олиш муҳим психологик мезонлардан бири ҳисобланади. Инглиз тилини қуи синфларда ўргатиш юқори босқичларда инглиз тилини ўргатишдан кескин фарқ қиласи. Биринчидан, қуи синфларда ўқувчиларга инглиз тилини ўйин, қўшиқ, тез айтиш, ашуалар тарзида ўргатилиши хос бўлса, юқори синфларда эса ўқувчилар тилларни ўргатишни солиштириш, таққослаш ва таҳлилий-қиёсий тарзда ўргатиш усули илмий методик тадқиқотларда тавсия этилган. Иккинчидан, қуи синфларда ўқувчиларнинг дарсларда тезроқ зерикиши кузатилади. Одатда, кичик синфдаги ўқувчиларнинг ўн дақиқадан ёки ундан кейин диққат ва қизиқишлиар секинлаша бошлайди. Ёш ўқувчилар қўпроқ худбин бўлиб, индивидуал эътиборга муҳтоҷ бўладилар.

Психологияда ёш даврларини табақалаштириш бўйича Э.Шпингер, К.Бюлер, А.Маслоу, Ж.Пиаже, Дж.Келли тадқиқотларида фикр ва мулоҳазалар баён этилган. Психология фанида ёш даврларини табақалаштириш бўйича қатор ёндашувлар мавжуд. Масалан, тадқиқотчилардан Э.Эриксон ёш даврларини 8 даврга бўлишни таклиф қилган: 1-давр – гўдаклик; 2-давр – илк болалик; 3-давр – ўйин ёши; 4-давр – мактаб ёши; 5-давр – ўспириинлик; 6-давр – ёшлиқ; 7-давр – етуклиқ; 8-давр – қарилик даври [66].

Когнивистик йўналиш асосчиларидан Ж.Пиаже, Дж.Келли каби тадқиқотчилар инсон ривожланишини қуидаги 4 даврга ажратишни таклиф қилганлар: 1. Туғилишдан 2 ёшгача бўлган давр. 2. 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган давр. 3. 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган давр. 4. 12 ёшдан кейинги давр [66].

Психологлардан Л.С.Выгоцкий, Л.И.Божович, Д.Б.Белконин, А.А.Люблинская, В.А.Крутеский, А.В.Петровскийлар ҳам ёш даврларини ўзига хос табақалаштириш назарияларини яратдилар. Улар орасида Д.Белкониннинг таснифи ёшни даврлаштиришда алоҳида ўрин тутиб, етакчи фаолият назариясига асосланади. Бу назарияга кўра ҳар бир ёш даврида бирор фаолият тури инсон шахси шаклланишида асосий роль ўйнаши алоҳида уқтириб ўтилади.

Бу ёш давлари Д.Белконинга кўра қуйидагилар: 1. Гўдаклик даври – туғилгандан 1 ёшгача; Асосий фаолият – бевосита эмоционал мулоқотдан иборат бўлади. 2. Илк болалик даври – 1 ёшдан 3 ёшгача; Асосий фаолият – предметли фаолиятдан иборат бўлади. 3. Мактабгача давр – 3 ёшдан 7 ёшгача; Асосий фаолият – ролли ўйинлардан иборат бўлади. 4. Кичик мактаб ёши даври – 7 ёшдан 10 ёшгача; Асосий фаолият – ўқишдан иборат бўлади. 5. Ўсмирлик даври – 10 ёшдан 15 ёшгача; Асосий фаолият – мулоқотдан иборат бўлади. 6. Илк ўспиринлик даври – 15 ёшдан 18 ёшгача; Асосий фаолият – ўқиш ва касб танлашдан иборат бўлади [66].

5 – 6-синф ўқувчилари ёш хусусияти жиҳатидан ўсмирлик даврига тўғри келади. Ўсмирлар учун тенгдошлари билан ижтимоий мулоқот етакчи фаолият бўлиб қолади. Таълим-тарбия жараёнида билиш жараёнларининг ўсиши, ўсмирда қизиқишларини ортишига туртки бўлади, билиш фаолияти мактаб дастуридан ташқарига чиқади, мустақил ўқий бошлайди. Ўсмирнинг тафаккурида танқидийлик, мустақиллик ҳосил бўлиши кузатилади. Бу даврда ўқитувчи ўқувчиларга ўқув материалларини таққослашни, қиёслашни, солиширишишни, ўз фикрини тўғри, равон ва аниқ ифодалаш йўлларини тушунтириб беришлари лозим. Ўқув фаолиятида ўқув материалини ўзлаштириш даражасида, умумий интеллектуал ривожланишида турли даражадаги ўқувчиларни учратиш мумкин. Ўқув фаолиятидаги камчиликлар кичик синфларда билинмаган бўлса, 5 – 6-синфларда ўзлаштириши кескин фарқланадиган болалар кўзга ташланиб қолади.

Ўсмирда назарий, шаклий ва рефлексив тафаккур турлари шаклланади. Хотира ва идрок жараёнларида ҳам интеллектуализация ҳосил бўла бошлайди. Ўсмир ўқув материалларини ўрганиш, тушуниб идрок қилиш, эслаб қолишни ўргана бошлайди. Ўсмирларнинг ўз-ўзини англаши сифат жиҳатидан ўзгаради. Ўзи ҳақида ўйлаш, ўзини бошқалар билан таққослаш ўсмирнинг асосий хусусиятларидан биридир. Ўсмир ўз камчиликлари ҳақида ўйлайди, ўзидан қониқмаслик ҳисси пайдо бўлади. Кўпчилик ўсмирлар

катталарга ўхшайдиган ўз тенгдошларига ўхшашга ҳаракат қиладилар.

Маълумки, инглиз тилини ўқитишида ўқув жараёнини ўқувчи-ларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилиш таълим ва тарбияда муваффақиятни таъминловчи омиллардан биридир. Энг муҳими ўқув вазифа ва топшириқлари ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятларига яраша бўлиши керак. У ўқувчига ҳаддан ортиқ қийинчилик туғдирмаслиги лозим. Психологик маълумотларга кўра мазкур ёшдаги ўқувчилар тез ривожланадилар, натижада, улар тез чарчайдиган, жаҳли чиқадиган, ўжар бўлиб қоладилар. Шунинг учун 4 – 5-синфларда тил ўрганишни учнишни фоолликни талаб қилмайдиган иш турлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу айниқса, дарс охирида жуда зарурий фаолиятдир.

4 – 5-синф ўқувчилари билан 5 – 6-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини таққослашдан, шу нарса маълум бўлдики, 4 – 5-синф ўқувчилари учун муҳими ўқиш фаолиятидир. 5 – 6-синф ўқувчилари учун эса чет тилда гапиришни кўпроқ хохлайдилар. Бу ёшдаги ўқувчиларда мустақиллийкка интилиш, ўз-ўзини бошқариш каби хусусиятлар кучли кузатилади. Баъзан бир ўзини бутун синфга қарши қўйиб, бошқалар олдида ўзини кўрсатиш, бошқалар олдида ўзининг қобилиятларини намоён қилиш истаги кучли бўлади.

Юқорида баён қилинганларнинг барчаси чет тил ўқитиши ва ўқувчилар фаолиятини назорат қилишни қийинлаштиради. Бунинг олдини олиш учун инглиз тили дарсларида тил ўргатишида маҳсус машқларни бажариш зарур. Уларни мустақилликка интилиш истагини қондирилишига ғамхўрлик қилиш, уни тўғри йўлга солиш лозим.

Ўқувчи ривожланишининг психологик даврлаштиришга кўра, 10 – 11-ёшдаги ўқувчилар ўсмирилик даврига тўғри келади. Бу ёшда ўқувчиларни янги, қизиқарли ва фойдали маълумотларни ўрганишга ўзларида эҳтиёж сеза бошлайдилар. Бу ёш ўқувчидаги ўқув мотивларини шакллантириш учун қулай давр бўлиб хизмат қилади.

Ушбу даврда 5 – 6-синф ўқувчилари билиш, ўз-ўзини англаш қобилияти шаклланиб боради, ақлий жараёнлар яхшиланади. Ўсмирлар аллақачон барча ҳаракатларини тартибга солиш ва бошқариш имкониятига эга бўлади. Ўқувчининг ақлий ривожланишига таълим-тарбия жараёни тубдан таъсир қиласи. Бундай ҳолда, таълим тизимида оғзаки ва ёзма нутқни эгаллаш ва ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Тадқиқотларда 5 – 6-синфлардаги монологик нутқнинг ўқувчиларда суст ривожланишини кузатилади. Баъзи ўсмирлар сўзларнинг визуал маъносига қараганда кўпроқ грамматик шаклига эътибор қаратишади, бу эса машғулотнинг бошланғич босқичида грамматик кўникмаларни шакллантириш жараёнида юзага келадиган қуйидаги қийинчиликларни юзага келтиради: 1. Нутқда грамматик ҳодисаларни қўллаш (функционал) жараёни билан боғлиқ қийинчиликлар; 2. Грамматик ҳодисаларнинг шаклий (формал) жараёнлари билан боғлиқ қийинчиликлар; 3. Грамматик ҳодисаларнинг маъновий (семантический) томонлари билан боғлиқ қийинчиликлар.

Тадқиқотчилардан Г.И.Мокроусова 5 – 6-синф ўқувчиларининг ижтимоий мулоқотда тажрибаси камлиги, коммуникатив алоқа фаолиятининг психологик омил сифатида номуккаммаллигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Ўқиши жараёнидаги муваффақият ёки муваффақиясизлик ўқувчиларнинг ўқув фанларига бўлган муносабатини шакллантиришга таъсир қиласи. Муваффақият ижобий ҳистойғуларни уйғотади, тобора кўпроқ муваффақиятли натижаларга эришиш истагини ривожлантиради. Муваффақиясизлик ўқувчиларда мавзуга бепарво муносабатни пайдо бўлишига, дарсга бўлган эътибор ва диққатни сусайишини келтириб чиқаради. Ўқувчининг сўз бойлигини оширишга қаратилган машқларни танлаш ва тақсимлашда ўқитувчи ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши керак.

И.А.Зимняя, В.П.Кузовлев, С.Ю.Николаев, В.С.Цетлин, Н.Д.Галсковаларнинг психология ва чет тилларни ўқитиш методикасига оид тадқиқотларида қуйидаги хусусиятлар алоҳида таъкидлаб ўтилади [86; 96].

1. Ўқувчининг шахсига йўналтирилган хусусиятлар (мотив, қизиқиш ва майилликлари). Уларга таяниш таълим ва коммуникатив мотивациянинг юқори даражасини таъминлашга ёрдам беради;
2. Ижтимоий-маданий омиллар, ёшга боғлиқ хусусиятлар, коммуникатив компетенция, ҳиссиётлилик. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш ўқувчиларни табиий мулоқотга тайёрлаш учун қулай шароитларни яратишга имкон беради.

Мазкур ёшдаги ўқувчилар учун ўзини катталардек тутишга интилиш кучли бўлиши кузатилади. Ўсмирлар энди ёш болалар эмас, буни ўзлари ҳам яхши ҳис этишади. Улар катталар билан бўлган муносабатларида ўзларига нисбатан катталардек муносабатда бўлишларини ҳоҳлайдилар. Бу ёшда ўқувчилар кўпинча ўзларининг кучларига ортиқча баҳо бериб юборишади. Ўсмирлар фаолият ва ҳатти-ҳаракатларида ўзларини катталардек тутиш, баъзи масалаларни ечишда мустақил бўлишга интилиш кучли бўлиши кузатилади. Айни ҳудди шу ёшда ўсмирларда касбга бўлган қизиқиш, мактабда ўрганиладиган ўқув предметларига нисбатан табақалаштирилган муносабатлари шаклдана боради. Улар ўқув предметларини “биринчи даражали ва иккинчи даражали”ларга ажрата бошлайди. Кўпинча кераксиз фанлар қаторига ижтимоий-гуманитар фанларни қўшишади. Минг афсуски, шу фанлар қаторига чет тил фанини ҳам киритилади.

Психологик тадқиқотларда 5 – 6-синф ўқувчилари тафаккури-нинг мантиқий кетма-кетлиги, масалаларг танқидий кўз билан қараш, мустақиллик каби шакллари ривожланади. Инглиз тили ўқитишида 5 – 6-синфларни ўзига хослиги чет тил ўқитишининг мақсади, тил ўргатиш хусусиятлари, тил материалининг хусусияти (ҳажми ва мураккаблиги) билан белгиланади. Тил материали бўйича асосан асосан фаол минимумни ривожлантиришга эътибор қаратилади. Мазкур фаол минимум оғзаки нутқда ўргатилади. 5 – 6-синфда биз юқорида кўриб ўтган баъзи бир психологик хусусиятлар ўқувчиларда мустақил ишлаш кўнилмаларини ҳосил қилишга имкон беради. Мустақил иш шаклларидан энг муҳими бу уйда, индивидуал ёки қўшимча ўқишидир.

Маълумки, умумтаълим мактабларида барча ўқув фанлари умумтаълимий мақомда ўқитилади. Жумладан, инглиз тили ҳам умумтаълимий ўқув фани сифатида ўқитилади. Умумтаълим мактабларида ўзбек, рус ва инглиз тиллари ҳам ўқувчиларнинг тилга оид кўникма ва малакаларни ривожлантириш учун хизмат қиласди.

Эрта болаликдан теварак-атрофдагиларга тақлидан ўрганиладиган ва шахс тафаккури шаклланишида ҳал қилувчи вазифани ўтайдиган она тили бошқа тилларни ўрганишда асос вазифасини ўтайди. Рус ва инглиз тилини ўқитишда она тилини ҳисобга олишдек методик тамойилдан фойдаланилади.

5 – 6-синфларда она тили ўқитишда асосий эътибор ўқувчилар нутқининг оғзаки ва ёзма шаклларини шакллантиришга қаратилади. Она тилини яхши билиш мамлакатнинг ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этишга ёрдам беради, бошқа мақсадларга эришишда восита ҳисобланади.

Она тилидан кейин ўрганиладиган тилга “иккинчи тил” мақоми берилади. Мамлакатимизда “иккинчи тил” тушунчаси ўзбекча ўқийдиганлар учун рус тили, рус тилида таълим олувчилар учун эса ўзбек тили демакдир. 5 – 6-синф дастурий талабларига кўра рус тилида лингвистик ва нутқий компетенциялар ривожлантирилади. Рус тилини ўрганиш она тилидаги тажрибага суюнишни тақозо этади, ўз навбатида, мазкур тил инглиз тилини ўрганишга муайян таъсирини ўтказади.

Инглиз тилини ўргатишда эса аҳвол умуман ўзгача. Инглиз тили асосан тилнинг лексик, грамматик ва талаффуз томонларини ҳис этиш орқали ўрганилади ҳамда таълим жараёни асосан сунъий муҳитда ўргатилади.

5 – 6-синф ўқувчиларига инглиз тилини ўргатишдан кўзда тутилган мақсад – гапириш (speaking), тинглаб тушуниш (listening), ўқиш (reading) ва ёзув(writing)га оид кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборатдир.

Методист-олимлардан А.А.Миролюбов, И.В.Рахманов, В.С.Цетлин ўқув предметларини таснифлашда уларнинг дидактик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ёндашганлар. Улар қуидагича

ўқув фанларини гурухлашга эътибор қаратишган. Биринчи гурухга фан асосларини ўргатадиган табиий ва ижтимоий (физика, химия, тарих ва б.) фанларни киритишган. Мазкур ўқув фанларининг биринчи хусусияти – ўқувчилар онгидаги фан ҳақида тўғри тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиш учун хизмат қиласди. Яна бир хусусияти шундан иборатки, фан асосларини ўқитиш жараёнида шакллантирилаётган кўникма ва малака фан системасига бўйсундирилган бўлади [105].

Ўқув предметларининг иккинчи гурухига кўникма ва малакани оширишга қаратилган (ашула, мусиқа, жисмоний тарбия ва б.) фанлар киритилган. Уларнинг асосини муайян умуминсоний фаолият амалиёти ташкил этади.

Тадқиқотчилар инглиз тилини ҳар икки гурух ўртасидаги ўқув предмети деб ҳисоблайдилар, билим ва малакани шаклланишига хизмат қиласди деган фикрни илгари сурадилар.

Чет тил ўқитиш методистларидан Т.Қ.Сатторов чет тил предметини қуидаги педагогик-психологик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда таснифлайди:

1. Она тили ва инглиз тилида мулоқот учун нутқий муҳит бирбиридан кескин фарқ қиласди. Дарсдан ташқари пайтларда ўқувчидаги инглиз тилида мулоқот қилиш учун муҳит деярли мавжуд эмас. Она тили учун доимо табиий муҳит мавжуддир.

2. Она тили инсоннинг кундалик фаолиятига сингиб кетади. Инглиз тили учун эса бундай имконият мавжуд эмас. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларга мулоқотни ўргатиш мақсадида сунъий нутқий вазиятларни вужудга келтириш зарур.

3. Инсон боласи теварак-атрофни она тили ёрдамида идрок этиб тушунади, кишилар билан мулоқотга киради. Чет тил ўқитишда ўқувчилар талаффуз, грамматик ва лексик томонларини ўрганишади. Чет тилда фикр баён этиш ва идрок этиб тушуниш амалий мақсад мақомини олади.

4. Т.Қ.Сатторов билим ва малаканинг ўзаро муносабати нуқтаи назардан ўқув предметларини а) билим ва назария берувчи фанлар (тарих, адабиёт, география); б) амалий малакани шакллан-

тиришга йўналтирилган фанлар (расм, меҳнат таълими, жисмоний тарбия) каби гурухларга таснифлайди. Бу борада чет тил ўқитиши умумий методикаси муаллифларининг фикрига қўшилади ва инглиз тилини юқоридаги икки гурух ўртасидаги предмет деб хисоблайди [124].

Ўзбекистонлик таниқли методистларидан Ж.Ж.Жалолов ва С.С.Сайдалиевлар ўқув предметларининг вазифавий, таълимий-тарбиявий хусусиятларидан келиб чиқиб фикр ва мулоҳазалар билдиришган. Ўқув предметларини 4 гуруҳдан иборатлиги тадқиқ қилинади. 1. Назарий ва амалий билимларни берадиган ўқув предметлари (химия, биология, физика, математика, тарих); 2. Таълим-тарбия беришга йўналтирилган ўқув предметлари (расм, мусиқа, ашула); 3. Амалий фаолиятни ўргатадиган ўқув предметлари (жисмоний тарбия, меҳнат таълими); 4. Тилга оид ўқув предметлари (она тили, иккинчи тил, чет тил) деб таснифлашган [56; 121].

Фан асосларини ўргатувчи предметларда ўқувчиларга ушбу соҳага оид билимлар баён этилади. Тарбиявий йўналишдаги предметлар ўқувчиларда нафосат ва гўзалликни таркиб топтиради. Фаолиятни ўргатиш предметлари жисмоний чиниқиши, меҳнат қилиши кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қиласи.

Лингвометодиканинг обьекти бўлган тилга оид ўқув предметларини таҳлил этганда, улар орасида ўхшашлиқ ва кескин фарқлар борлиги намоён бўлади. Тиллар орасидаги умумийлик шундан иборатки, ҳар учаласини ўрганишда ҳам ўқувчи нутқ фаолияти билан машғул бўлади. Ушбу тилларда шаклланган кўникма ва малакалар туфайли бошқа фан ва соҳаларга оид билимлар ўзлаштирилади, бошқача айтганда, тилга оид ўқув предметлари мулоқот вазифасини бажаради.

Умумтаълим мактабларида ўзбек тили, рус тили ва инглиз тилларини ўқитиши турли ўқув мақсадларига эришишни кўзда тутади. Масалан, “ўзбек тили”ни ўрганиш чоғида амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар бир хилда рўёбга чиқади. Инглиз тилида эса мулоқот, амалий қўлланиш етакчи

вазифани бажаради, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар унга боғлиқ ҳолда рўёбга чиқарилади.

Ўзбек тилини ўқувчи 5 – 6-синфада ҳам ўрганади. Рус тилида амалий малакалар, аввал, қисман ҳосил қилинган, назарий билимлар ўзбек тилидагидан камроқ ҳажмда баён этилади, албатта. Инглиз тили ўрганишда эса қоидалар амалий кўникма ва малакаларни эгаллашни тезлаштириш (интенсификация) ва енгиллаштириш (оптимизация) мақсадларига бўйсундирилади, ўқув жараёнида нутқий фаолият бирламчи вазифага айланади.

Таълимда ўқув фанларининг имкониятларини бирлаштириш кўзланган мақсадга эришишнинг асосий йўли саналади. Фанлараро интеграция (боғланиш) ҳозирда дидактика ва ўқитиш методикасида билимлар мазмуни билан илмий билиш методларининг мутаносиблиги асосланган яхлит система сифатида тушунилади (М.Н.Скаткин, И.Д.Зверев, И.Я.Лернер ва б.). Ўқув фанларининг ўзаро боғланниши, уларнинг таркибий қисмлари, тузилиши ва вазифаларини инглиз тили ўқитиш жараёни билан узвийликда тадқиқ этиш зарур [126].

5 – 6-синфларда тиллар таълими ўқувчилар нутқини тилга оид сўз ва атамалар билан бойитиш, коммуникатив фаолиятга тайёрлаш, ўқувчилар эҳтиёжидан келиб чиқадиган нутқ услубларини ўргатиш, нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, кўзланган мақсадга бўйсундирилганлиги каби омиллар тиллар бўйича нутқий фаолиятга тайёрлашда муҳим ўрин тутади.

Ўзбек, рус ва инглиз тили дарсларида 5 – 6-синфлар ўқувчиси лексик бирликларни маъносини тушунса, шу тилларда фикрни оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри ифодалаш малакаларига эга бўлса, нутқий синонимиядан тўғри фойдалана олса, тилларни ўқитишдан кўзланган коммуникатив мақсадга эришилган ҳисобланади.

Таълим шароитининг навбатдаги таркибий қисми – тил тажрибаси тушунчасидир. Бир ва ундан ортиқ тилни эгаллашдан қатъи назар ўқувчида тил тажрибаси ҳосил бўлади. Тил ўқитишда уларни нутқий ва лингвистик таркиблар тарзида талқин қилинади. Нутқий таркиб деганда, мулоқот малакаси, яъни ахборот етказиш ва

ўзгалар фикрини идрок этиб тушуниш кўзда тутилади. Лингвистик тарафида эса ахборот олиш ва бериш мақсадида тил ҳодисаларидан фойдаланиш, тил ҳодисаларига доир билимларни билиш назарда тутилади. Ҳар иккала қисм бир бутун “til билиш” тушунчасини ҳосил қиласди.

Тил тажрибаси, аввало, ўзбек тилида шаклланади, икки ва ундан кўп тил билгандарда унинг тегишли даражалари ошиб боради. Оқибатда, хотира ва тафаккурда нутқий ва лингвистик таркиблар бойишига эришилади. Фикрни ифодалашда турли тилларга оид восита ва усуллар ишга тушади. Шу аснода бир тил доирасида ички ва тиллараро салбий (интерференция) ёки ижобий таъсир (транспозицион) хусусиятларига таълим жараёнида фарқлаб ёндашиш муаммоси пайдо бўлади.

Ўқувчиларнинг тил тажрибаси уч тилдан йиғилган билим, қўникма ва малақалар мажмуи бўлиб, унинг ҳажми, қўлланиш қўлами, ўзаро боғлиқлиги масалалари методиканинг тил тажрибасини ҳисобга олиш тамойили доирасига киради. Ўқувчиларнинг тил тажрибаси чет тил ўрганишга салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиши кузатилади [56; 91].

Таълим шароитининг яна бир таркибий қисми тил муҳити тушунчасидир. Тил табиий ва сунъий нутқий вазиятларда ўргатилади. Ўзбекистон Республикасида чет тиллар, жумладан инглиз тили ҳам хорижий тил сифатида ўқитилади. 5 – 6 синфларда инглиз тили сунъий нутқий вазиятлар муҳитида ўргатилади.

Инглиз тилига ажратилган вақт деганда, а) ўқув режасидаги ҳафталиқ ва йиллик (ёки бутун курс давомида) дарс соатлари миқдори, б) жадаллаштирилган қисқа муддатли (интенсив) ёки вақт эътибори билан чўзилган (экстенсив) шароитда таълим бериш каби тушунчалар назарда тутилади. 5 – 6-синф ўқув дастурларида инглиз тилига ҳафтасига 2 – 3 соатдан, жами 204 соат ажратилган. 5-синфда 102 соат, 6-синфда 102 соат амалий машғулот олиб бориш режалаштирилган. 5 – 6-синфларда экстенсив таълим жорий этилган. Таълим шароитининг юқоридаги умумий таҳлили шунинг учун зарур бўлдики, бирламчи лингводидактик ҳодиса саналмиш

мазкур тушунча – инглиз тили ўқитиши мақсадларини аниқлашда асос вазифасини ўтайди.

Мақсад тушунчаси (aims/goals) – таълимда умумий йўналиш бўлиб, муайян вазифаларни ҳал этиш режасидир. Илмий тадқиқотларда инглиз тили амалий (practical/communitive), умумтаълимий (educational), тарбиявий (cultural) ва ривожлантирувчи (developing) мақсадларда ўргатилади. Чет тил ихтисослиги йўналишидаги ўқув юртларида касбий (professional) мақсад ҳам қўйилади [56; 121; 123].

Мақсад сўзининг илмий-методик маъноси деганда, хорижий тил ва маданиятини ўргатишнинг онгли тарзда режалаштирилган натижаси кўзда тутилади. Ўқитиши шароитидан келиб чиқиб, муайян мақсад қўйилади.

Таълим мақсади ўқитиши жараёнини ташкил этиш ва муайян натижаларга эришишни олдиндан аниқлаш воситаси ҳисобланади. 5 – 6-синфларда инглиз тилини ўргатишдан мақсад – ўрганилаётган тилдан фикр алмашиш воситаси сифатида фойдаланиш малакаларини ривожлантириш, ўқувчиларни билиш фаолиятини ошириш, уларда тилга оид лингвистик ва нутқий компетенцияларни ривожлантиришдан иборатдир. Барча кўзланган мақсадлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, таълим жараёнида бир-бирини тақозо этади.

5 – 6-синфларда ўқитиладиган тилга оид ўқув предметларида ҳам “амалий мақсад” атамасига турлича таъриф-тавсифлар берилади. Ҳар уч тилни ўрганиш жараёнида амалий мақсад тушунчасининг турли маъноларда талқин этилиши илмий-тадқиқотларда кўрсатиб ўтилган.

Инглиз тили ўқитиши методикасида “амалий мақсад” бўйича илмий- тадқиқотчилар томонидан берилган таърифлар 1.1- жадвалда ўз ифодасини топган.

### 1.1-жадвал

№	Муаллифлар	Амалий мақсад бўйича таърифлар
1.	А.А.Миролюбов, В.В.Краевский, В.С.Цетлин Т.Қ.Сатторов	Инглиз тилини ихтисослик ёки мутахассислик талаблари ёки тил ўрганувчи қизиқишига қараб, тилни мукаммал ўрганишга имкон берувчи тилни касбий даражага етарли бўлмаган ҳолатда эгаллаш

2.	О.И.Москальская	Инглиз тилини нофилологик ёки нокасбий даражада билиш, нутқ фаолияти турларининг оғзаки ва ёзма шаклларини ўрганиш
3.	Н.И.Гез	Инглиз тилида нутқ фаолиятининг барча турларини билиш
4.	Л.С.Андреевская-Левенстерн, И.Л.Бим, Г.В.Рогова, Ф.М.Рабинович, Т.Е Сахарова, А.Д.Климентенко, Л.Вайсбург, М.Е.Брейгина	Инглиз тилида оғзаки ва ёзма мулоқот юритиш
5.	Ж.Ж.Жалолов; С.Ф.Шатилов.	Инглиз тилида тилда оғзаки ва ёзма шаклда фикр баён этиш ҳамда ўзгалар фикрини тушуниш
6.	Е.И.Пассов	тили ўрганилаётган халқ маданиятини ўргатиш

5 – 6-синфларда инглиз тили ўқитишдан амалий мақсад қуидагилардан иборатлиги кўрсатилган: 1. Дастур талаби доирасида инглиз тилида оғзаки ва ёзма мулоқот қила олиш. 2. Дастур бўйича ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабоп адабиётларни ўқиб тушуниш.

5 – 6-синф ўқувчиларига инглиз тили ўргатишдан кўзда тутилган якуний амалий мақсад эса – оғзаки нутқ, ўқиш ва ёзув каби нутқий компетенцияларни ривожлантиришдан иборатдир. Инглиз тилини амалий мақсадда ўрганиш ушбу тил ёрдамида керакли ахборотни олиш ва бошқаларга етказиш маъносини билдиради. Ўзлаштирилган ахборот ўқувчиларни билим савиясини ошириш, уларни тарбиялаш ҳамда ривожлантириш учун хизмат қиласади.

Амалий мақсад – инглиз тилида мулоқот орқали таълим, тарбия ва ўқувчи шахсини ривожлантиришда асос ҳамда шароит вазифасини ўтайди. 5 – 6-синф ўқувчилари таълим якунида ўргангандан инглиз тилидаги нутқни идрок этиб тушуниш ва ушбу тилда фикр баён эта олиш имкониятига эга бўлади. [56].

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғриси”даги қонунида ўқувчиларни баркамол ва етук инсонлар этиб тарбиялаш, ўқитиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ўқувчиларда миллий ғуур ҳамда миллий одоб-ахлоқ фазилатларини ривожлантириш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган [7].

Мазкур вазифалар 5 – 6-синф ўқув режасига киритилган барча фанларни ўқитишни ушбу мақсадга бўйсундиришни тақозо этади. 5 – 6-синфларда умумтаълимий ўқув предмети ҳисобланмиш инглиз тили ҳам бошқа фанлар қатори таълим ва тарбия бериш ҳамда ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришда ўзининг улушкини қўшади.

Инглиз тили фанини ўқитишдан кўзланган умумтаълимий мақсад қуидагилар: 1. Тилга оид коммуникатив (лингвистик ва нутқий), социолингвистик ва прагматик компетенцияларни ривожлантириш; 2. Тил воситасида олинадиган ҳаётий ахборотлар.

Инглиз тилида умумтаълимий мақсад тилни амалий эгаллаш чоғида рўёбга чиқади. Амалий билиш тарбия бериш учун ҳам асосий йўл саналади.

Инглиз тили ўқитиш жараёнида ўқувчилар тарбия ҳам оладилар, уларнинг билиш фаоллиги оширилади ва маънавий эҳтиёжлари қондирилади. Ўқувчилар инглиз тилидаги матнларни идрок этиб тушуниш ёки фикр баён қилиш орқали маънавий камолотга эришадилар.

Тарбия – шахсни ривожлантиришдаги педагогик жараён бўлиб, ўқувчи шахсига мунтазам ва системали таъсир этиш имкониятини беради. Тарбиядан кўзланган асосий мақсад – ҳар томонлама ривожланган, ақлий ва ахлоқий жиҳатдан баркамол инсонни шакллантиришдан иборатdir.

Тарбиявий мақсад инглиз тили предметининг тарбиявий аҳамияти билан ифодаланади. 5 – 6-синфларда ўқувчилар инглиз тилидан билим, қўникум ва малакаларга эга бўлиб бориш баробарида уларда меҳнатга муҳаббат, меҳнат аҳлига хурмат, Она Ватан ифтихори, дўстлик, ўртоқлик туйғулари камол топади, шу

билан бирга, ахлоқий, эстетик, байналмилал тарбия беришни кўзда тутади.

Ушбу мақсад инглиз тили материалида асосан икки йўл билан рўёбга чиқарилади. Биринчидан, тил ўқувчининг таълим жараёнида бевосита тарбияланиши кузатилади (шу тилда саломлашиш, хайрлашиш, теварак-атрофга муносабат билдириш), иккинчидан, оғзаки ва ёзма нутқни ўргатиш жараёнида инглиз тили ўқитиш мазмуни таркибида тарбиявий томонлар мавжудки, улар ўқувчини тарбиялайди, маънавий эҳтиёжини қондиради.

Маълумки, 5 – 6-синф инглиз тили таълимида ижтимоий-маиший, бадиий, сиёсий, маданий, ўқув-таълимий мавзуларга оид матнлар ўқиши учун берилади ва улардан олинадиган маълумотлар ўқувчи тарбиясига бевосита даҳлдор ҳамда фойдали бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари, инглиз тилини ўқитишда тарбиявий мақсад тили ўрганилаётган халқлар нутқий муомала маданияти, ахлоқи, турмуш тарзи кабиларни ўрганиш орқали ҳам амалга оширилади.

Ривожлантирувчи мақсад инглиз тилини ўрганиш жараёнида ўқувчилар дунёқарашининг кенгайиб бориши билан белгиланади. Инглиз тилини ўрганиш ўқувчилар мантиқий тафаккурини ўстиради, мустақил ишлаш қобилияtlарини ривожлантиради. Ривожлантирувчи мақсад тил материалларини таҳлил қилиш, умумлаштириш, хуросалар чиқариш, сўзлар маъносини мустақил фаҳмлаш малакаларини ўстиришда намоён бўлади. Инглиз тили ўқитишда ўқувчилар савиясини куйидан юқорига кўтариш, ақлий жиҳатдан равнақ топтириш, мазмунан юксалтириш, ақлан янада улғайишини таъминлаш ушбу мақсаднинг рўёбга чиқишидан кўзланадиган биринчи вазифадир. Иккинчи вазифа, инглиз тили ўрганишда ўқувчиларнинг ҳис-туйгуларини камол топтириш, ташқи таъсирни сезгилар ва анализаторлар ёрдамида идрок этиб тушунишни равнақ топтиришни назарда тутади. Учинчидан, ривожлантирувчи мақсад фаолият кўрсатиш, таълим олишга бўлган мотивацияни қучайтиришни тақозо этади.

Инглиз тили ўрганиш жараёнида фан олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ўқувчининг коммуникатив компетенцияси (лаёқати) ривожлантирилади, тилни нутқий муроқот воситаси сифатида ўрганиш малакалари ҳосил қилинади.

### **1.2.§ 5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш тамойилларининг методик таҳлили**

XX асрнинг 90-йиллари бошларида Европа Кенгаши чет тилни ўзлаштиришда амалий мақсад сифатида тилдаги нутқ фаолиятининг барча турларини ўзлаштиришни етакчи мақсад сифатида белгилайди. Умуман олганда, инглиз тилини ўқитишнинг мақсади коммуникатив маҳорат ёки коммуникатив компетенцияни ривожлантириш орқали амалга оширилади.

Диссертацияда инглиз тили ўқитишида “компетенция”, “коммуникатив компентенция”, “лингвистик компетенция” ва “лексик компетенция” тушунчаларнинг тадқиқи масалаларини таҳлил қилиш зарур, бизнингча. “Компетенция” лотинча compete сўзидан олинган бўлиб, эришаман, мос келаман, тўғри келаман деган маъноларда қўлланиб, у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик деган маънони ифодалайди. Шунингдек, “компетенция” тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, унинг мазмун ва моҳияти турли соҳа олимлари томонидан турлича талқин этилади.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да “компетенция лотинча compete – сўзидан келиб чиққанлиги келтирилиб, эришяпман, муносибман, лойиқман деган маъноларни англатади, муайян давлат органи (маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа хужжати билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси, у ёки бу соҳадаги билимлар, тажрибалар деган тушунчаларни ифодалайди”.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “компетенция” – лаёқатли, муносиб бўлмоқ, муайян орган ёки мансабдор шахснинг расмий хужжатларда белгиланган ваколатлари доираси, ваколат, шахснинг

бирор бир соҳадан хабардорлиги, шу соҳани билиш даражаси”ни ифодалайди деб кўрсатилган.

Компетенция атамасининг мазмун ва моҳияти педагог, психолог ва методист олимлар томонидан турлича талқин этилади. Талқинлар ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда олға сурилади. В.И.Байденконинг фикрича “компетенция шахсларнинг билими, уни қўллашга оид, ҳаётий кўникма ва малакасига, лаёқатига кўра мутаносибликни ўзида намоён этиш имкониятига эга бўлишидир деб изоҳланади [17; 79].

Коммуникатив компетенция тушунчасига ўрганилаётган инглиз тили бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилияти, деган мазмунда таъриф берилган. Ушбу атама таркибидаги асосий тушунчани ифодаловчи competence сўзи дастлаб Н.Хомский томонидан «грамматик компетенция», яъни гапирувчи ва тингловчининг тил ҳақидаги билими, деган маънода қўлланилган.

Жумладан, коммуникатив компетенциянинг назарий ва амалий масалалари Н.Н.Доловова, Я.В.Тараскина, О.И.Халупо, И.В.Алехина, Р.С.Арефьев, Т.П.Попова, С.А.Строкова илмий-тадқиқотларида ёритиб берилган [81; 89].

Ҳозирда инглиз тилини ўқитиш амалиётида коммуникатив ёндашув кенг қўлланиб келаётган ёндашувлардан бири ҳисобланади. Тадқиқотчилардан И.Л.Бим, Р.Белл, В.М.Вятутнев, А.А.Зимняя, В.Г.Костомаров, О.Д.Митрофанова, М.Бирам, В.Л.Скалкин, Д.Слоббин, А.Д.Швитсер кабилар коммуникатив ёндашув асосида коммуникатив компетенцияни ривожлантириш бўйича қимматли фикрларни баён қилганлар [95].

Коммуникатив компетенция, ўз навбатида, лингвистик ва нутқий компетенцияларни ўз ичига олади. Лингвистик компетенция талаффуз, лексика, грамматикага оид билимлар ва нутқ фаолияти турлари бўйича кўникмаларни эгаллашни назарда тутади.

## 1.2-жадвал.

### Инглиз тилини ўқитишда коммуникатив компетенциянинг тавсифи

Коммуникатив компетенция	
Лингвистик компетенция	Нутқий компетенция
1. Лексик компетенцияси	1. Тинглаб тушуниш компетенцияси
2. Грамматик компетенцияси	2. Гапириш компетенцияси
3. Талаффуз компетенцияси	3. Ўқиш компетенцияси
	4. Ёзув компетенцияси

Эндиғи тадқиқотимиздаги масала инглиз тили ўқитиши тамойиллари ҳисобланади. Илмий педагогик, психологик ва методик тадқиқотларда инглиз тили ўқитиши тамойиллари ўзига хос тушунчаларни ифодалайди. Ўқитиша тамойил асос бўладиган йўл-йўриқ, қонун-қоида маъносида ишлатилади. Инглиз тилини ўқитишида тамойиллар ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш қоидалари бўлиб, узлуксиз таълим босқичларида чет тилларни муваффақиятли эгаллаш гаровидир. Чет тил ўқитиши методикасида Е.И. Пассов тамойиллар бўйича ўтган асрнинг 60 – 70-йилларида фаол тадқиқотлар олиб борган. Е.И.Пассов фикрича, тамойил ўқитиши жараёни биносининг пойдеворидир. Чет тил ўқитишида тамойилларни қўллашда ўқитиши мақсадлари, мазмуни ва шартшароитлари бевосита назарда тутилади. Таниқли тадқиқотчилар томонидан таклиф этилган тамойиллар йиллар давомида фанда умулаштирилди ва илмий асосланди.

Тадқиқотларда инглиз тили ўқитиши жараёнидаги тамойиллар асосан қуидаги номлар билан юритилади: 1. Дидактик (таълими) тамойиллар; 2. Психологик тамойиллар; 3. Лингвистик тамойиллар; 4. Методик тамойиллар [137]. Ушбу тамойиллар бири-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, қўйилган мақсадга эришишда асос вазифасини бажариши керак. Инглиз тили ўқув жараёнида қўлланиладиган метод, усул ва тамойилларнинг вазифасига қараб танланади ҳамда татбиқ қилинади.

Инглиз тили ўқитишида қўлланадиган тамойилларнинг биринчиси **дидактик тамойиллардир**. Дидактик тамойиллар хорижлик олимлар Я.А.Каменский, Л.В.Щерба, И.В.Рахманов, А.С.Шкляева,

Г.Е.Ведель, И.Л.Бим, А.Н.Леонтьев, Р.К.Миньяр-Белоручев, Е.И.Пассов, И.А.Зимняя, Н.Д.Гальского, Н.И.Гез, А.В.Хоторский-лар томонидан ўрганилган Мамлакатимизда Ж.Ж.Жалолов Ў.Хошимов, Л.Т.Аҳмедовалар томонидан дидактик тамойилларнинг ўзига хос томонлари тадқиқ қилинган [56; 78; 86; 96; 118; 132].

Мазкур дидактик тамойилларнинг номланиши, моҳиятида фарқлар борлигига қарамай, ҳозирги замон таълимшунослигида мустаҳкам ўрин эгаллади. Таълим-тарбия жараёнида педагог ва методистлар томонидан амалиётда қўлланиб келинмоқда. Ҳозирда қўйидаги дидактик тамойиллар инглиз тили ўқитиш амалиётида кенг қўлланиб келмоқда: 1. Тарбиявий-таълим тамойили; 2. Таълимда онглийк тамойили; 3. Таълимда фаоллик тамойили; 4. Кўргазмалийк тамойили; 5. Таълимда изчиллик (системалийк) тамойили; 6. Ўқувчиларга индивидуал (табақалаштирилган) ёндашиш тамойили; 7. Ўрганилаётган билимларни пухта ўзлаштириш тамойили; 8. Ўқув материалини ўқувчи кучига мослик тамойиллари [87].

Тадқиқотимизда юқоридаги дидактик тамойилларни инглиз тили ўқитиш методикасида қўлланиши бўйича фикр ва мулоҳазалар юритамиз. Инглиз тили ўқитишида **тарбиявий-таълим тамойили** ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама камолотга етказиш вазифасини рўёбга чиқаришни назарда тутади.

Инглиз тили ўқув фанининг олдида турган асосий вазифалардан бири бошқа ўқув фанлари сингари ўқувчиларга тарбиявий-таълим беришдир. Инглиз тилида таълимий-тарбиявий тамойили тилни амалий эгаллаш чоғида рўёбга чиқади. Амалий билиш тарбия бериш учун ҳам асосий йўл саналади. Таълим мазмунига кўра ўқувчилар инглиз тилида тил воситасида ўзлаштирадиган ахборот ва инглиз тили ўрганиш мобайнида оладиган тил ва нутқий кўникма ҳамда малакалар уларнинг тарбиясига бевосита таъсир кўрсатади.

Тарбия тамойилидан кўзланган асосий мақсад – ҳар томонлама ривожланган, ақлий ва ахлоқий жиҳатдан баркамол инсонни шакллантиришдан иборатдир. 5 – 6-синф ўқувчилари умумтаълимий фанлар асосини эгаллаб бориш жараёнида чуқур умумий билим, кенг дунёқараш, тилга оид лингвистик тайёргарлик, компьютер

саводхонлиги, ўз билимларини доимий тўлдириб бориш каби қобилиятларни эгаллаб борадилар. Шулар қаторида ўқувчиларда интизом, маъсулият билан ўз ишига, мамлакат равнақи йўлида садоқат билан меҳнат қилиш туйғуларини камол топтириш ҳам талаб этилади.

Мустақиллик йилларида шаклланаётган янгича дунёқарааш ўқувчиларда Ватанга садоқат, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббат, атрофдагиларга меҳрибонлик, танлаган йўли, касби, маслаги ҳамда эътиқодига содиқлик туйғуларини шакллантиришни назарда тутади. Ҳозирги куннинг асосий мақсади – ҳар томонлама ривожланган, комил инсонни тарбиялаш ўрта умумий таълим концепциясида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилгандир. Тарбиявий тамойилни юзага чиқишида инглиз тили ҳам ўзининг муносиб хисса қўшади.

Бошқа ўкув фанларида бўлганидек, инглиз тилини ўрганиш жараёнида ҳам ўқувчиларни тарбиялаш умумтаълим мактабларининг асосий вазифаларидан бири саналади. Она-Ватанга садоқат, табиатга муҳаббат, кишиларга ҳурмат, яхшилик қилиш, адолатпарварликка интилиш, байналмилал ҳис-туйғу сингари ижобий хусусиятларни сингдириш инглиз тилини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди.

Инглиз тили фанининг таълимий тамойили бўйича бир талай тадқиқотларда қимматли фикрлар баён этилган. Ўқувчилар инглиз тилини таълимий мақсадда ўрганар эканлар, улар икки турдаги – (1) тил ҳақидаги янги билим ва маълумотларни, (2) тил воситасида олинадиган ҳаётий ва илмий ахборотларни ўзлаштирадилар.

Инглиз тили ўрганиш жараёнида қўлланадиган тил ҳақидаги билим ва маълумотлар янги ҳодисалар ўқувчилар учун қизиқарли бўлиб, уларнинг тил тажрибасини бойитади. Иккинчи турдаги маълумотлар – ҳаётий ва илмий ахборотлар инглизча матнларда ўз аксини топади. Улар Ўқувчи теварак-атрофи (About me), Ватанимиз – Ўзбекистон (Uzbekistan – our country) ва Тили ўрганилаётган мамлакат(лар) (English speaking countries) мавзуларида матнларида берилишини кузатишимиз мумкин. Юқоридаги матнларни

ўқиши, биринчидан, ўқувчиларнинг умумий билимларини мазкур мамлакатлар маданияти, санъати, тарихи, адабиёти, урф-одатлари, анъаналари каби янги маълумотлар билан бойитса, иккинчидан, инглиз тилида илмий матнларни ўқиши ўқувчиларни фанлар бўйича билимларини янада бойитишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади [56].

### 1.3-жадвал

#### 5 – 6-синфларда инглиз тили ўқитиши мавзуларининг методик таснифи

Мавзулар (English Topics)		
Ўкувчи теварак-атрофи (About me)	Ватанимиз – Ўзбекистон (Uzbekistan – our country)	Тили ўрганилаётган мамлакат(лар) (English speaking countries)

Тадқиқотларда **онглилик тамойили** бўйича турлича фикр ва мулоҳазалар баён қилинган. Ўтган асрнинг 50-йилларида инглиз тили ўқитиши методикасида “онглилик тамойили” тил материалига оид назарий ва амалий қоидаларни билиш, уларни чет тилнинг оғзаки ва ёзма турларида қўллай олишни ифодалаган.

5 – 6-синфларда ўқитиладиган инглиз тили умумтаълимий ўқув фанлари қаторидан ўрин олган. Бундан ташқари мазкур синфларда ўзбек, рус ва инглиз тили ҳам ўқувчиларнинг лингвистик қўнишка ва малакаларни ривожлантириш учун хизмат қиласди.

Эрта болаликдан теварак-атрофдагиларга тақлидан ўрганиладиган ва шахс тафаккури шаклланишида ҳал қилувчи вазифани ўтайдиган она тили бошқа тилларни ўрганишда асос вазифасини ўтайди. Рус ва чет тилларни ўқитишида она тилини ҳисобга олишдек методик тамойилдан фойдаланилади.

5 – 6-синф шароитида она тили ўқитишида асосий эътибор ўқувчилар нутқининг оғзаки ва ёзма шаклларини шакллантиришга қаратилади. Она тилини яхши билиш мамлакатнинг ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этишга ёрдам беради, бошқа мақсадларга эришишида восита ҳисобланади [124].

Она тилидан кейин ўрганиладиган ҳар қандай тилга “иккинчи тил” мақоми берилади. Иккинчи тилга бошқа миллат вакилларидан

иборат қардошлар, қўшнилар тили сифатида каралади. Мамлакатимизда “иккинчи тил” тушунчаси рус тилинини ўргатишни назарда тутади. 5 – 6-синф дастурий талабларига кўра рус тилида нутқ малакалари ва тилшуносликка оид маълумотлар ўргатилади. Рус тилини ўрганиш она тилидаги тажрибага суюнишни тақозо этади ва, ўз навбатида, инглиз тилини ўрганишга муайян таъсирини ўтказади.

Инглиз тили ўқитишида тилнинг лексик, грамматик ва талаффуз томонларини ўргатишга эътибор қаратилади ҳамда таълим жараёни асосан сунъий мухитда ўтади. Инглиз тили лексикасини ўргатишида унинг ясалиш, маъновий ва нутқий мулоқотда қўллаш томонларини ўзбек тилига таққослаш мазкур тамойилда асосий мақсад сифатида талқин қилинган. Шу муносабат билан “она тилига суюниш” тамойилига асос солинган. “Она тилига суюниш“ тамойилининг маъноси инглиз тили лексик материалини она тилига таржима қилиш орқали амалга оширилиши тушунилар эди. Бу вақтларда инглиз тили лексикаси ҳақидаги қоидаларни ёдлаш, ҳарф/товушдан тортиб матнгача барча лексик материалга оид назарий билимларни ўрганиш назарда тутилган. Хуллас, инглиз тилини коммуникатив мулоқот воситасида эмас, балки тил лексик материали ҳақидаги қоидаларни ўрганиш асосий вазифа этиб белгиланган.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, инглиз тили ўқитиши метродикасида онглийлик тамойили чуқур илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этила бошлади. Ҳозирда замонавий ўқитиши методикасида онглийлик тамойили ўқув материалининг таркибий қисми ҳисобланган лексикани туб моҳиятини тушуниб етиш, инглиз тилидаги жумла ва нутқнинг мазмунини англаш, шунингдек, лексик материални қоидада эмас, балки нутқ амалиётида онглийлик коммуникатив тарзда қўллай олиш, инглиз тилида ахборот бериш ва олиш маъносида қўлланмоқда. Бунда “аввал нутқий фаолият” кейин “садда қоида“ мезонига амал қилинади. Тил тажрибасидаги мувофиқлик (аналогия) ва индуктив йўл тутиш (тил ҳодисасини қўллаш, сўнгра қоидага ўтиш) каби методик тадбирлар инглиз тили ўқитишининг онглийлик тамойили доирасига киради.

Онглилик тамойилига асосланиш – бу ўзбек тилининг тутган мавқейини назардан четда қолдирмайди. Ўзбек тили инглиз тилини ўрганишда ёрдам беради, нутқий фаолият бирламчи, тил лексикаси ҳақидаги қоида/назария эса иккиламчи эканлигига амал қилинади. Мазкур тамойилдан кўзланадиган мақсад – мазмун ва маънони англаб етишdir. Инглиз тили ўқитишдаги коммуникатив вазифаларни бажаришда ўзлаштирилган кўникмаларни малака даражасига кўтариш ва нутқий мулоқотда қўллаш назарда тутиляпти. Инглиз тили ўқитишда онглилик тамойили ўқувчиларнинг тил ўрганишдаги ижодий ташаббускорлиги, мустақиллигини ошишига сабаб бўлади. Инглиз тили лексик материали ҳақидаги назарий билимларни қуруқ ёдлаш, тақлид қилиш йўли билан такрорлаш, қоидаларни нутқдан ажратиб ўзлаштириш каби методик хатолардан қочиш ўқувчиларни онглилик тамойилига амал қилишига ундейди [56].

Лингводидактиканинг обьекти бўлган тилга оид ўқув предметларини таҳлил этганда, улар орасида ўхшашлик ва кескин фарқлар борлиги намоён бўлади. Тиллар орасидаги умумийлик шундан иборатки, ҳар учаласини ўрганишда ҳам ўқувчи нутқ фаолияти билан машғул бўлади. Ушбу тилларда шаклланган кўникма ва малакалар туфайли бошқа фан ва соҳаларга оид билимлар ўзлаштирилади, бошқача айтганда, тилга оид ўқув предметлари мулоқот вазифасини бажаради. Масалан, “Ўзбек тили”ни ўрганиш чоғида амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар бир хилда рўёбга чиқади. Инглиз тилида эса мулоқот, амалий қўлланиш етакчи функцияни бажаради, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар унга боғлиқ ҳолда рўёбга чиқарилади.

Ўзбек тилини ўқувчилар амалий тарзда эгаллайди. Рус тилида амалий малакалар, аввал, қисман ҳосил қилинган, назарий билимлар ўзбек тилидагидан камроқ ҳажмда баён этилади, албатта. Инглиз тили ўрганишда эса қоидалар амалий кўникма ва малакаларни эгаллашни тезлаштириш ва енгиллаштириш мақсадларига бўйсундириллади, ўқув жараёнида нутқий амалиёт бирламчи вазифага айланади.

5 – 6-синф ўқувчилари нутқини тилга оид сўз ва атамалар билан бойитиш, коммуникатив фаолиятга тайёрлаш, ўқувчилар эҳтиёждан келиб чиқадиган нутқ услубларини ўргатиш, нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, кўзланган мақсадга бўйсундирилганлиги каби омиллар нутқий фаолиятга тайёрлашда муҳим ўрин тутади.

Ўзбек, рус ва инглиз тили дарсларида ўқувчилар учалла тилда фикрни оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри ифодалаш малакаларига эга бўлса, нутқий синонимиядан фойдалана олса, тилларни ўқитишдан кўзланган мақсадга эришилган ҳисобланади.

Инглиз тили ўқитиш методикасидаги навбатдаги дидактик тамойил бу – **фаоллик тамойилидир**. Тадқиқотларда фаоллик тамойили инглиз тилидаги нутқий мулоқотда фаол қатнашиш билан боғлиқлиги қайд этиб ўтилган. Бироқ шуни унумаслик лозимки, нутқий мулоқотдаги ташқи фаоллик – кўп жумлаларни айтиш, онг иштирокисиз бажариладиган машқлар миқдори фаолликнинг етакчи кўрсаткичлари эмаслиги тадқиқотларда таҳлил қилинган. Оғзаки ва ёзма нутқни ижодий эгаллашда, нутқ фаолияти юритишда ўз эҳтиёжини қондиришга интилиш масаласи туради. Фаолликнинг асосий белгилари инглиз тили ўрганишда хоҳиш-истакнинг мавжудлиги, қизиқиш ва мотивациянинг юқорилиги каби психологик тушунчаларнинг таҳлилида намоён бўлади.

5 – 6-синф ўқувчилари инглиз тили ўрганишар экан, уни қизиқиб ўрганишга ҳаракат қилишади. Ўқувчининг муваффақиятга эришиш даражаси унинг фаоллик ҳолатига боғлиқ бўлиши жуда кўп амалий тадқиқотлардан маълум. Ўрганилаётган инглиз тили лексикаси ўқувчига қувонч бағишиласа, инглиз тилини катта қизиқиш ва интилиш билан ўрганса ўқувчидаги фаоллик ошади, агар акси бўлса тилга нисбатан қизиқиш сусайиб боради.

Илмий-тадқиқотларда фаоллик тушунчаси ақлий, ҳиссий ва нутқий каби уч кўринишда бўлиши таъкидлаб ўтилган. Инглиз тилида нутқий мулоқотда лексикани қўллаш ҳиссий қувонч ва ақлий камолот келтиргандагина фаоллик кучайиб, ўқувчилар инглиз тили лексикасини ўрганишда муаваффақиятларга эришиб боради.

5 – 6-синфларда ҳам инглиз тили ўқитиши жараёнида фаоллик тамойилига риоя қилиб иш кўрилади. Ҳозирда инглиз тили ўқитишида “фаоллик” тушунчасининг маъноси жуда кенгdir. Баъзи тадқиқотларда ушбу тушунчани метод даражасигача тадқиқ қилиш ҳолатлари кузатилди. Тил ўрганишида “фаол методлар” тушунчаси пайдо бўлди. Маълумки, барча методлар фақат фаолликни талаб этади, таълимдаги қолоқ ёки суст методларни, албатта, ҳеч ким тавсия этмайди. Бизнингча, фаоллик тушунчаси билан метод эмас, балки тамойил тушунчаси билан кўпроқ боғланиши тўғри ёндашув ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам дарсда ҳар бир ўқувчининг инглиз тилини коммуникатив йўналишда ўрганишдаги нутқнинг иштироки ҳисобга олиниши лозим. Бу кўпроқ 5 – 6-синф инглиз тили дарсларида лексикани ўргатишида синфда хор билан ишлаш, синф/гурухнинг биргалашиб ишлаши, инглиз тилида диалог ва полилогларда қатнашиш, индивидуал ишларда ўқувчилар қобилиятини эътиборга олиш каби методик тадбирлар орқали амалга оширилади.

Инглиз тилида нутқ фаолияти турлари ва лексикага оид бўйича машқларни бажариш жараёни бевосита ўқувчиларнинг фаоллик даражасига таъсир кўрсатади, тил ўрганишида юзага келадиган қийинчиликларни олдини олади, инглиз тилидаги нутқда хато қилишдан чўчимаслик кўникмаларини ҳосил қиласи. Ўқувчилар нутқини фаоллаштиришда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш бунда, айниқса, инглиз тили дарсларида ўқувчи-ўқувчи, ўқитувчи-ўқувчи, ўқитувчи-синф, ўқувчи-синф шакллари, шунингдек, ўйин ва ҳамкорлик сингари технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларнинг фаоллигини кучайтириш омилларидан бири ҳисобланади.

Инглиз тили ўқитишида **кўргазмалилик** тамойили муносиб ўрин эгаллайди. Кўргазмалилик 5 – 6-синфларидағи бошқа умумтаълимий ўқув фанларини ўқитишида фақат кўриш билан боғлиқ жараёни ифодалashi илмий-тадқиқотларда баён этилган. Инглиз тилида кўриш ва эшитиш сезгилари орқали идрок этиладиган лексик материал тил ўрганиш жараёнида ташқи ва ички кўргазмалилик

тарзидаги түшүнүлдөс. Мактаб ўқувчилари ўзбек тилини табиий шароитда ўрганиши, инглиз тилини эгаллаш эса сунъий шароитда кечиши туфайли инглиз тили лексикасини ўрганганишда кўргазмалиликнинг ўрни ва аҳамиятини янада оширади. Ўқувчиларнинг тинглаб түшүнүшни осонлаштиришда ўқитувчи нутқидан ташқари диктор нутқи ҳам эшишишга қўйилади. Аудитив техника воситаларидан синфда, инглиз тили хонасида ва уйда етарли фойдаланиш тавсия этилади.

Инглиз тили ўқитишида кўргазмалиликдан асосан лексик материални машқ қилиш ва нутқда қўллаш жараёнида кўришга мўлжалланган воситалар – слайдлар, диафилмлар, кино-филмлардан ўринли фойдаланишни кўзда тутади.

Инглиз тили ўқитишида кўргазмалилик тамойилини иккита йирик гурухга бўлиниши бўйича тадқиқотлар ўтказилган: 1. Ташқи кўргазмали (предметга оид); 2. Ички (тилга оид) кўргазмали воситалар.

Ташқи кўргазмалиликда лексикани тасвирда, предмет, расм, жадвал ёки ҳаракат тарзидаги намойиши түшүнүлдөс. Ички кўргазмалиликда эса инглиз тили имкониятларидан келиб чиқадиган кўргазмалилик түшүнүлдөс. Инглиз тили ўқитишида товуш/ҳарфни айтишдан бошлаб, матн мазмундаги қатор тил воситалар ички кўргазмалиликни ташкил этади. Янги сўзнинг матннаги маъносини фаҳмлаб олиш, сўз ёки шакл ясаш элементлари ёрдамида тил бирлигини түшуниб олиш, тил тажрибасидан фойдаланиш ҳам инглиз тили ўқитишида кўргазмалилик тамойилини ташкил этади. Предмет ва тил билан боғлиқ кўргазмалилик ўрганилаётган ўқув материалининг хусусияти ва ўқитиш босқичига қараб ўқитувчи томонидан фарқлаб қўлланилдади. Асосан икки йирик предмет ва тил билан боғлиқ кўргазмалиликка ажратишади. Предметга оид кўргазмалилик ўз навбатида тасвир ва нарса билан боғлиқ кўргазмаликка ажаратилади. Тасвир билан боғлиқ кўргазмалилик эса расм ва чизмага оид кўргазмаликка, нарса билан боғлиқ кўргазмалик ташқи идрок ёки эшишишга оид кўргазмаликка бўлинган.

Тилга оид кўргазмалилик сезгиға оид ва ҳаракат (мотор) турларига бўлинган. Сезгиға оид кўргазмалилик ички ва қўришга оид кўргазмалилик турларига ажратилган бўлса, ҳаракатли кўргазмалилик талаффуз (артикуляция) ва ёзиш (график) билан боғлиқ турларга бўлинган.

Инглиз тили ўқитишида **пухта ўзлаштириш тамойили** ўзига хос талқин этилади. Турли методик системаларда ушбу тамойилдан турлича фойдаланилган. Инглиз тили лексик бирликлари ҳисобланган сўз, сўз бирикмаси, нутқ намунасини ўқувчининг хотирасида сақланиши, уларни нутқ фаолиятининг гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув турларида фойдаланилиши пухта ўзлаштириш тамойилини асосини таъминлайди. Инглиз тилида ўқув материалини қиёслаш ва солиштириш (анализ, синтез), мулоҳаза юритиш ёрдамида, инглиз тили материалини тақдимоти, танишишдан кейин уларни кўриш, эшитиш, ҳаракат (нутқҳаракат ва қўлҳаракат) анализаторлари иштирокида машқ қилиш ва инглиз тили нутқида ижодий қўллаш (фикр баён этиш ва ўзгаларни тушуниш) ҳамда ўрганилган материални ўзлаштириш даражасини назорат қилиб бориш пухта ўзлаштириш тамойили доирасига киради.

Инглиз тили лексик бирликларини пухта ўзлаштиришда машқнинг аҳамияти улкандир. Лексик материални пухта ўзлаштириш деганда, инглиз тилидаги нутқда тил бирликлари бўйича барқарор кўникма ва малакалар ҳосил қилиш тушунилади. Қоида ёки назарий билимларни мустаҳкам эгаллаш фан асосларини ўргатувчи ўқув предметлари учунгина тааллуқлидир.

Инглиз тили ўқитишида **якка-якка (индивидуал)** ёндашиш **тамойилини** қўллашда ҳар бир ўқувчининг шахсий қобилиятлари ҳисобга олинади. Шу билан бирга тил ўрганишда жамоа билан ишлаш ҳам инкор этилмайди. Психологиядан маълумки, кишилар орасида экстраверталар ва интроверталар бор. Экстраверт деганда, “очиқ одам”, осон мулоқотга киришувчи, сухбат ва мулоқотга – гаплашишга мойил одам тушунилади. Ушбу тушунчанинг акси эса интровертдир. Улар мулоқот қилишга, гаплашишга унчалик интилмайдилар. Инглиз тили лексикасини ўргатишида интроверталарни

гапириш машқларини бажаришга фаолроқ жалб этиш, экстроверт-ларнинг эътибори эса ўқиш ва тинглаб тушунишга кўпроқ қаратиш тавсия этилади.

Таълимшуносликдаги якка-якка ёндашиш тамойили ўқитувчи олдига қуидаги вазифаларни қўяди: ҳар қайси ўқувчининг табиати, нималарга қодирлиги, қизиқиши, ким билан ўртоқлиги, нималарга салбий муносабатда бўлишини ўқитувчи билмоғи лозим. Масалан, инглиз тилидаги диалог машқини бажаришда кимларни шерик қилишдек психопедагогик тадбир яхши/ёмон натижа бериши мумкин. Тарқатма материал беришда ўқувчининг барча хусусиятлари инобатга олинади. Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўраётганида ҳам ўқувчиларнинг ижобий ва салбий томонларини эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. Ўқувчиларнинг билим даражасидаги тафовутлари алоҳида ҳисобга олинади.

Тамойиллар ичида **изчиллик (системалик)** инглиз тилида ўзгача талқин этилади. Маълумки, фан асосларини ўргатишда илмий билимлар системали баён этилади. Инглиз тилини ўргатишда эса билимлар йиғиндисини ўргатмаслиги ҳаммамизга аёндир. Инглиз тили ўқитишида нутқ бирламчи, содда қоидалар нутқни мустаҳкамлаш асоси ҳисобланади.

Инглиз тили фани ўқитувчиси лексик материалини изчилликда эмас, “нутқ учун зарур бўлган қоидалар” қонуниятига риоя қилиб ўргатади. Масалан, инглиз тилида ҳарфлар алфавит тартибида ўргатилмаслиги лозим. Оғзаки нутқда ўзлаштирилган лексик бирликни ёзиш учун муайян ҳарфлар берилади. Бинобарин, 26 та ҳарф биринчи ўқув йили тақдим этилиши ҳам мажбурий эмас. Грамматик ҳодисалар ҳам грамматик изчилликда тақдим этилмайди. Грамматикани ўргатиш тартиби нутқ эҳтиёжига қараб белгиланади. Лексикада ҳам “ўзак сўз олдин, ясама сўз кейин деган қоида ҳам нотўғри методик ёндашув ҳисобланади. Масалан ясама сўз teacher (teach+er) инглиз тилида ўрганилаверади. Кейинги синфлардан эса teach ўзак сўзи тақдим этилади ва ўрганилади. Лексика тақсимотида изчиллик ҳал қилувчи омил эмаслигини founder сўзи ўрганилишидан англаса бўлади. Унинг негизи (found) умуман олинмаслиги мумкин.

Лексик бирликлар изчилликда тақдим этилмаганидек, улардан яратиладиган қоидалар ҳам система ҳолида берилмаслиги ўз-ўзидан маълум. Масалан, “артикл” тушунчаси нутқий материалда учрашига қараб тақдим этилади, умумий артикл ҳақидаги қоидалардан ўқувчилар бехабар бўладилар. Чунки қоида нутқ кўникма ва малакаларнинг ривожланишида ёрдамчи таълимий восита саналади.

Инглиз тилида нутқ малакалари системасини яратиш ёки эгаллаш ушбу тамойил моҳиятини ифодалайди. Гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиши, ёзма ахборот бериш дастурда изчил равишида тавсия этилади. Саволга жавоб қайтара олиш, ўзга шахс нутқини идрок этиб тушуна олиш кабилар мунтазам машқ қилиб борилади.

Инглиз тили ўқитишида дидактик тамойиллардан **осон-қийинлик ёки ўқувчи кучига мослик тушунчаларининг** ҳам ўзгача талқини кузатилади. Билим берадиган ўқув фанлари мавзу ва тушунчаларини ўргатишида “осондан қийинга” тамойилига амал қилинади. Инглиз тили ўқитишида бундай талаб тўғри методик ёндашув эмас. Масалан, инглизча тиш оралиғи жарангли/жарангсиз товушларининг талаффузи ўқувчиларга ўта қийинdir. Бироқ нутқ жараёни эҳтиёжига қараб, у дастлабки ўтилган мавзулар қаторидан ўрин олади. Масалан аниқ артиклнинг отлар олдида қўлланиши бунга мисолдир.

Тиш оралиғи ундошлари инглиз тили ўқитишининг қайси босқичида ўргатилишидан қатъий назар, доимо тил ўрганишида қийинчиликни вужудга келтиради. Хуллас қийин-осон материал тақсимоти мезони инглиз тили ўқитишида асосий тамойиллардан бири бўла олмайди. Бунга сабаб, нутқ малакаси ҳосил қилиш, яъни фаолиятни ўргатиш даврида тил бирлиги тобе тушунча ҳисобланади.

Тилларни ўргатишида нутқ фаолиятини эгаллаш жараёнини тезлаштириш ёки самарадорлигини ошириш мақсадида қийинчиликларни ўқувчи кучига мос ҳолда “тақсимлаб” тақдим этилади. Қийин тил материалига оид қоидалар тақсимлаб чиқилади. Қийин ҳодисалар кичик бирликларга бўлинади. Масалан, инглизча феълнинг ҳозирги умумий замон шакллари иккига бўлинниб, учинчи шахс бирлик шакли алоҳида ва қолган барча шахслар алоҳида ўргатилади.

Интерференция назариясига кўра иккалови бир йўла тақдим этилса, ўзаро қийинчилик вужудга келади ва ўқувчиларни грамматик қоидаларни ўрганишларида хатолар юзага келади. Сўзларнинг товуш ва ёзувдаги тимсоли оғзаки нутқнинг илгарилаши мезонинига кўра сунъий ажратиб ўргатилади. Қисқаси, инглиз тили ўқитишда ўқувчиларнинг тилга оид қобилиятлари нуқтаи назаридан ва ўқитиш шарт-шароитига кўра, қийинчиликларни тақсимлаб ўргатиш тамойили рўёбга чиқарилади бу ўз навбатида инглиз тили ўқитишда юзага келадиган хатоларни олдини олади.

Тадқиқотимизда инглиз тили ўқитишнинг дидактик тамойиллар билан бирга тил ўрганишнинг **психологик тамойилларини** ҳам таҳлил қилишни жоиз деб топдик. Сабаби инглиз тили ўрганиш жараёни ҳам ақлий фаолият билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, унинг психологик асослари мавжуддир. Ақлий фаолият психологияда илмий текширилади. Шу муносабат билан инглиз тили ўқитишнинг психологик тамойилларини тадқиқ этиш эҳтиёжи туғилади.

Психологик тамойиллар хорижлик олимлар Л.С.Выготский, Г.Е.Ведель, Р.К.Миньяр-Белоручев, М.Д.Берлиц, В.А.Артемов, К.Б.Есипович, А.Г.Кавалев, Т.А.Козлова, А.И.Сурыгин, Ж.Пиажелар, мамлакатимиз олимларидан Ж.Ж.Жалолов, Ў.Хошимов, И.Ёқубов, Б.Р.Саматовалар томонидан ўрганилган [56; 130].

Инглиз тили ўқитиш методикаси психология соҳаси билан икки томонлама – нутқ психологияси ва педагогик психология соҳаларида яқин алоқада бўлади. Инсон нутқи нутқ физиологиясида ва нутқнинг содир бўлиши ҳамда уни идрок этиш психолингвистикада илмий тадқиқ қилинади.

Нутқ инсон бош мияси фаолияти томонидан бошқариладиган мураккаб руҳий жараёндир. Нутқнинг товуш ва ҳарфий жиҳатлари унинг ташқи (моддий) томони дейилади. Ички томони эса нутқҳаракат, эшитиш, кўрув ва қўлҳаракат тимсолларида ифодаланади. Ҳар иккаласи нутқий динамик стереотипни ташкил этади. Стереотипларнинг ишлаши тил воситалари сифатида нутқ механизмини ҳосил қиласи. Ўзбек тилида белгилар стереотиплари ва нутқ механизмлари

тафаккур ва нутқнинг шаклланиш чоғида беихтиёр ҳосил бўлади ва онг иштирокисиз фаолият кўрсатади.

Инглиз тилини эгаллашда ўзбек ва рус тилларида ўрганилган ўхшаш товуш, сўз, гап тузилиши каби мавжуд нерв боғланишлари, нотаниш тил қоидаларида эса – янги боғланишлар пайдо этилиши туфайли иккиламчи белгилар системаси ёрдамида яратилади.

Инглиз тили ўқитишнинг дастлабки босқичида товуш, сўз ва гапларнинг эшитиш ва нутқҳаракат шакллари вужудга келтирилади, кўрув ва қўлҳаракат шакллари ҳосил қилинади. Бу аснода тил бирликларининг оғзаки ва ёзма шакллари салбий таъсирнинг олдини олиш учун ажратиб ўзлаштириш ва кейинроқ уларни бириктиришга эришилади.

Инглиз тили ўрганишда психик жараёнлар – диққат, идрок, хотира, тафаккур кабилар ҳисобга олинади. Мазкур психологик тушунчалар ҳақидаги маълумотлар нутқ психологияси соҳасида ўрганилади.

Бир ва ундан ортиқ тилни билувчилар фанда алоҳида терминлар билан номланади: монолингв (бир тил эгаси), билингв (икки тил билувчи), трилингв (уч тилда фикр алмашувчи) ва полиглот (кўп тилларни биладиган одам).

Инглиз тилини билиш турлари учта турда тадқиқотларда ўрганилган: 1. Фаол; 2. Пассив; 3. Аralаш ҳолда.

Тилларни фаол билиш деганда, барча нутқ фаолияти турларини она тилидагидек мукаммал эгаллаш назарда тутилади. Пассив билиш – оғзаки ва ёзма матнни тушуна олишдир. Аralаш ҳолда билиш тил материалининг бир қисмини фаол, бошқа қисмини пассив тарзда нутқда эгаллаш тушунилади.

Чет тил ўргатиш масалалари нутқ психологияси ва психолингвистикада ҳам яхши ўрганилган соҳалардан биридир. Айниқса, психологияда тил материали, оғзаки ва ёзма нутқни ўргатишга доир кўплаб фикрлар баён этилганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, тил техникаси (ўқиш, ёзиш, айтиш, таниб олиш) қўнималари ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин.

Юқоридаги психология маълумотларидан кўриниб турибдики, инглиз тили ўқитишда ўқувчилар психологик хусусиятларининг инобатга олиниши методик талаблар доирасига киради. Илмий манбаларда инглиз тили ўқитишининг иккита психологик тамойили ишлаб чиқилган. Психологик тамойиллар “вербализация” ва “корреляция” номларини олган [56; 123].

Инглиз тили ўқитишининг психологик тамойилларидан **вербализация** маъно доирасига чет тил амалда фақат оғзаки нутқ орқали ўрганилади, яъни оғзаки нутқ таълим мақсади бўлсагина хорижий тилни ўзлаштиришга йўл очилади. Шундай қилиб, тилда вербализация тамойили оғзаки нутқ ўргатишни тақозо этади.

**Психологик тамойилнинг иккинчиси – корреляциядир.** Корреляция лексика, грамматика ва талаффузнинг муайян чегараси аниқланади, биринчи навбатда нутқ малакаларини ҳосил қилиш учун мўлжалланган тил бирликлари мажмуи шаклланади. Нутқ мавзулари лексикани танлашда белгиловчи методик мезон вазифасини ўтайди. Тил ҳодисаларига оид қоидалар нутқ малакаларининг ривожланишига хизмат қиласи, улар ёд олинмайди ва ҳоказо. Инглиз тили қоидасини ёд олмаслик масаласи психологияда ўз исботини топган.

**Лингвистик тамойиллар** бўйича хориж олимларидан Л.В.Щерба, Г.Е.Ведель, А.Н.Леонтьев, А.А.Миролюбов, В.А.Бухбиндер, С.К.Фоломкина, Е.И.Пассов, А.А.Шакирова, В.Л.Скалкин, Л.Фриман, С.Торнбери, Д.Кристаллар салмоқли тадқиқотлар олиб боришган. Мамлакатимизда Ж.Ж.Жалолов, Г.Махкамова, Ў.Хошимов ва Л.Т.Аҳмедовалар чет тил ўқитишда қўлланадиган тамойиллар ҳақида фикр ва мулоҳазаларини баён этишган [56; 107; 118].

Улар қуидагилар:

1. Она тили тажрибасини ҳисобга олиш (Р.К.Минъар-Белоручев).
2. Тизимлилик. Оғзаки нутқ ва тил материалларини ўқитиш коммуникатив мақсадда ташкил қилинади. Грамматик бирликлар лексик усуллар орқали таништирилади.

3. Концентризм. Ўқув материали осондан қийинга, мустаҳкамлашдан янгига ўтиш орқали такрорлаб кенгайтириб борилади.

4. Функционаллик. Тил материали таълим мазмунига биноан тадбиқ қилинади. Грамматик материал коммуникатив тарзда ўргатилади. Инглиз тили ўқитиш мақсадларига биноан белгиланади.

5. Минимизациялаш ёки чегаралаш. Нутқ фаолияти турлари тилни эгаллаш даражасига қараб чегаралаб берилади.

6. Фаол (барча нутқ фаолияти турларида қўллашни ўргатиладиган тил материали) тил материаллари устида ишлаш.

7. Пассив (тинглаб тушуниш ва ўқиш нутқ фаолиятида қўлланилиши ўргатиладиган тил материаллари) тил материаллари устида ишлаш.

8. Стилистик дифференциация. Турли нутқ намуналари (илмий, бадиий, оммабоп, расмий)нинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш орқали чет тил ўргатилади.

9. Маданиятлараро ҳамкорлик;

10. Онглилик.

**Инглиз тили ўқитиш методикасида тамойилларини** тадқиқ этиш уларни илмий-назарий асослаб бериш масалалари бўйича кўплаб методистлар тадқиқот ишларини олиб борганлар. Хориж ва мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан методик тамойиллар умумий, хусусий, махсус тамойилларга ажратилади. Ушбу тамойиллар хориж ва юртимиз етакчи олимлари томонидан инглиз тили ўқитиш методикасига тадбиқ қилинган. Тадқиқотчилардан Л.В.Щерба, Г.Пальмер, Р.К.Минъяр-Белоручев, Н.Д.Гальского, Н.И.Гез, В.Л.Скалкин, М.Б.Ляховицкий, А.Н.Шамов, Ричардс ва Рожерс, С.Торнбери, Пенни Ур, Л.Фриман, Е.И.Пассов, Ж.Ж.Жалолов, Г.Т.Маҳкамова, Т.Қ.Сатторов, Л.Т.Аҳмедова, М.Джусупов, В.И.Нормуродовалар умумий, хусусий, махсус методик тамойиллар устида илмий-тадқиқотлар олиб борган [68; 72; 86; 118].

Чет тил ўқитишида умумий методик тамойиллар – тил ўрганишда машқларга устуворликда бериш, тил материалини чегаралаб ёки яхлит ўргатиш, узлуксизликни таъминлаш; хусусий методик тамойиллар – табиий талаффузга яқинлашиш (апрок-

симация), моделлар орқали ўргатиш, интегратив ёндашув асосида ўргатиш, оғзаки нутқнинг илгарилаши, жадаллаштириш/тезлаштиришдан фойдаланиш, когнитив тамойил, тил бирликларини автоматизациялаш; маҳсус методик тамойиллар – нутқ фаолияти турлари ва тил материаллари устида ишлаш, оғзаки нутқнинг илгарилаши, ўқувчиларнинг нутқий ва фикрлаш қобилиятини рағбатлантириш кабилардан иборат.

Инглиз тили ўқитиши методикасининг умумий, хусусий ва маҳсус тамойиллари ишлаб чиқилган. Ушбу тамойилларни фарқлаш ва изчил асослаш фанда охиригача тўлиқ етказилмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Методиканинг умумий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

1. Инглиз тили ўқитишининг нутқий йўналганлик тамойили;
2. Инглиз тилини чегаралаб (фарқлаб) ва яхлит ўргатиш тамойили;
3. Машқларга асосий ўрин бериш тамойили; 4. Тил тажрибасини ҳисобга олиш тамойили.

Илмий манбаларда инглиз тили ўқитишининг нутқий йўналганлик тамойили барча мутахассислар томонидан яқдил тан олинган. Инглиз тилини чегаралаб (фарқлаб) ва яхлит ўргатиш тамойили Г.В.Рогова томонидан тавсия этилган. Машқларга асосий ўрин бериш тамойили М.В.Ляховицкий тадқиқотларида учрайди [56].

Тил тажрибасини ҳисобга олиш тамойилини кўпчилик методистлар тарафидан маъқулланиши билан бирга, унинг номланишида жиддий фарқ сезилади. Рус тилида чоп этилган ёки рус мактаблари тажрибасини акс эттирадиган илмий адабиётларда “она тилини ҳисобга олиш тамойили” тушунчасини қабул қилинган. Ўзбек мактабларида у “тил тажрибасини ҳисобга олиш тамойили” деб ишлатилади. Ўқувчилар инглиз тилидан, аввал, ўзбек ва рус тилларини ўрганишлари сабабли бу тамойилга шундай ном берилган.

Нутқий йўналганлик тамойилига кўра инглиз тилини алоқа воситаси сифатида эгаллаш, ўқув дастуридаги мавзулар доирасида нутқий қўникма ва малакалар ҳосил қилиш мақсадида таълим

жараёни ташкил этилади. Инглиз тилини амалий эгаллашга нутқий машқлар туфайли эришилади. Тил материалини ўргатувчи машқлар миқдори жуда кўпайиб кетса, нутқий йўналганликка путур етади. Лексик, грамматик, талаффуз машқларининг давоми инглиз тилидаги нутқда уларни қўллаш билан якунланади. Тил бирликларини ўзлаштириш нутқ фаолиятини эгаллашга бўйсундирилади. Инглиз тилида ахборот олиш/бериш билан тугалланиши амалий йўналганлик тамойилининг асосий шартидир.

Нутқий йўналганлик тамойили талабига биноан ўқувчилар гапиравчи, ўқувчи, тингловчи, ёзувчи сифатида нутқ фаолиятида иштирок этадилар.

Иккинчи тамойилга кўра инглиз тилидаги нутқ фарқланиб, тил материали эса яхлит тарзда ўрганилади. Чунки гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув фаолиятлари ўзига хос хусусиятига эгадир. Оғзаки нутқ (гапириш ва тинглаб тушуниш), ёзма нутқ (ўқиш ва ёзув), гапириш (якканутқ ва жуфтнутқ), ўқиш (овозли ва овозсиз), овозсиз ўқиш (мазмунни умумий тарзда ёки тўлиқ тушуниш), ёзув(ўзиш, имло, ёзма фикр баён этиш)ни фарқлаб ўргатиш ушбу тамойил мазмунини ташкил этади.

Қайд этилган нутқ фаолияти турлари ёки уларнинг таркибий қисмлари таълимнинг турли босқичларида ўз сифат ва миқдор ўлчови чегарасига эга. Уларни фарқлаб ўргатиш деганда, бирбиридан бутунлай ажратиб танлаш эмас, балки ҳар бирининг муайян кўрсаткичи борлиги тушунилади, яъни улар ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ўқув дастури ва дарсликлар буларни ҳисобга олиб тузилади.

Муҳокама қилинаётган тамойилнинг иккинчи қисми узвийликда ўргатишга бағищланади. Узвийлик (интеграция) тил материалини ўзлаштиришга тааллуқли методик ҳодиса. Лексика, грамматика ва талаффуз бирликлари тарқоқ ҳолда эмас, балки узвий тарзда, яъни лексикада грамматика, лексика ва грамматика асосида эса талаффуз ўргатилади. Ажратиб ўргатиш ҳоллари уларнинг қийинчилигини бартараф этиш учунгина керак. Узвийлик тинглаб тушуниш ва гапиришни машқ қилишда, ўқиш ва тинглаб тушуниш,

ўқиши ва ёзувни ўрганишда ҳам кузатилиши табиий. Тажриба кўрсатишича, ҳар бир дарсда ўқувчи гапиради, тинглайди, ўқийди ва ёзади. Тўртала нутқ фаолияти тури бўйича бажариладиган машқлар миқдоран бир хил эмаслиги муаллимларга маълум.

Таълим жараёнида узвий алоқа ўрнатилиши тил материалини ўрганишга, чегаралаш эса нутқ фаолияти турларини эгаллашга кўпроқ даҳлдор тамойилдир.

Учинчи методик тамойил талқини, ўз номидан равшанки, инглиз тили ўқитишида машқлар бажариш асосий иш усули эканини тасдиқлайди. Тил материали, тил техникаси, нутқ фаолияти турлари, ўзлаштириш босқичлари кабиларни назарга олиб машқлар бажарилади: лексика, грамматика, талаффуз машқлари, гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув машқлари, ёзиш ва ўқиш техникаси машқлари, кўникма ва малака ҳосил қилишга мўжалланган машқлар.

Умумий тамойиллар ичида тил тажрибасини ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга молиқдир. Ўқувчи ҳозиргача ўзлаштирган ўзбек ва рус тиллари ҳамда инглиз тилининг ўзидан ўрганилган ҳодисалар янги материал тақдимоти ҷоғида кўмаклашувчи ёки қаршилик кўрсатувчи омил бўлиши мумкин. Ўқувчи онгига алоқага кирадиган учала тил ҳаракат ва фаолият даражаларида тўқнашади. Бошқача қилиб айтганда, олдин ўзлаштирилган тил қоидаси, кўникмаси ва нутқ малакаси ўрганилаётган тилга салбий ёки ижобий таъсир қиласи. Қисқаси, тўпланган тил тажрибаси истиқболда кўзланадиган нутқ кўникма ва малакаларини эгаллашда ҳисобга олинмоғи лозим.

Нутқ малакаларининг ижобий ёки салбий кўчиши ҳақидаги маълумотлар машқлар системасини тузишда ҳисобга олиниши шарт бўлиб, ўқув жараёнида улар ҳақида ўқувчиларга маълумот берилмайди. Оз ёки кўп куч ва вақт сарфланиши тил бирлигининг осон ёки қийинлиги билан белгиланади [91].

Тадқиқотчи М.Рўзметова умумий методик тамойилларни коммуникативлилик машқларини устуворликда бажариш, ўқув материалини чегаралаб ёки яхлит ўргатиш, машғулотларда аввал ўргатилган ва ўрганиладиган ўқув материални такрорлаш, узлуксизликни таъминлаш деб кўрсатади.

Хусусий методик тамойилларни эса табиий талаффузга яқинлашиш (апроксимация), моделлар орқали ўргатиш, интегратив ёндашув асосида ўргатиш, оғзаки нутқнинг илгарилаши, жадаллаштириш/тезлаштиришдан фойдаланиш, когнитив тамойил, тил бирликларини автоматизациялаш кабилар сифатида эътироф этади.

Махсус методик тамойилларни эса – нутқ фаолияти турлари ва тил материаллари устида ишлаш, оғзаки нутқнинг илгарилаши, ўқувчиларнинг нутқий ва фикрлаш қобилиятини рағбатлантириш кабилар сифатида тадқиқ қилинади. Тадқиқотчи мазкур тамойилларни умумлаштириб қуидаги инглиз тили ўқитишдаги тамойилларни алоҳида таъкидлаб ўтади:

1. Инглиз тилини ўқитишда билиш жараёни билан боғлиқ психик ҳодисалар (сезгилар, идроқ, хотира, тафаккур, нутқ, диққат)ни инобата олиш;
2. Коммуникатив-когнитив ёндашув асосида машқлар бажариш;
3. Ижтимоий-маданий фаолиятни ривожлантиришга оид аутентик матнлардан фойдаланиш;
4. Коммуникатив вазифаларни қамраб олган нутқий машқлардан фойдаланиш;
5. Ҳаётий вазиятларда тилнинг номинатив, коммуникатив, кумулятив функциясидан синхрон фойдалана олишга йўналтириш;
6. Ўқувчиларга инглиз тилини глобал мақомда ўқитиши;
7. Ўқувчиларга муайяни мавзуларни ўрганишни бошлишдан олдин қисқача нималар ҳақида ўрганишларини тушунтириш;
8. Оғзаки нутқнинг илгарилаши;
9. Маданиятлараро муроқотни шакллантириш;
10. Инглиз тили ўқитишда замонавий талабларни инобатга олиш тамойилларидан иборат.

Юқоридаги фикрлардан қисқача хulosи шуки, инглиз тилини ўргатиш методикаси умумий тамойиллари ушбу инглиз тилининг моҳиятини ифодалаш, бошқа предметлардан унинг кескин фарқини кўрсатиш ва ўқитиши йўл-йўриқларини аниқлашга жиддий ёрдам беради.

Инглиз тили ўқитишининг хусусий тамойилларига келганда, улар баён этилган умумий тамойиллар билан мазмунан туташган бўлиб, торроқ маънодаги методик ҳодисаларни акс эттиришини таъкидлаш даркор. Хусусий тамойиллар тизмаси қуидагилардан иборат: 1. Нутқ намунаси асосида инглиз тили ўргатиш; 2. Тил машқларини нутқ амалиёти билан боғлаш; 3. Нутқ фаолияти турларининг ўзаро муносабати; 4. Оғзаки нутқнинг илгарилаши; 5. Инглиз тилида табиий нутқа яқинлашиш; 6. Ибтидоий босқични жадаллаштириш.

Инглиз тили ўқитиши методикаси фанида хусусий тамойиллар ҳақида ғоят тарқоқ ва бир-бирига зид маълумотлар келтирилади. Муҳокама қилинаётган хусусий тамойиллар М.В.Ляховицкийнинг таклифи ва тасниф асосида кўриб чиқилди.

Хусусий тамойилларнинг биринчиси “нутқ намуналари асосида инглиз тили ўргатиш”ни назарда тутади. Ҳалқаро миқёсда инглиз тили ўқитиши методикасида нутқ намунасини асос бирлик сифатида ўргатилиши тўғри методик ёндашув ҳсиобланади. Лексика, грамматика ва талаффуз бирликлари нутқий намуналарда ўзлаштирилиши оммавий тус олган.

Масалан, I see a pen, ўрганилишида яхлит – тайёр жумла тарзида олинади. Сўнgra нутқ намунасининг қисмлари ўзгартирилганда, типовой жумла хукуқини олади. Масалан,

I see **a book**,

You see **a pen/book**,

I read **a book** тарзида.

Энди янги лексик бирликни ўқувчи нутқ намунасида мустақил қўллай оладиган пайти келди. Нутқ намунасининг сўроқ ва бўлишсиз шакллари биринчи бор ўқитувчи нутқида тинглаб ўрганилади. Бирдан ортиқ мисолга эга тил ҳодисалари юзасидан қоидалар келтириб чиқарилади, энди бошқалари ўқувчиларнинг ўзлари томонидан нутқда қўллай бошланади. Масалан,

I see **a pen/I read a book** нутқ намунасига тақлидан

I like **a book**, I write **a letter** кабилар мустақил яратиладиган жумлалардир.

Қоида: эга биринчи, кесим иккинчи, тўлдирувчи эса учинчи ўринда келади. Нутқ намунаси таниш, сўзлар янги, сўзлар таниш, нутқ намунаси янги методик қонунияти тарзида берилади. Ҳар иккаласи нотаниш бўлиши мумкин эмас. Нотаниш қоидани ушбу шароитда ўқитувчи тақдим этади.

Замонавий ўқитиш методикасида нутқ намунасининг инглиз тили ўргатиш бирлиги сифатида тан олинган. Инглиз тилида оғзаки нутқ шаклини ўргатишда “вербализация тамойилида нутқ намунасини ўзлаштиришдан иш бошланади. Аудиолингвал методнинг муҳим тамойилларидан бири ҳам шу ёндашувга асосланади. Замонавий инглиз тили дарсликларининг аксарияти ушбу тамойилга асосланиб тузилган.

Хусусий тамойилларнинг иккинчиси тил машқларини нутқ амалиёти билан боғлаш масаласига оид. Тил материалини ўрганиш кутиладиган маҳсус мақсад бўлмай, инглиз тилидаги нутқни эгаллаш заруриятига тобе восита, деб тушунилади.

Тил бирлигининг тақдим этилиши (танишиш) босқичи албатта машқ қилиш ва қўллаш босқичларидан кўтарилиш учунгина керак.

Машқ қилиш тил бирлиги тақдимотидан бошланиб, жонли мулоқот билан тугалланиши тил материалини нутқ амалиётида ўрганишни ифода этувчи ушбу хусусий тамойилнинг ягона талабидир. Мазкур мавзу инглиз тили ўқитишнинг амалий мақсадида кўриб чиқилган.

Оғзаки ва ёзма нутқ ўзаро бир-бири билан уйғунлашиб кетади. Ўқувчи гапирганида қўллаган бирликларни тинглаб ва ўқиб тушуна олади, ёзувда ҳам ишлата билади. Ўқиш тил материалини ўқувчи тинглаб тушуна олади. Кўриниб турибдики, тил материали маълум нутқ фаолияти туридан бошқасига ўтиб юради.

Гапириш материали ўқиш ва ёзувда мустаҳкамланади. Ўқиш ва тинглаш матнлари лексикасининг бир қисми гапиришда такрорланади. Идрок этиб тушунилган график ёки аудиоматндан кейин гапириш машқлари бажарилади. Кўриш, эшитиш, гапириш ва қўл анализаторлари нутқ фаолиятида қатнашсагина пухта динамик стереотип ҳосил қилинишини эсланг.

Муҳим хусусий тамойиллардан бири оғзаки нутқнинг илгарилаши тушунчаси аудиолингвал методнинг асосини ташкил қиласди. Тамойилнинг тўлиқ номи “тил материалини машқ қилишда оғзаки нутқнинг илгарилаши”, деб номланади.

Оғзаки нутқдан кейин ёзма нутқ машқларини бажаришнинг қатор қулайликлари бор. Товуш шакли график шаклдан ажратиб ўзлаштирилади, нутқҳаракат сезги ва қўлҳаракат анализаторлари алоҳида-алоҳида ишга тушади. Оғзаки ва ёзма рецепция ва репродукция бир-биридан ажратилади ва кейинчалик бирлашиб, ўзаро мустаҳкамланади. Илгарилаш тамойили мактаб инглиз тили дарсларидаги ҳар хил методик кўринишда асосланиб ишлаб чиқилган.

Навбатдаги хусусий тамойил “инглиз тилида табиий нутқка яқинлашиш тамойили” деб аталади. Инглиз тилини ўз она тили мақомида биладиганларнинг нутқ фаолиятида ҳам мутлақ ўхшашик бўлмаслиги барчага маълум.

Бир тилда сўзлашувчиларнинг, айниқса, талафузида фарқ яққол билинади. Бошқа бирликларда ва нутқ фаолияти турларида ҳам ушбу тил эгаларининг умумийликка эришишлари қийинчилик билан кечади. Ўқувчиларнинг инглиз тили кўникма ва малакалари ўша тилдагига тахминан ўхшаш бўлиши турган гап. Ўртада муаммо пайдо бўлади, қандай талафузни ўргатиш керак? Методикада инглиз тили талафузига тахминий яқинлашиш вазифаси туради. Агар инглиз тил фонетик қоидаси маъно ўзгартиришга сабаб бўлса (масалан, инглиз сўзи охиридаги жарангли ундошнинг жарангсизланиши), ушбу товуш меъёрда тўғри талаффуз этилиши шарт қилиб қўйилади. Сўзнинг бошқа қисмида келганда, унга камроқ аҳамият берилади, чунки у маъно ўзгартирмайди.

Табиий нутқка яқинлашиш тамойили грамматик ёки лексик бирликни ўргатишда ҳам худди шундай талқин этилади. Масалан, ўқувчилар монолог ёки диалогда қатнашаётганларида йўл қўйишган баъзи грамматик хатолар, нутқ мазмуни талабига жавоб берган тақдирда, ўқувчи баҳосини ўқитувчи пасайтирумайди, чунки фикр баён этиш инглиз тили ўқитишида ягона мақсад, тил хатоси кейин тўғриланиши мумкин бўлган ҳодисадир.

Ўқувчи нутқининг инглиз тилидаги нутқа тахминий яқинлашиши унинг хато қилиб қўйишдан хавфсираши, тўғри айта олиш ёки олмаслигидан хавотирланиши каби психологик тўсиқларни енгиши учун катта йўл очади, эркин гапириш ва эркин мулоқотга кириш имкониятини яратади.

Хусусий тамойиллардан муҳокама этиладиган сўнггиси “ибтидоий босқични жадаллаштириш” тамойилидир. Аниқроқ қилиб айтганда, инглиз тили ўқитишнинг дастлабки босқичида жадал ишлаш демакдир.

Бошланғич босқичда ўқувчилар инглиз тили билан ҳафтада, юқори синфларга нисбатан, кўпроқ шуғулланади. Инглиз тили фанинг жадал/интенсив машғулотлари самарадорлиги юқори эканлиги тажрибадан маълум. Оғзаки нутқни жадал эгаллаш дарс соатларининг тез-тез такрорланишига бевосита боғлиқ. Албатта, сифатли дарслик, ўқитувчи методик малакаси сингари ҳафтада инглиз тили дарсининг тўрт-беш марта дарс ўтилиши гапириш кўникма ва малакаларининг ривожланишида ҳал қилувчи омилдир.

Умумий ва хусусий тамойиллар қаторида инглиз тили ўқитиш маҳсус тамойилларини билиш таълим жараёнини бошқаришда қўл келади. Маҳсус тамойиллар методик қўлланмаларда ҳозиргача илмий асослангани йўқ. Уларни йирик методистлар илмий тадқиқотларидан терма усулда ўрганиб олиш мумкин. Маҳсус тамойиллар тил материали ёки нутқ фаолияти турлари, таълим техникавий ванотехникавий воситалари асосида системалаштирилган. Тадқиқотларда ўзбек мактаблари учун ҳам инглиз тили ўқитишнинг маҳсус тамойиллари ҳозиргача тадқиқ этилмаган соҳалардандир.

Илмий тадқиқотларда В.С.Цетлин, В.А.Бухбиндер, С.К.Фоломкина, М.В.Ляховицкий томонидан чет тил грамматикаси ва лексикасини ўргатиш масалалари, шунингдек, ўқиши ва ёзувдан фойдаланиш каби масалаларнинг маҳсус тамойиллари ишлаб чиқилган. Маҳсус тамойиллар муфассал баёни инглиз тили ўқитиш воситалари ва нутқ фаолияти турларини ўргатиш ҳақидаги бобларда баён этилади [56].

## **Биринчи боб бўйича хулосалар**

Диссертациянинг “Умумтаълим мактаблари 5 – 6-синф ўқувчи-ларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантиришнинг назарий масалалари” бўйича қуидаги хулосаларга келинди:

1.“Инглиз тили” ўқув предметининг хусусиятларини ифода этувчи омиллардан бири “таълим шароити” ҳисобланади. Шароит қаерда, кимларга ва қанча вақт инглиз тилини ўргатиш билан боғлиқ тушунчаларни ифодалайди: 1) “қаерда?” саволига а) “5 – 6-синфларда”, б) инглиз тили нутқий муҳити бор/йўқ вазиятда ўргатиш. Мазкур синфларда инглиз тили сунъий нутқий вазиятлар ҳосил қилиш орқали ўргатилади); 2) “кимларга” деганда а) 12 – 13 ёшдаги ўқувчи(ўсмир)ларга инглиз тилини ўргатиш, б) 5 – 6-синфларда уч тил – ўзбек/рус (она) тили, иккинчи (рус/ўзбек) тил ва чет тил (инглиз ёки б. тил) ўқитилади. Бу ўринда ўқувчиларнинг уч тилдан тўплаган тил тажрибалари эътиборга олинади; 3) “қанча вақт” деганда, а) ўқув режасидаги ҳафталик ва йиллик машғулотлар миқдори (дарс соатлари), б) интенсив (жадаллаштирилган/қисқа муддатли) ёки экстенсив (вақт эътибори билан чўзилган) шароитда таълим бериш. 5 – 6-синфларда экстенсив таълим жорий этилган каби тушунчалар назарда тутилади.

2. Инглиз тили ўқитиши методикасида тамойиллар умумий, хусусий ва маҳсус тамойилларига ажратилган. Методиканинг умумий тамойиллари қуидагилардан иборат: 1. Инглиз тили ўқитишининг нутқий йўналганлик тамойили; 2. Инглиз тилини чегаралаб (фарқлаб) ва яхлит ўргатиш тамойили; 3. Машқларга асосий ўрин бериш тамойили; 4. Тил тажрибасини ҳисобга олиш тамойили.

3. Чет тил ўқитиши методикасининг хусусий тамойиллари қуидагилар: 1. Нутқ мазмуни асосида чет тил ўргатиш; 2. Тил машқи ва нутқ амалиётининг боғлиқлиги; 3. Нутқ фаолияти турларининг ўзаро муносабати; 4. Оғзаки нутқнинг илгарилаши; 5. Чет тилда табиий нутққа яқинлашиш; 6. Ибтидоий босқични жадаллаштириш.

4. Чет тил ўқитишда махсус тамойиллар сирасига грамматикани ўргатиш (В.С.Цетлин), лексикани ўргатиш (В.А.Бухбиндер), ўқишни ўргатиш (С.К.Фоломкина) ва чет тил ўргатишида ёзма нутқни ўргатиш (М.В.Ляховицкий) тамойиллари киради.

## **П-БОБ. 5 – 6-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАЗМУНИНИНГ МЕТОДИК ТАВСИФИ**

### **2.1.§ 5 – 6-синф инглиз тили дарсларида лексик компетенцияни ривожлантириш методикаси**

Инглиз тили ўқитиш мазмунининг лингводидактик муаммосига доир масалалар бўйича В.С.Цетлин, А.Д.Климентенко, Б.А.Лапидус, М.В.Ляховицкий, Ж.Ж.Жалолов, Ҳ.Ғ.Неъматов, Т.Қ.Сатторов, А.Ғуломов, С.С.Сайдалиев каби методист-олимлар томонидан қимматли фикр ва мулоҳазалар баён этилган [56; 121; 123]. Мазкур мавзуга бағишлиланган илмий-тадқиқот ишларида ўқитиш мазмуни, унга қўйиладиган замонавий методик талаблар, ўқитиш мазмунининг таркибий қисмлари бўйича тадқиқотчиларнинг фикрлари турличадир [110].

Инглиз тили ўқитиш мазмуни бўйича илмий-тадқиқотларда берилган методик тавсифлар 1.4-жадвалда баён қилинган.

#### **Инглиз тили ўқитиш мазмунининг методик тавсифи**

#### **2.1-жадвал.**

<b>№</b>	<b>Муаллифлар</b>	<b>Ўқитиш мазмунининг тавсифи</b>
1.	Б.А.Лапидус	муайян ўқув юрти олдида турган мақсад ва вазифаларга мос тушадиган, ўрганиладиган тилни эгаллаш сифати ва даражаси учун зарур ўқув материали
2.	Е.И.Пассов	ўқувчиларни ўргатиш учун керак бўладиган ҳамма воситалар
3.	М.В.Ляховицкий Т.Қ.Сатторов	ўрганилиши кўзда тутилган, ўқувчилар ўзлаштиришлари учун методик жиҳатдан ишланган билим, кўникма ва малакалар
4.	Ж.Ж.Жалолов, Т.Қ.Сатторов	муайян мавзулар доирасида инглиз тил бирликларини қўллаб, нутқ малакаларини шаклланишини таъминлашга мўлжалланган методик ҳодиса

Тадқиқотларда инглиз тили ўқитиш мазмуни таркибий қисмларини иккита қисмдан олтига қисмгача номлаш ҳолатларини кузатиш мумкин [56; 121; 123]. Инглиз тили ўқитиш мазмунининг 52

таркибий қисмлари бўйича илмий-тадқиқотларда берилган фикрлар 2.2-жадвалда баён қилинган.

### **Инглиз тили ўқитиш мазмунининг таркибий қисмлари.**

#### **2.2-жадвал**

<b>№</b>	<b>Муаллифлар</b>	<b>Инглиз тили ўқитиш мазмунининг таркибий қисмлари</b>
1.	Л.С.Андреевская-Левенстерн	икки қисмдан: а) тилга оид назарий билим, кўникма ва малакалар, б) ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги муносабатлар тизими
2.	Ж.Ж.Жалолов, Т.Қ.Сатторов	уч қисмдан, яъни ўрганилиши кўзда тутилган, ўқувчиларни ўзлаштиришлари учун методик жиҳатдан ишланган а) билим, б) кўникма ва в) малакалар тизими
3.	А.Ғуломов Ҳ.Нематов	тўрт қисмдан, а) ўқувчилар ўзлаштиришлари зарур бўлган билимлар тизими, б) шундай билимларга мувофиқ келадиган амалий кўникма ва малакалар тизими, в) ўқувчиларни ижодий фаолият усулларига ўргатиш тизими, г) ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги муносабатлар тизими
	С.С.Сайдалиев, Ў.Хошимов, И.Ёқубов.	тўрт қисмдан, а) оғзаки нутқ ва ўқиши мавзулари; б) талаффуз, лексика ва грамматикаа материали; в) тил материалига оид кўникмалар; г) оғзаки ва ёзма нутқни шакллантириш
4.	А.А.Миролюбов, В.В.Краевский, В.С.Цетлин	беш қисмдан, а) нутқ малакалари, б) тил материали (лексика, грамматика, талаффуз)га оид кўникмалар, в) график ва овозли матнлар, г) нутқ малакаларини ривожлантирадиган мавзуу ва ситуациялар, д) инглиз тилга оид ходиса (қоида)лар
	Н.Д.Гальскова	беш қисмдан, а) коммуникатив фаолиятга оид мавзуу, нутқ материали (матнлар, нутқ намуналари ва ҳ.к.) ва ситуациялар, б) тил материали ва уни эгаллаш қонун-қоидалари, в) маҳсус нутқ малакалари, г) тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятлараро мулоқотига оид нутқ малакалари, д) таълим

		жараёнида қўлланадиган ўқув ва адаптив малакалар
5.	Б. А.Лапидус	олти қисмдан, а) тил материалига оид кўникма ва малакалар, б) чет тил тизимиға оид назарий билимлар, в) оғзаки нутқа оид паралингвистик воситалар – қўл ҳаракати, мимика, имо-ишора ва б., г) ўқиши ва ёзувга оид паралингвистик воситалар, д) лингвокультрологик билимлар, е) вербал кўникма ва малакаларга оид билимлар

Инглиз тили ўқитиши мазмунини учта таркибдан иборатлиги, илмий ва назарий жиҳатдан ўрганилган. Улар ўқитиши мавзулари (topics), нутқ малакалари (speech slills) ва тил материали (language material)дан иборат. Мазкур таркибий қисмлар, аввало, ўқув дастурларида ўз аксини топади. Таълим якунида нималарга эришиш кераклиги, нутқий кўникма ва малакаларнинг сифати, тилнинг лексик, грамматик ва талаффуз минимуми қай даражада ўзлаштириш лозимлиги ўқув дастурида кўрсатиб берилади.

Ўқитиши мазмунининг биринчи таркибий қисми нутқ мавзуларидир. Маълумки, 5 – 6-синфларда инглиз тили ўқитиши мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда нутқ мавзулари танланади. Дастурий талабларга кўра мактаб ўқувчиларидан ижтимоий-маиший, бадиий, сиёсий, маданий, ўқув-таълимий соҳаларда мулоқот қилиш малакаларини эгаллаш талаб этилади. Умумтаълим мактабларида оғзаки нутқ ва ўқиши учун мавзулар танланади.

Оғзаки нутқ мавзулари асосан уч ном билан юритилади:

1. Ўқувчи теварак-атрофи (All about me);
2. Ватанимиз – Ўзбекистон (Uzbekistan is – our country);
3. Тили ўрганилаётган мамлакатларга (English speaking countries) оид мавзулар.

Инглиз тили ўқитиши методикасида тил материали яхши тадқиқ этилган соҳалардан биридир. Нутқда фикрни ифодалаш ёки ифодаланган фикрни тушуниб олиш учун тил материалини қўллай билиш талаб этилади. Замонавий ўқитиши амалиётида тил материали тушунчаси икки маънода талқин этилади: 1) лексик, грамматик, фонетик ва бошқа тил бирликлари мажмуи; 2) ўқитиши мақсадла-

ридан келиб чиққан ҳолда, тил системасидан танлаб олинган тил минимуми деб аталган, ўқувчилар учун инглиз тили материали ҳисобланадиган бирликлар йиғиндиси.

Тил материалини, бир томондан, сезгилар ёрдамида айтиш, эшитиш, кўриш ва ёзиш мумкин, иккинчи томондан эса, нутқ фаолияти турларида уларни қўллаш ва идрок этиб тушуниш мумкин. Инглиз тили ўқитишда ҳар бир синф ва босқич учун муайян тил материалига оид лексик, грамматик, талаффуз минимумларини танлаш тавсия этилади.

Танлаш мезонлари умумий бўлса-да, шакллантирилган тил минимумлари микдорий ва сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Жумладан, 5 – 6-синфларда тил материалини методик тайёрлаш ва ўрганиш учун тақдим этилиши ҳам ўзига хос жараёндир.

Маълумки, ўқувчилар дунёни сўз воситасида таний бошлайдилар. Ўқувчи ва катталар луғат бойлигининг фарқи шундаки, ўқувчи ўз тасаввuri асосида сўзларни шакллантиради, катталар эса нутқ жараёнида сўзни идрок этиш асосида ҳосил қиласдилар. Психологик нуқтаи назардан сўз нутқ орқали инсонларнинг тушунишга ёрдам берувчи ва бир-бирига таъсир кўрсатувчи воситадир. Сўз нутқимизни мазмун ва маъно билан тўлдиради, нима қилмоқчи бўлаётганимизни, ҳиссиётларимиз ва истакларимизни ифодалашга хизмат қиласди. Шу боис нутқнинг лексик томонини эгаллаш психологик нуқтаи назардан ниҳоятда муҳим ўрин тутади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да сўз ва лексика иборалари юонон тилидан келиб чиққанлиги, *lexicos* – сўзга оид, луғавий сўз, ибора тушунчаларини ифодалashi кўрсатиб ўтилган. Лексика муайян тил ёки диалектдаги мавжуд бўлган сўзлар йиғиндиси, лингвистик соҳада қўлланадиган сўз ва терминлар, шунингдек, муайян муаллиф бадиий асарларининг сўз бойлиги маъносини ифодалashi назарда тутилади. Шунингдек, лексика деганда – сўз, тилдаги барча сўзлар мажмуи, сўз бойлиги тушунилади. Демак, муайян тилда мавжуд бўлган барча фаол ва нофаол сўзлар йиғиндиси шу тилнинг лексика мажмуини ташкил этади. Ҳар қандай

тилни ўрганиш айнан сўзларни ўрганишдан бошланади. Тил ўрганишда лексика устида ишлаш асосий босқич ҳисобланади. Инглиз тили таълимида лексика устида ишлашнинг энг асосий вазифаси – ўқувчиларнинг ўрганилаётган тилдаги сўз заҳирасини бойитиш аниқлаштириш ва кенгайтиришдан иборатdir.

Психологлар томонидан сўз таъсирантирувчи восита сифатида кўриб чиқилади, унинг ифодаланиш жараёни ўрганилади. Жумладан, В.Б.Беляев фикрича, сўз таъсирантирувчи восита сифатида ўз тузилмасида эшитиш ва кўриш таркибий қисмларидан иборат. Биз сўзни эшитамиз ёки унинг ёзилганини кўрамиз. Айни вақтда инсон реакцияси сифатида сўз яна учинчи – ҳаракатланиш компоненти борлиги билан ҳам тавсифланади. Сўзниг ифодаланиши ёки унинг ёзилиши, ҳар қандай ҳаракатланиш реакцияси каби ҳаракат сезгилари билан бирга содир бўлади. Шу сабабли сўзни ўзлаштириш бош мия ярим шарларида кўрув, эшитув ва ҳаракатланув жараёнлари оралиғида анча мураккаб муваққат нерв алоқалари пайдо бўлишига бевосита таъсир кўрсатади.

Сўз кўрув – эшитув – ҳаракатланув мажмуи сифатида нафақат идрок этилади, балки намоён ҳам бўлади. Ҳар икки ҳолда ҳам одам онгида сўз образ сифатида азалдан мавжуд. Бироқ сўз идрок этилганда, у сўзниг таъсировчиси ҳаракати билан шартлашилади, кейингисида эса, хотира асосида тикланади. Сўзниг эшитув-ҳаракатланув тузилмаси унинг фақат ҳис этиш, яъни сезги аъзолари ёки анализаторларга таъсир этувчи ҳамда одам сезиши мумкин бўлган нарса-предмет асосинигина ташкил этади. Мана шу ҳис этиш асосидан ташқари сўзниг яна ақлий-мазмуний томони ҳам мавжуд ва бу уни тилшуносликда сўз семантикаси деб юритилади. Сўзниг маъно томони сўзниг борлиқни умумлаштирган тарзда акс этиши, унинг тушунча билан бевосита алоқаси асосида белгиланади.

Сўз тилда турли функцияларни бажаради. Сўзни қабул қилиш, тушуниш қисми рецептив функция (receptive function), аташ хусусияти номинатив функция (nominative function) орқали юзага чиқади.

Ўқувчилар лексикани шакллантиришда сўзниг маъноси устидаги ишлар дастлабки босқич саналади ва айнан сўзларни

матнга мувофиқ ҳолда семантик танлаб олиш тил ва нутқ ҳодисаларини англаб етишни шакллантиради. Бунда инглиз тили фани ўқитувчиларининг вазифаси аввал шу сўзларни аста-секин тўлиқ ва тўғри шаклда шакллантириб бориш, сўнг уларни ўқувчилар хотирасида мустаҳкамлаб боришдан иборат бўлади.

Психология соҳасидаги тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, сўз ва тушунчаларни кўз олдига келтириш, тасаввур этиш йўли билан пайдо бўлади. Жумладан, В.Б.Беляевнинг таъкидлашича, аввало, бир қатор аниқ тасаввурлар зарур бўлади. Биринчи тасаввур, бирор буюмни тасаввур этиш орқали тушунча ҳосил бўлмайди. Мана шу образлар ёки тасаввурларнинг ҳаммасини бир-бирига ички таҳлилий қиёслаш натижасида ўхшаш жиҳатлари ёки фарқланишлари ёхуд умумий ва ўзига хос белгилари аниқланади. Тасаввурга келтирилган белгилар жамланади, яъни синтезланади. Умумий тасаввурга келтирилган ва жамланган белгилар йиғиндиси тушунчани ҳосил қиласди.

Замонавий инглиз тили ўқитиши методикасида лексик компетенцияни ривожлантириш нутқ фаолияти турларини эгаллаш воситаси сифатида талқин қилинади. Инглиз тили ўқитиши методикасида лексик компетенцияни ривожлантириш икки босқичдан иборат жараён деб қаралади. Биринчиси, лексиканни методик тайёрлаш (танлаш, тақсимот, тасниф, тақдимот) босқичи бўлиб, ушбу жараён мазкур соҳа методистлари томонидан амалга оширилади. Иккинчиси, лексик кўникмаларни шакллантириш босқичи бўлиб, ушбу жараёнда бевосита ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантиришда, уни методик жиҳатдан тўғри ташкил қилиш муҳимдир. Методик ташкил қилиш ўз ичига инглиз тили лексикасини танлашни (*selection*), тақсимлашни (*distribution*), методик типология қилишни (*classification*), тақдим қилишни (*presentation*) ўз ичига олади [56].

## **Инглиз тили лексик материалини танлаш (selection English vocabulary material).**

Инглиз тили ўқитиши методикасида “танлаш” атамаси ифодалайдиган тушунча ўқитувчи ва методистларга таниш жараён ҳисобланади. Бирок ушбу тушунчага тадқиқотларда ҳозиргача илмий-методик таъриф берилган эмас. Фанда ишлаб чиқилган мезонлар асосида тил макросистемасидан ўқувчи ўрганиши учун мўлжалланадиган микросистема яратиш ҳодисаси “методик танлаш” деб аталади. Методист лексикани танлашга киришар экан, қуйидаги методик тушунчалардан фойдаланиб иш тутади: “танлаш манбаи, танлаш мезонлари, танлаш бирлиги”.

### **Инглиз тилида лексик минимумни танлаш**

#### **2.3-жадвал**

<b>Инглиз тилида лексик минимумни методик танлаш</b>		
танлаш манбаи	танлаш мезонлари	танлаш бирлиги

Инглиз тили лексикасини “танлаш манбаи” деганда, шакланаётган лексик минимумни тил системасидан “танлаб” олиш тушунилади. Одатда, лексик минимум, жумладан, лексика ўрганилаётган тилдаги нутқдан танланади. Аниқроғи, фаол минимум бадиий асарлардаги жуфтнутқдан ёки сўзлашув-адабий нутқнинг ёзилган фонограммасидан танланади.

Пассив минимум эса, ёзма адабиётдан олинган парчалар асосида танланади. Фаол лексика жонли нутқдан олиниб, ўқувчи оғзаки нутқида, пассив эса ёзма манбалардан танланиб, ўқувчи ёзма нутқида қўллашга мўлжалланади. Танлаш манбани айрим тадқиқотларда танлаш тадбири тушунчаси доирасига киритадилар.

### **Инглиз тилида лексик минимумни танлаш манбаи**

#### **2.4-жадвал**

<b>Инглиз тилида лексик минимумни танлаш манбаи</b>				
<b>Реал лексика</b>				
Актив (фаол) лексика	Пассив (нофаол) лексика	Потенциал лексика	Вокабуляр лексика	Новокабуляр лексика

Инглиз тил лексикаси мактаб минимумининг фаол қисми 1000 тача лексик бирликдан ташкил топади. Шу асосда яна мактаб ўқув шароитига мослаб пассив лексик бирликлар танланади. Лексика бойлигининг ҳажми инглиз тили ўқув фанига ажратилган соатлар миқдорига бевосита боғлиқ бўлади [56].

Инглиз тили лексик материалини танлашда қўйидаги методик мезонлар асос қилиб олиниши илмий-методик тадқиқотларда ўрганилган: ҳисоб-китоб мезонлари, методик мезонлар, тишлихнослик мезонлари [56].

Ҳисоб-китоб мезонлари сўзларнинг қўлланишига оид бўлиб, улар таркибига кўп қўлланиш ва кенг тарқалганлик мезонлари киради. Кўп қўлланиш терминининг маъноси олинган манбада сўзларнинг жами ишлатилиш миқдорини билдиради. Кенг тарқалганлик дейилганда эса, ушбу сўзни ўз ичига олган манбалар сони назарда тутилади. Иккаласи бирга қўшилиб фойдаланилганда ижобий натижа бериши фанда исботланган. Шунга кўра кенг тарқалганлик мезони биринчи ҳисобланади. Унга қўшимча тарзда сўзларнинг нақдлиги (қўлланишга тайёр туриши) мезонидан фойдаланиш мумкин (бу мезон биринчи бор М.Уэст томонидан ишлатилган, ўтган асрнинг эллигинчи йилларида уни француз методистлари Р.Мишеа ва Ж.Гугенейм аудиовизуал методда янада ижодий такомиллаштиришган. Унинг асл моҳияти гапиравчи онгига нақд (ихтиёрида) турадиган сўзлами танлаш мезони демакдир [56].

### **Инглиз тили лексикасини танлашнинг ҳисоб-китоб мезонлари**

#### **2.5-жадвал**

<b>Инглиз тили лексикасини танлашнинг ҳисоб-китоб мезонлари</b>	
кўп қўлланиш мезони	кенг тарқалганлик мезони

кўп қўлланиш мезони	кенг тарқалганлик мезони
---------------------	--------------------------

Иккинчи тоифадагилар эса ўқитиш мақсади ва нутқ мавзуларини мўлжаллаб қўлланиладиган мезонлардир. Улар орасида мавзуларни ҳисобга олишдан ташқари тушунчаларни тасвирлаш ва семантик аҳамиятдаги мезонларни учратиш мумкин.

Иккинчи мезонда муайян ўқув юртида инглиз тил ўқитишдан кўзланган мақсад (aims and goals) ва танланган нутқ мавзулари

(topics) асос бўлади. Маълумки, 5-6-синфларда инглиз тили ўқитишдан мақсад – ижтимоий-маиший, сиёсий, бадиий, ўқувтаълимиy соҳадаги матнларни ўқиши ҳамда дастур доирасида оғзаки нутқ малакаларини шакллантиришдан иборатдир. Мазкур ўқув юрти нутқ мавзулари ва ўқитиш мақсадлари лексик бирликларни танлашда асос вазифасини ўтайди.

### **Инглиз тили лексикасини танлашнинг методик мезонлари**

#### **2.6-жадвал**

<b>Инглиз тили лексикасини танлашнинг методик мезонлари</b>	
<b>Инглиз тили ўқитиш мақсадлари (aims and goals)</b>	<b>Нутқ мавзулари (topics)</b>
1. Амалий мақсад (Practical aim) 2. Умумтаълимиy мақсад (Educational aim) 3. Тарбиявий мақсад (Cultural aim) 4. Ривожлантирувчи мақсад (Developing aim)	1. Ўқувчи теварак-атрофи (All about me); 2. Ватанимиз – Ўзбекистон (Uzbekistan is our country); 3. Тили ўрганилаётган мамлакатлар (English speaking countries).

Колган танлаш мезонлари учинчи гурухга киради. Улар қуйидаги мезонлар: сўзларнинг бирикиши, сўз ясаш имконияти, кўп маънолилик, услуг жиҳатидан чегараланмаганлик, синонимларни чегаралаш (яккалаш) ва гап тузищдаги иштироки.

### **Инглиз тили лексикасини танлашнинг тилшунослик мезонлари**

#### **2.7-жадвал**

<b>Инглиз тили лексикасини танлашнинг тилшунослик мезонлари</b>					
сўзларнинг бири-киши	сўз ясаш имко-нияти	кўп маъноли-лик	услуб жиҳатидан чегаралан-маганлик	синоним-ларни чегаралаш (яккалаш)	гап тузи-даги ишти-роки

Бирикиш мезонига қўра танланган сўз бошқалари билан иложи борича кўпроқ бирикмага кира оладиган бўлиши талаб қилинади. Сўз ясаш мезонига биноан улардан ҳосила бирликлар миқдори кўп сонли бўлиши керак. Кўп маъноли сўзларни танлашга ҳам алохида

эътибор берилади. Услубда чегараланмаганлик дегани, тор доирада қўлланадиган эмас, балки нутқ фаолияти турларининг барчасида ва турли мавзуларда ишлатиладиган сўзларни танлаш мезони тушунилади. Синоним сўзлардан айримларигина ёки синонимик қаторнинг бир аъзосигина танланади. Инглиз тил жумлаларининг тузилиши учун зарурий ҳисобланадиган ёрдамчи сўзларни танлаш ҳам тавсия этилади.

### **Инглиз тили лексикасини танлаш мезонлари**

Ўзбек мактаблари учун инглиз тилидан луғат минимум яратилган бўлиб, 1645 та бирликни ўз ичига олади. Улардан 1111 та лексик бирлик ўқувчилар реал луғат бойлигини, 534 таси потенциал луғатни ташкил этади [90].

Маълумки, ўқитиш методикасида ўқув шароитига қараб фаол (репродуктив) ва нофаол (рецептив) лексика танланади. Ўқувчи ўз фикрини баён этаётганида ва ўзгалар нутқида тушуниладиган луғат фаол лексика дейилади. Идрок этиб тушунишга мўлжалланган лексика нофаол лексик минимум ҳисобланади. Иккала лексика ҳам маҳсус машқларда ўзлаштирилади. Ҳар икки фаол ва нофаол лексика ўқувчининг реал (онгода мавжуд) лексикасини ташкил этади.

Шундай қилиб, лексиканинг фаол ва нофаол турлари ҳақидаги методистлар баён этган дастур, дарслик ва қўлланмалардаги фикрларини қисқача умумлаштириб, қуйидаги таърифлар билан кифояланиш мумкин. Чет тилда “фаол лексика” нутқ фаолияти турларидан гапириш ва ёзувда ўрганиладиган лексик бирликларни ўз ичига олади. “Нофаол лексика” эса фақат ўзга шахс нутқини идрок этиб тушуниш (ўқиш ва тинглаб тушуниш)да қўлланиладиган лексик бирликлардан иборат бўлади. Таниқли методист И.В.Рахманов терминологиясида фаол – бу репродуктив/продуктив/актив, нофаол – рецептив/пассив тил материалига оид ҳодисалардир.

Ўқувчи ҳали ўрганмаган, унга нотаниш янги лексика дуч келадики, она тили ёки рус тилининг маъновий ва шаклий ўхшашлиги туфайли, уни билиб олишнинг ички имконияти бор лексик бирликлар потенциал лексика дейилади. Потенциал лексикани оғзаки (аудиоматнда) ёки ёзма (график матнда) тақдим эти-

лиши орқалигина билиб олиш мумкин. Ўқувчи матнни идрок этганда, сўз маъносини мустақил фаҳмлаб етса, ушбу сўз потенциал лексика саналади.

Ўрганилган реал ва потенциал лексика ўқувчиларнинг воказбуляр лексикаси дейилади. Улардан ташқари новокабуляр лексика ҳам мавжуд. Матн мазмунида бир марта қўлланиб, бошқа машқларда атайлаб мустаҳкамланмайдиган айрим сўзлар новокабуляр лексика дейилади.

Воказбуляр лексика нутқда уч гурух бирликларга ажратиб ўрганилади: осон, нисбатан қийин ва энг қийин сўзлар. Биринчисига потенциал лексика киради, улар нисбатан осон ўзлаштирилади. Ўқувчи тўплаган тил тажрибаси кўлами ўрганишда қўл келади. Инглиз тили ўқитишида потенциал лексика ҳосил бўлиши ва қўлланишига кўра қуидаги гурухларга таснифланади: 1) шакли, қўлланиши ва маъноси инглиз, ўзбек ва рус тилларида ўхшаш сўзлар (sport – спорт; football – футбол); 2) шакли ва маъноси рус ва инглиз тилларида ўхшаш сўзлар (literature – литература; culture – культура, history – история); 3) инглиз тили конверсияси усулидаги сўзлар (work – ишламоқ; иш; far – узоқ; узоқда; on – устида; -да); 4) қисмлари олдин ўрганилган ўқувчига таниш қўшма сўзлар (shoolboy, homework); 5) ўзак ва аффикс қисмлари таниш ясама сўзлар (work+er; difficult+y, 6) тўлиқ шакли таниш қисқартма сўзлар UK – the United Kindom; RU – the Republic of Uzbekistan; the USA – the United States of America.

Иккинчи турга ўзбек ва рус тиллари тажрибаларига суюнмай ўрганиладиган вазифавий ва маъновий жиҳатдан лексик хатоларга сабаб бўлмайдиган сўзлар киради. Масалан: китоб – book; ёзмоқ – write, чой – tea.

Ушбу сўзларнинг маъно доираси иккала тилда бир-бирига тўғри келади. Ўрганишга кўмаклашадиган томони маъно доирасидаги умумийликдир. Бироқ инглиз тилининг мазкур лексик қатлами нисбатан қийин ҳисобланади.

Энг қийин лексик қатлам маъновий, вазифавий ва тузилиш жиҳатидан қийинчиликларни келтириб чиқарадиган турдир. Учала

тил бўйича тажриба мутаносиблиги жиҳатидан энг қийин лексика қуидагича таснифланади: 1) кўп маъноли сўзлар; 2) таркибий қисмлари олдин ўрганилмаган ясама сўзлар; “сохта” ўхшаш сўзлар. Масалан, (magazine – журнал; champion champions of peace – тинчлик тарафдорлари; 3) функционал ёрдамчи сўзлар – предлог, артикл, кўмакчи/ёрдамчи феъллар.

Нисбатан қийин ва энг қийин лексик бирликлар лексикани ўргатиш мазмунини ташкил этади. Лексикани ўргатиш мазмуни деганда, қийинлиги туфайли маҳсус машқлар талаб этадиган ва изоҳлаш йўли билан ўргатиладиган, лексик минимумнинг муайян бир қисминигина ташкил этадиган сўзлар тушунилади. Қийинчилик сўзнинг шаклида, маъносида ёки қўлланишида кузатилади. Бино-барин, сўз вазифавий, маъновий, шаклий жиҳатдан қийин ёки улардан бири ёки иккитаси, ҳатто учала тарафи ҳам қийин бўлиши мумкин.

Лексик материал шаклан ҳамда маъно жиҳатидан умумлаштирилиши мумкин. Масалан, нотўғри феълларнинг ўтган замон (Past simple) ва ўтган замон сифатдоши (Past Participle) шакллари тил ўрганишнинг илк даврида якка-якка лексик бирликлар тарзида ўрганилади, кейинчалик уларнинг миқдори оша боргач, шакллар муштараклиги ойдинлашади. Масалан, spoke – wrote.

Умумлашма қоидалар ўзлаштирилгандан кейин, ўрганиледиган феълнинг ўхшаш шакллари ўта қийинчилик туғдирмайди, инглиз тилида ҳосил бўлган тажриба кўмагида сўзларнинг мустақил танлаш шароити вужудга келади. Ўқитиш мазмунига кирган феъл шакли ҳақидаги умумлашма навбатдаги янги шаклан ўхшаш феъл ҳодисаларини потенциал тил бирлиги сифатида ўрганишга замин яратади. Рецептив эгаллашда потенциал лексика сифатида уларни таниб олиш мумкин, бироқ репродукцияда ўрганиш учун мустақил қўллаш кўникмасини маҳсус шакллантириш талаб этилади.

5 – 6-синфларда инглиз тили лексик компетенциясини ривожлантириш кўп маъноли сўзларни тақдимот чоғида умумлаштириб бериш айрим маъноларни ажратиб ўргатиш ишидан ўқитувчини халос этади. “Кўп маъноли сўзларни умумлаштириб ўргатиш

усули”ни Ҳ.Сойназаров тадқиқ этган [56]. Ушбу методик ғояга биноан феъл шаклларини ўрганишда икки ва ундан ортиқ мисол келтирилгандан сўнг янги ўрганилаётган ўхшаш шакллар олдингилари асосидаги қоидаларга таяниб, мустақил тарзда ўрганилади. Рецептив лексикани ўргатиш мазмунода тил бирлиги мавқенини биринчи сўз эгаллайди. Репродуктив нутқда эса нотўғри феълнинг ҳар бир замон шакли алоҳида тил бирлиги даражасида қўлланади.

Кўп маъноли сўзни тақдим этишда ҳам умумлаштириб ўргатиш тавсия этилади. Ҳ.Сойназаровнинг методик қарашларига кўра кўп маъноли сўзнинг барча маънолари алоҳида лексик бирлик бўлиб, ҳар бир етакчи маъно эса лексикани ўргатиш мазмунига киритилади [122].

Лексик бирликда “сўз-маъно” олинади, лексикани ўргатиш мазмунода “маънонинг инвариант” берилади. Масалан, кўп маъноли инглизча сўз: “to go” бунга яққол мисол бўла олади. to go феълиниң “бормоқ”, “кетмоқ”, “юрмоқ”, “ишламоқ” каби бир неча ўнлаб маънолари мавжуд. Маъноларнинг биринчи учтаси ягона тушунча атрофига умумлаштирилиши мумкин, тўртинчи маъно эса бу доирага кирмайди. Биринчи маънолар бормоқ, кетмоқ, юрмоқ сўзлари лексикани ўргатиш мазмунода битта бирлик - лексик бирлик даражасида эса учта ҳисобланади. Лексик бирликлар ва лексикани ўргатиш мазмуни бирликлари teng эмас, деган илмий холоса ҳам Ҳ.Сойназаровга мансубдир.

Инглиз тили ўқитишда лексик минимум танлаш тамойиллари бўйича тадқиқотчиларнинг фикрлари турличадир. Тадқиқотчилардан В.А.Бухбиндер, М.Чориевлар қуйидаги тамойиллар асосида лексик минимумни танлашни таклиф қилганлар:

1. Лексик бирликларни инглиз тили ўқитишда мавзуларга асосан танлаш;
2. Янги сўзларни ўзлаштиришнинг психологик жиҳатларини эътиборга олиш;
3. Инглиз тили таълимнинг психологик ва дидактик қонуниятларига риоя қилиш;
4. Ўқувчиларнинг потенциал ва реал луғат бойлигини бир-бири билан боғлиқ ҳолда шакллантириш;
5. Инглиз тили лексик минимумни рационал чеклаш тамоили [133].

Тадқиқотчилардан Н.Д.Гальскова ва Н.И.Гезлар лексикани танлашда бта тамойилни асос қилиб олганлар. Улар: 1. Мувофиқлаштириш тамойили; 2. Стилистик жиҳатдан чегараланмаганлиги; 3. Инглиз тилидаги сўзлар маъносини очиш; 4. Сўзни тақдим этишда лексик бирликларни фаҳмлаш ва мустақил равишида маъносини англаш; 5. Сўз маъноларини фарқлаш; 6. Нутқда фаол қўлланадиган сўзларни танлаш; 6. Инглиз тилида нутқда сўзларни кўп ишлатилишига кўра танлаш [86].

Тадқиқотчилардан Г.Раҳмонов, М.Каримовалар лексик минимум танлашда 1. Мавзулар бўйича; 2. Кўп сўзларни қўллаш ва кенг тарқалганлик даражасига кўра; 3. Тил интерференциясига биноан хатоларни олдиндан олишга кўра; 4. Семантик (маъновий) жиҳатдан танлаш; 5. Мувофиқлик тамойилига кўра; 6. Стилистик жиҳатдан чегараланмаганлик; 7. Сўз ясалишига кўра тамойилларни асос қилиб олганлар [113].

Шунингдек, тадқиқотчилардан Ф.Р.Қодирова ҳам лексик бирликларни танлашда қуйидаги тамойилларни асос қилиб олган: 1. Нутқда сўзнинг амалий қимматини ҳисобга олиниши; 2. Сўзнинг оғзаки нутқда, график матндаги тез-тез қўлланилиши; 3. Сўзлардан фойдаланиш имкониятларига қараб [100].

Умумтаълим мактабларида фаол ва нофаол лексик минимум танланади. Иккала луғат минимум ўқувчиларнинг реал лексикасини ташкил этади. Тадқиқотчи Е.Н.Соловева таърифича, фаол луғат бу инсон оғзаки нутқ мулоқотида доимий равишида фойдаланадиган лексика, аниқроғи, инглизлар айтганидек, доимо “тилнинг учида” турган сўзлар ҳисобланади. Агар сўзлар узоқ муддат ишлатилмаса, у ҳолда улар нофаол луғатга ўтади, яъни ўқилганда, тинглаган чоғда танилиши мумкин, бироқ нутқда фойдаланилмайди. Демак, ўқувчилар лексикани оғзаки нутқда эркин қўллай оладиган сўзларни фаол лексика деб, оғзаки нутқда ифода этмай, балки уни тушуниб, англанилган сўзларни нофаол дейиш мумкин.

Тадқиқотчи Ф.Р.Қодирова “Нутқда янги сўзларни фаол қўллаш кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг улар маъносини қанчалик тўғри тушунишларига боғлиқдир” деб, таъкидлаб ўтган. Бунинг учун

машғулотларни шундай тарзда ташкил этиш керакки, ўқувчилар янги лексик бирликларни идрок этиб, секин-аста фаол нутққа ўтишсін [100].

Лексик минимум ҳақида сўз борар экан, бизнингча, чекланган миқдордаги энг зарурий инглиз тилидаги сўзларни ўргатиб бориш мұхимдір. Бунинг учун эса биз, она тилига таянган ҳолда ўқувчилар сўзларни билиш даражасини аниқлаймиз.

Фаол луғатни танлашда ҳисоб-китоб, методик мезонлар, синонимларни чегаралаш, сўзларнинг бирикиши, сўз ясаш имконияти ва кўп маънолилик мезонлари асос бўлади.

Нофаол луғатни танлаш чоғида эса биринчи гурӯҳ мезонлари ва семантик қийматга эгалик ва сўз ясаш имконияти, кўп маънолилик ҳамда мавзуй алоқадорлик мезонларидан фойдаланилади. Луғат минимумни шакллантириш жараёнида кўрсатилган мезонлар ўзаро боғлиқ бўлиши шарт. Ушбу мезонлар асосида танланган сўзлар мактаб ўқув дастури учун лексик тил материали сифатида тавсия этилади.

Танлаш бирлиги фанда узлуксиз баҳсларга сабаб бўлган методик тушунчадир. Ушбу бирликка тегишли методик талаблар қўйилади: биринчидан, танлаш бирлиги мезонлар ва танлаш тадбирига мос тушиши керак, иккинчидан, улар холисона амаллар асосида ажратиб олиниши зарур. Хуллас, танлаш бирлиги қилиб, сўзлар, уларинг лексик-семантик ва лексик-фразеологик варианtlари ҳамда нутқ клишеси (қолип-жумла) муайян маънода олинади. Бир маънодаги сўз ёки сўзга teng келадиган турғун бирикма лексиканинг танлаш бирлиги саналади. Маъно луғатда кўрсатилади, сўз мазмуни ушбу маънонинг нутқий фаолиятда юзага чиқишидир, тушунча эса тафаккурда шаклланади.

Хар бир танлаш бирлиги мустақил луғат мақоласи сифатида лексик минимумда ўз аксини топади. Луғатдаги мақолалар инглиз тилидан она тилига таржимаси билан берилади. Фаол ва нофаол лексик бирликлар алифбо тартибида луғатдан жой олади. Нофаол луғат маълум бир лексикографик белги (масалан, олдида юлдузча) билан фарқланади. Потенциал лексика луғатда берилмайди.

Танлаш бирлиги илмий аниқлангач, танлаш мезонлари воситасида ўқув қўлланмаси мавқеида “луғат (ёки лексик) минимум” тузилади.

Миқдор ва сифат жиҳатидан ўқув дастури талабига жавоб берадиган луғат минимум дарслик ва қўлланмалар тузиш учун “лексик” материал вазифасини ўтайди. Танланган лексик материал методик тасниф, тақсимот ва статик тақдимот босқичларидан ўтади, динамик тақдимотдан бошлаб ўқувчилар кўникмасини ҳосил этишга хизмат қиласди.

Хорижий мамлакатларда ўқувчиларнинг инглиз тилида фаол, нофаол, реал, потенциал, вокобуляр ва новокабуляр лексикасини ривожлантириш тамойиллари уларни оғзаки ва ёзма нутқий фаолиятда қўллаш (usage) жараёнларининг дидактик продуктогенлигини таъминлаш асосида такомиллаштириш масалалари американскик методист П.Хэгболдт, Ч.Хэндшин, Х.Дункел ва М.Уэст каби методистлар томонидан ўрганилган.

### **Инглиз тили лексик материалини тақсимоти (distribution English vocabulary material).**

Инглиз тили лексик материалини методик ташкил қилишдаги навбатдаги тадбир унинг тақсимотидир. Тил материалини тақсимлаш масаласи методикада кам эътибор берилган соҳалардандир. Ўқув материалининг тақсимоти фан асосларини ўрганувчи фанларда осондан қийинга, шунингдек, бошқа дидактик тамойиллар асосида амалга оширилади. Инглиз тилида нутқ фаолияти турларининг ўрганилиши билан боғлиқ ҳолда тақсимланади.

Лексиканинг тақсимоти икки босқичда амалга оширилади:  
1. Фаол ва нофаол лексик минимумлар ажратилади; 2. Репродуктив ва рецептив тарзда эгалланадиган лексика курслар бўйича тақсимлаб чиқилади.

Оғзаки нутқ ўқитиш мақсади ҳисобланадиган таълимнинг бошланғич (1 – 3-синфлар) ва ўрта (4 – 7-синфлар) босқичларида фаол, юқори босқичда (8 – 11-синфлар) ўқиш учун нофаол лексика фарқланади, пассив лексиканинг ярми оғзаки нутқда ҳам тақдим этилади. Репродуктив ва рецептив тарзда эгалланадиган лексика

дарслик тузиш чоғида синфлар минимумлари шаклида ажратиб чиқилади.

Иккинчи босқич тақсимотида лексика янада кичикроқ миқдордаги гурухларга ажратилади: 1) лексика нутқий мавзулар бўйича дарсликда тақсимланади; 2) бир соатлик дарс учун сўзлар миқдори белгиланади; 3) машқлар материали сифатида лексик бирликлар тарқатилади.

Тақсимот жараёнида лексик бирликларнинг хусусиятлари, нутқнинг тинглаб тушуниш ва ўқиш ёки гапириш ва ёзув турлари ҳисобга олинади.

Хуллас, лексиканинг тақсимоти қуйидаги методик мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин: 1) лексикани нутқ фаолияти-нинг репродуктив ва рецептив турларига қараб ажратиш, нутқ талабига кўра тақсимлаш ёки ўқитиш мақсадларини назарда тушиш; 2) нутқий мавзуларни ҳисобга олиш; 3) ўқувчилар тил тажрибасини ҳисобга олиш; 4) тил ички интерференциясини бартараф этишни кўзда тушиш; 5) грамматик ҳодисаларни таниш лексик бирликларда, янги лексикани ўрганилаётган грамматик воситада бериш; 6) лексик қийинчиликларни бўлиб (чегаралаб) ўргатиш.

Ушбу тақсимот мезонларини қуйидагича таҳлил этиш мумкин: “нутқ талабига кўра тақсимлаш мезони” деганда, гапириш учун фаол лексикадан ўқув материали бериш ва ўқиш учун нофаол минимумдан олиш тушунилади. “Нутқий мавзуларни эътиборга олиш мезони”га кўра ўқувчи теварак-атрофи ҳақида инглиз тилда фикр баён этишни ўрганади. “Мактаб (school)”, “синф (class/form)”, “үй (house)” каби кичик мавзулар дастлабки лексик бирликларни ўзига эргаштиради. Бинобарин, “ручка (pen)”, “китоб (book)”, “ўқувчи (pupil)”, “ўқитувчи (teacher)”, “мен (I)”, “бер (give)”, “мени/га (me)”, “исм (name)” кабилар бошланғич дарсларнинг лексикаси бўлиши муқаррар.

“Ўқувчилар тил тажрибасини ҳисобга олиш мезони” бўйича, аваламбор, қийинчиликларни яккалаб бартараф этишга мўлжалланган ҳажмдаги лексикада тақсимланса, инглиз тилида маълум тажриба орттирилгач, лексика нутқий мавзуларга бириктирилиб, улгуржи

берилиши ҳам мүмкін. Шу мұносабат билан бошида инглиз тилица “ручка (pen)”, “қалам (pencil)” бирга үргатылмайды, вақти келиб “қовун (melon)”, “тарвуз (watermelon)”, “мева (fruit)” кабилар бир дарсга ҳам киритилиши мүмкін.

“Тил ички интерференциясини бартараф этиш мезони”га биноан фикран үзаро чалкашлик келтириб чиқарадиган бирликлар бирваракай берилмасдан, бир-биридан замон ва маконда ажратилиди. Масалан “тоға ва амаки (uncle)” ёки “у (he/she/it)” олмошининг родлардаги шакллари бирга тақдим этилса, қийинчиликка сабаб бўлади.

Бешинчи мезонга кўра грамматик ва лексик қийинчилик ажратилиши тавсия этилади. “Қийинчиликларни тарқатиб үргатиш мезони” талаби доирасида тақсимлаш орқали янги бирлик юзасидан пухта кўникма шакллангунга қадар бошқа бирлик берилмай туради.

Тақсимот мезонларига итоат қилишнинг яққол мисолларидан бири сифатида феълнинг ҳаракат номи шакли биринчи шахс шаклидан анча кейин берилгани маъқул. Чунки нутқ зарурати авало “ўзим ҳақимда (about me/myself)” гапиришни тақозо этади. Дастур тузувчилар ва дарслик муаллифлари илмий-методик тадқиқотлар натижаларига амал қилиб, тақсимот тадбирини бажарадилар.

### **Инглиз тили лексик материалининг таснифи (classification English vocabulary material).**

Инглиз тили лексик компетенциясини ривожлантиришда лексиканинг таснифи ҳам инглиз тили үқитиши методикасида мухим тадбирлардан бири ҳисобланади. Методистлар үқувчиларнинг тил тажрибасини ҳисобга олган ҳолда үрганиладиган лексик бирликларни осон/қийин гурухларга ажратадилар.

Хорижда ва Ватанимизда лексик материал таснифи масаласи методистлар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Чет тил үқитиши психологи Ҳ.Ҳьюз она тили билан таққослаш орқали инглиз тил лексикасини осон ва қийин гурухларга ажратган. Таниқли методист Ҳ.Палмер лексикани шакл, маъно ва қўлланиш юзасидан тасниф этган бўлса, Ч.Фриз сўзнинг гапдаги вазифаси ва бирикиш хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда таснифни амалга оширган, Р.Ладо

лексикани тиллараро интерференцияга боғлаб тасниф этишни таклиф этган [56].

## **Инглиз тили лексикасининг таснифлашнинг методик таҳлили**

### **2.8-жадвал**

<b>Х.Хыз</b>	<b>Х.Палмер</b>	<b>Ч.Фриз</b>	<b>Р.Ладо</b>
она тили билан таққослаш орқали инглиз тил лексика-сини осон ва қийин	лексикани шакл, маъно ва қўлланиш	гапдаги вазифаси ва бирикиш хусусиятидан келиб чиқиб таснифлаган	лексикани тиллараро интерференцияга

XX асрнинг олтмишинчи ва етмишинчи йилларида бу борадаги илмий маълумотлар умумлаштирилди, янги тасниф мезонлари ўртага ташланди. Тадқиқотчилардан И.В.Рахманов, В.А.Бухбиндер, С.В.Калинина, Л.З.Якушина, М.С.Латушкина, Н.Б.Николаев, А.А.Залевская, М.А.Педанова, Ю.В.Гнаткевичлар турли нуқтаи назардан туриб, инглиз тил лексикасини гурухларга ажратишган бўлса, ўзбек миллий аудиторияси учун Ж.Жалолов, Х.Сайназаров, М.Чориевлар инглиз тили лексикасини таснифи устида тадқиқотлар олиб боришган. Юқоридаги тадқиқотларда инглиз тил лексикасининг хусусиятлари, тилнинг ички ва тилларо интерференциясига боғлаб таснифлаш, фаол ва нофаол луғатга хос қийинчиликлар ўрганилган [56; 122; 133].

Лексикани таснифлаш борасида И.В.Рахманов биринчилардан бўлиб, илғор илмий гоялар билан чиқсан. 1960 йилларда лексикани фарқлаб ўргатишнинг баъзи масалалари методик тадқиқ қилинди. Масалан, узун ва қисқа сўзлар, кўргазмалилик ёрдамида ҳамда кўргазмали қуролларсиз тақдим этиладиган сўзлар, олдин ўрганилганлари билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сўзлар, фонетик ва маъно жиҳатлари яқин сўзлар.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари охири ва етмишинчи йиллари бошида бу соҳада тадқиқотлар пайдо бўлиб, уларда методик тасниф ҳақидаги илмий маълумотлар умумлаштирилди ва тасниф мезонлари ўртага ташланди. Лексикани нутқ фаолияти турларида ўзлаштириш ва фаол/нофаол луғатни ўрганиш фарқланадиган бўлди.

Методик тасниф бўйича ўтказилган тадқиқотларда икки йўналиш кўзга ташланади: биринчиси – алоҳида сўз хусусиятига боғлиқ ва тилнинг ички ва тиллараро интерференцияси юзага келтирадиган қийинчиликлар аниқланди. Иккинчи йўналишда эса фаол/нофаол луғатга хос сўзлардаги қийинчиликлар ўрганилди.

Хозирги даврга келиб, лексиканинг таснифи умумметодик миқёсда тадқиқ этилмоқда. Нутқ фаолияти турларини эгаллашда амал қилинадиган алоҳида нутқ босқичига қараб, қийинчиликларни аниқлаш натижасида лексик тасниф ишлаб чиқилмоқда. Операцион ёндашиш оқибатида тасниф қилинган лексика машқлари амалий қўллаш учун мўлжалланади. Назариядан амалиётга қадам ташланади.

Нутқни идрок қилиш ва уни содир этиш жараёнларида лексикани қўллаш босқичлари турлича бўлиши методик асосланган. Ундан ташқари потенциал лексик бойликнинг ҳам ўзига хослиги аниқланди. Ушбу лексика ўқувчилар тил тажрибасида илгари учрамаган, улар илк бор дуч келаётган лексик бирликларни маҳсус тасниф қилиш зарур.

Нутқий лексик босқичларнинг гапиришга оид турини бу бирликларнинг бирикиши (сўз бирикмалари) ва уларнинг жумла таркибида қўлланиши тарзида таърифлаш мумкин. Нутқни идрок этиш чоғида эса бошқа амал бажарилади: оғзаки/ёзма нутқ идроки пайтида ўқувчиларда ҳосил қилинган эшитиш/кўрув тимсолларини танлай олиш, акустик/график таянчларни эшитганда/кўрганда ажрата олиш кабилар. Уларни машқларда ишлатиш учун майда босқичларга ажратиш даркор. Сўзнинг репродуктив нутқ ҳисобланган гапириш ва ёзувда қўлланишига хос ишлар қуйидаги босқичларда ўргатиш учун тақдим этилади.

**Биринчи босқич:** зарур сўзнинг товуш шакли эсланади, таниш лексик бирлик ишга тушади. Ушбу бирлик узоқ муддатли доимий хотирадан қисқа муддатли оператив хотирага ўтказилади. Маълумки, ўзлаштирилган сўз доимий хотирада сақланади, нутқ эса қисқа муддатли хотира иштирокида содир бўлади. Сўзни эслаш чоғида уни парадигматик тартибдан синтагматик ҳолатга ўтказишдек мураккаб

жараён кузатилади. Масалан. гапирмок, гапириш, гапираман, гапиради кабилар хотирада “қатлам” шаклида сақланади. Жумлага киритиш ёнма-ён келадиган сўзга боғлаб жойлаштириш демакдир Масалан, I speak English/Мен инглизча гапираман. he/she speaks Spain/у испанча гапиради. Сўзниг осон қийинлигини унинг кўп маънолилиги, ўзбек ва инглиз тилларида маъно доираси тор/кенглиги, маънодош – синонимлари бор ёки йўқлиги белгилаб беради.

**Иккинчи босқич:** сўзниг синтактик ва лексик бирикиш даражасини аниқлаш. Лексик бирикиш деганда, маъновий муносабатга кириш, синтактик бирикиш эса муайян сўз тартибининг тақозо этишидир. Иккала ҳолат ўзбек тилига мос келса, амал осонлашади. Сўзниг бирикиши фарқ қилганда, амал қийин кечади.

**Учинчи босқич:** жумладаги бўш жойни тўлдириш. Бемалол бирика оладиган сўзни ишлатиш эркинроқ кечади, бирикиш имконияти чегараланган сўзни ишлатишда қийинчилик сезилади.

Нутқни тинглаб тушуниш ва ўқиш босқичлари нофаол луғат материалида бажарилади. Ўқишни идрок этиш босқичлари қуйидагилардан иборат:

**Биринчи босқич:** Лексик бирликнинг ёзма график шаклини идрок этиш. Бунда сўзниг қисқа/узунлиги (қисқа сўз осон идрок қилинади), графема (ҳарф, ҳарф бирикмалари)нинг таниш/нотанишлиги, ўзбек тилидаги сўз шаклига ўхшаш/ноўхшашлиги кабилар муҳим аҳамиятга моликдир.

**Иккинчи босқич:** Лексик бирлик белгиларини аниқлаш. Бунда ёзув (график) белгилари (ҳарф бирикмаси) ва тузилиш – маъно белгилари (ўзак, ясама сўз) назарда тутилади. Сўздаги морфемаларнинг танишлиги қийинчиликни бартараф этиш омилларидандир. Кўп бўғинли сўзни идрок этиш қийинчилик билан кечади.

**Учинчи босқич:** Лексик бирликларни фарқлаш ва ўхшатиш. Морфема (ўзак, аффикс) яхши таниш бўлса, ўқувчи осон идрок этиб тушунади. Сўз таркиби маъноларини очиш осон бўлса, уни таниб олиш енгиллашади, агар ўзак ёки аффикс маъносини очиш мураккаблик қилса, таниб олиш, яъни фарқлаш ёки ўхшатиш қийинлашади.

**Тўртинчи босқич:** Идрок қилинадиган шаклни маъноси билан боғлаш (тушуниб олиш), ўз навбатида, бутун жумлани (ёки жумладан катта матнни) тушуниб етиш. Сўзнинг кўп маъносини тушуниш қийинлик билан кечиши мумкин. Туб ёки мажозий маъно туфайли сўзни таниб олиш қийинчилиги турлича бўлади. Шакл ва маънонинг ўқувчи онгидаги алоқада бўладиган тилларда ўхшаш ёки тафовутли бўлиши осон/қийин таниб олишга сабаб бўлади [56].

Потенциал лексикага оид иш қўйидагилардан иборат:

1. График тимсоллар йифиндисини идрок этиш; 2. Идрок этилганларни таниш график тимсоллар билан фикран алоқага киритиши.

Қисқаси, лексик қийинчиликларнинг босқичлар амалиёти чоғида намоён бўлиши туфайли уларни операцион ёндашиш орқали таснифлаш мумкин. Инглиз тил лексикаси таснифида ўзбек тили билан бир қаторда рус тилига оид ўқувчи тажрибаси ҳисобга олиниши зарур.

Лексиканинг методик таснифи илмий манбаларда бир текис таърифланган эмас. Бирмунча чалкаш ва зиддиятларга бой методик тадқиқотлар ҳам йўқ эмас. Бинобарин, аниқ бир инглиз тилни ўрганиш учун тайёрланадиган тил материали таснифи, жумладан, лексика таснифи, одатда, дарслик муаллифлари ваколатига ҳавола этилади. Демак, методик тасниф хусусий методика фанининг вазифасига киради.

Демак, инглиз тили лексикасини статик даражаси продуктивлигига эришиш алгоритми танлаш, тақсимлаш, таснифлаш ва тақдимот босқичларининг методик типологиясини лингвометодик ёндашув билан қайта алоқага киришув даражаси барқарорлигини белгилаш орқали такомиллаштирилади.

## **2.2.§ Ўқувчиларнинг лексик компетенциясини ривожлантиришга мўлжалланган машқлар таҳлили**

Инглиз тили лексикасини методик тайёрлаш тадбири методистлар томонидан бажарилгач, унинг натижалари бевосита ўқитиш амалиётига жорий этилади. Ўргатишга тайёрланган лексик

материал юзасидан дарсда ва бошқа машғулотларда ўқитувчи иштироки ва раҳбарлигига ўқувчилар лексик кўникмаларни эгаллайдилар. Мазкур тадбир ўқитиш методикасида лексик кўникмаларни шаклантириш босқичи деб аталади. Лексик кўникмаларни шаклантириш уч босқичда ўтиши тадқиқотларда кўрсатиб ўтилган. Бунда биринчи босқич янги сўз билан танишишдан бошланиб (presentation), иккинчи босқичда лексикани нутқ жараёнида қўллаш (exercise) бошланади. Учинчи босқичда эса ўрганилаётган сўз нутқ фаолияти турларида қўланилади (usage), малака таркибида ўзлаштирилади.

### **Инглиз тили лексик компетенциясини ривожлантириш босқичлари**

**2.9-жадвал**

<b>Лексик компетенцияни ривожлантириш босқичлари</b>		
янги лексика билан танишиш (presentation)	янги лексикани нутқ жараёнида қўллаш (exercise)	янги лексикани нутқ фаолияти турларида қўлаш (usage)

### **Инглиз тили лексик материалини тақдимоти (presentation English vocabulary material).**

Инглиз тили лексикасини танишиш босқичида сўзнинг шакли, маъноси ва қўлланиши юзасидан иш бажарилади. Инглиз тили лексикасини ўргатишда анъанавий ва функционал усуллар мавжуд. Сўзнинг маъносини очиш (семантизация) анъанавий усул бўлиб, функционал методикада у маҳсус босқич деб қаралмайди. Инглиз тилдаги сўз тақдим этилишидан олдин ўзбек тилидаги шунга монанд сўз эсга солинади. Бунга аудио-видео лавҳа (3 – 5 дақиқалик) ёки мазмундор расмни намойиш этиш орқали эришилади. Намойишдан сўнг, ўзбек тили тажрибасига асосланиб, инглиз тилдаги сўз матнда ёки якка тақдим этилади.

Янги сўз маъноси билан танишиш, маълумки, икки усулда ижро этилади: тайжимасиз ёки тарижима воситасида. Таржимасиз усулда икки тур – ички ва ташки қўргазмалиликдан фойдаланиб келинади.

Янги лексик бирликнинг маъносини эгаллаш чоғида қўлланадиган методик усуллар қуйидаги омилларга боғлиқдир: сўзниг хусусияти; фаол/нофаол лексикага оидлиги; таълим босқичи ва ўқувчилар савияси; янги сўзниг намойиш этиш усули – оғзаки ёки ёзма шаклда; лексикани тақдим қилиш ўрни (дарс, уй, дарслик, луғат) кабилар.

Тақдимот жараёнида янги сўз таржимасиз усул билан ўргатилганда нарса, расм, хатти-ҳаракат намойиш қилиниб, тахминан мана бундай топшириқлар берилади: сўз маъносини фаҳмлаб олинг, масалан, китоб кўрсатилади ва унинг номи инглиз тилдаги жумлада айтилади. Таржимасиз усул яна антоним, синоним, сўз ясаш элементлари, контекст, таърифлаш орқали ҳам амалга оширилади, масалан, инглиз тилда “катта” сўзи ўрганилган, “кичик” сўзи жумлада айтилгач, унинг маъносини фаҳмлаб олиш тавсия этилади.

Таржимасиз методик усул нарса номини, унинг ҳажмини, гапни ёки ҳаракатни ифодаловчи сўзларни тақдим этишда эркин қўлланилади. Ўқувларнинг тушунганлигини назорат қилишда таржимасиз воситалар ишга солинади. Масалан, нарса ёки унинг тасвирини кўрсатиш (китоб, қалам, кўча), инглиз тилда “ҳа (Yes)”, “йўқ (No)” жавобларини бериш, ҳаракатни намойиш қилиш орқали маънони фаҳмлаганлик текширилади.

Таржимадан фойдаланиш, зарурат бўлганда, тақиқ этилмайди. Таржиманинг икки тури одат бўлган. Биринчиси – оддий, сўзма-сўз таржима, иккинчиси эса таржима-изоҳ дейилади. Контекстдан ажратиб олинган янги сўзниг бевосита таржимаси келтирилади ёки айрим ҳолларда таржима изоҳланади. Масалан, afternoon – тушдан кейинги соат 12 дан бгача бўлган вақт. Сўз ўргатишда ноилож ҳоллардагина таржимага мурожаат этилади.

Мавҳум тушунчаларни ўргатишда таржимадан фойдаланган маъқул. Ўзбек тилида мос келадиган сўз топилмагандага таржима-изоҳ берилади. Янги сўз маъносини мустақил тарзда ўрганиш усули ҳам мактаб тажрибасида кенг тарқалган. Ўқиши малакасини эгаллаш чоғида янги сўзлар (кўпинча, ёддан кўтарилилган лексик бирликлар ҳам) луғат ёрдамида ўрганилади. Луғат ёрдамисиз потенциал

сўзларни мустақил ўрганиш, уларнинг маъносини фахмлаб олиш тавсия қилинади.

### **Инглиз тили лексикасини машқ қилиш босқичи (exercise English vocabulary material).**

Инглиз тили ўқитишида кўникма ҳосил қилишда ушбу босқич муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тушунчани ҳам жараён методи сифатида, ҳам маъноси очилган лексик бирликни нутқда ишлатиш деб изоҳлаш мумкин. Аслида лексикани ўргатишнинг ҳар учала босқичи тегишли машқларда рўй беради.

Сўз ўзлаштиришда маънони очиш биринчи қадам, холос, иккинчиси, муҳимроғи, нутқ оқимида уни ишлатишга қаратилган тадбир – лексик бирликнинг сўз бирикмалари ва жумлаларда иштироки ва оқибат натижада кўникма ҳосил қилиш босқичидир.

Инглиз тилида лексикани ўргатиш машқлари информацион ва операцион таркибий қисмлардан иборат. Информацион машқ дарсда кўрсатма бериш, ўқувчиларни тил материалини тушунишга йўналтиришни назарда тутади. Иккинчисида, операцион машқларда лексик материал асосида нутқ ҳаракатлари эгалланади. Машқдаги муайян элемент – лексик операцияни эгаллаш доимо асосий вазифа қилиб қўйилади. Масалан, “Матнни ўқинг (Read the text), ажратиб кўрсатилган сўз, сўз бирикмаси, гапларга эътибор беринг” машқидаги бирликлар шулар жумласидандир.

Кўникмага эришиш мураккаб жараён бўлганлигидан, ҳар бир янги сўз бир нечта машқда ёки машқлар мажмууда тақорор-тақорор ишлатилади. Сўзлар миқдори сўзнинг хусусиятига боғлиқ) Ҳар бир машқ тегишли операцияни эгаллаб олишга мўлжалланади.

Машқларнинг асосий турлари қуйидагилар: 1) реал луғат бойлигини ўзлаштириш, луғат таркибини кенгайтириш ва уларни фаҳмлаш (пайқаш) орқали билиб олиш кўникмаларини ҳосил қиласиган машқлар; 2) рецептив (tinglab ва ўқиб тушуниш) ва репродуктив (гапириш, қисман ёзув) лексик машқлар; 3) лексик бирликнинг ҳар хил турлари (сўз, турғун сўз бирикмаси, нутқ клишеси)ни ўрганиш машқлари.

Машқ турлари, ўз навбатида, яна кичик гурухларга бўлинади: жойига кўра (синф, уй), шакли ва усулига қараб (оғзаки ёки ёзма, ёлғиз ёки хор билан, мустақил ёки ўқитувчи раҳбарлигида), ўзбек тилига муносабати нуқтаи назаридан (ўзбек тили ва инглиз тилда), амалларни мустаҳкамлашга оид (бириктириш, ўзгартириш – репродукцияда, танлаш, гурухлаш, ўхшатиш, фарқлаш – рецепцияда), тузилиши жиҳатидан (бир турдаги ёки ҳар хил бирликлар иштирокида), ёрдамчи воситалар қўллаш билан (кўргазмалилик, техника воситалари, программалаштириш элементлари ёрдамида), ўзлаштириш босқичларидан келиб чиқиб (дастлабки эгаллаш, машқ қилиш, амалиёт, такрорлаш, назорат қилиш) ва бошқа машқлари бажарилади.

Бошланғич босқичда, асосан, оғзаки, контекстли, бир тилли машқлар синфда, ўқитувчи бошчилигида, хор билан, расмлардан фойдаланиб бажарилади. Ўрта босқичда машқларнинг катта қисми уйда, ёзма шаклда, ўқитувчи бевосита бошқармайдиган фонограмма ҳолида, контекстли ва контекстдан ташқари, якка тарзда, икки тилда бажаришга мўлжалланади.

Юқори босқичда лексик қоидаларга суюниб, контекстдан ташқарида ва контекстда, ички имкониятли потенсиал луғатни бойитиш, янги сўз маъносини фаҳмлаб олиш, лексик операцияларни онг иштирокисиз эркин қўллай олиш каби машқлар бажарилиши тавсия қилинади.

Потенсиал луғат бойлиги ҳақида алоҳида тўхташ зарур. Бу луғатни ўзлаштириш тўғрисида эмас, балки уни шакллантириш ва кенгайтириш, нақд (реал) лексик билимларга, аникроғи, кўникмаларга таяниб, рецептив нутқ фаолиятида учрайдиган лексиканинг катта қатламини тушуниш, янги сўз маъносини мустақил фаҳмлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш борасида гап юритилади.

Сўз ясаш, конверсия, байналмилал лексика, сўз бирикмалари, кўп маънолилик кабилар потенсиал луғат манбаи бўлиб хизмат қиласи. Тил тажрибаси туфайли ўқувчи ушбу лексик бирликларни таниб олиш имконияти бор бўлгани учун мустақил идрок этиб тушуниш кўникмасини эгаллайди. Мустақил ўрганишда яна бир

фойдали педагогик усул – луғат ва маълумотномалардан янги лексик бирлик маъносини топишидир.

Лексика кўникмаларини шакллантиришда машқ қилиш босқичидаги асосий ишлар қўйидагилар:

1. Сўз, сўз бирикмаси ва гапни айтиш. Ўқитувчи ёки диктор нутқига тақлидий айтиш. Ушбу усул амали чоғида ўқитувчи топшириғи мана бундай тартибда бўлиши кузатилади: “Мендан кейин такрорланг ва эслаб қолинг (Repeat and remember)”. Диктор нутқини тинглаш пайтида эса “Эшитинг, орасида такрорланг ва эслаб қолинг (Listen, repeat and remember)” қабилида ўқувчилар топшириқ оладилар. Мазкур машқ хор билан ва якка тартибда ўтказилади. Эсда сақлаб қолишга, албатта, кўрсатма берилиши шарт. Диктор нутқига эргашиб, хор билан қайтариш самара бериши муқаррар, бироқ ёлғиз такрор айтилиши ҳам (бошқалар ичида айтади) ижобий натижалар гаровидир.

2. Янги сўз иштироқида сўз бирикмаларини оғзаки тузиш. Ўқитувчи қўйидагича топшириқ беради: Сўзларни эшитинг ва уларни сўз бирикмасида айтинг. Масалан, биринчи ўқув йилида ўрганилаётган book сўзи машқ қилинганди. Ўқитувчи сўзлар грухини айтади: English, Uzbek, Russian, read, see, my. Ўқувчилар навбатма-навбат бирикмалар тузадилар: English book, read a book, my book, Uzbek book... Сўз бирикмалари ясаш кўникмаси нутқ юритишини ўрганишнинг муҳим таркибий қисми бўлганлигидан, ўқитувчи раҳбарлигига бундай машқ қилиш жуда фойдалидир.

3. Сўзни турли нутқ намуналарида кўллаш. Ўқитувчи топшириғига биноан бажариладиган иш туридир. Масалан. “Айтинг I see a...”. “Саволга жавоб қайтаринг...”, “Ўртоғингиздан сўранг”, “Айтилган фикрни қуватланг ёки инкор этинг” қабилар. Нутқ оқимида сўзни турли бирикмаларда ишлатишни машқ қилишга эришилади. Топшириқлар гурух бўлиб, жуфт бўлиб, ёлғиз бажарилиши мумкин.

4. Сўзни кўриш орқали идрок этиш, матн маъносига боғлаб бириктириш ва ўқиш. Ўқитувчи/диктор ортидан ёки мустақил машқ қилдириш мумкин. Топшириқ турлари: “Менга қулоқ солиб,

ўқинг...”, “Дикторни эшитинг ва ундан кейин ўқинг...”, Аввал ичингизда, сўнг овоз чиқариб ўқинг” кабилар. Сўзнинг товуш тимсоли ўрганилгач, унинг ёзувдаги шакли ўзлаштирилади.

5. Лексик бирликни босма матнга таяниб, машқда ўзлаштириш. “Берилган матндан муайян мавзуга оид сўзларни топинг ва уларни ўқинг” сингари топшириқ турлари бажарилади.

6. Сўзни ёзиш. Топшириқ: “Сўзни доскадан/китобдан кўчиринг ва эслаб қолинг”. Ўқитувчи тушунтириб беради ва ёзишдан ягона муддао ушбу сўзни эслаб қолиш эканлигини уқтиради.

7. Ёзма вазифаларни синфда ва уйда бажариш. Топшириқ намуналари: “Тушириб қолдирилган сўзни топиб ёзинг”, “Берилган ҳарфлардан сўз тузинг”, “қавс ичидаги сўзларнинг тегишлисини қўйиб, гапларни кўчиринг” ва ҳ.к.з. Машқ қилиш чоғида ўқувчиларга оқилона усуллардан фойдаланиш йўлларини ўргатиш керак, токи улар оз куч ва вақт сарфлаб, самарали натижалами қўлга киритсинлар.

Машқ қилиш босқичида қўланадиган ушбу усул ва топшириқлар таълимнинг дастлабки йилларига кўпроқ мос келади. Бошқа босқичларда ҳам улардан фойдаланса бўлади.

Лексик операцияларнинг нутқда эркин қўлланиши даражасига эришмоқ учун тақдимот ва машқ қилиш босқичлари билан чегараланиш кифоя қилмайди.

Тадқиқотчи А.Н.Леонтев таъбирича, “мустаҳкамланган операциялар” кўникма, деб қаралади. Сўзни луғат бирлиги, ўқув бирлиги, лексик бирлик ёки маъно бирлиги ҳисоблашдан ташқари, замонавий методикада унга функционал жиҳатдан қўлланиш бирлиги, яъни нутқий фаолият бирлиги, деб қараш одат тусига кирган. Демак, лексиканинг тақдимоти, уни машқ қилиш билан чегараланмасдан, албатта, функционал – қўлланиш вазифасини ўташига эришмоқ зарур. Хуллас, сўзни нутқда ва нутқ учун ўзлаштириш, яъни лексик кўникмани шакллантиришдан кейинги босқич – ушбу кўникмани такомиллаштириш нуқтасига етказиш, лексикани малака босқичида қўллаш масаласидир.

## **Инглиз тили лексик материалининг қўлланилиши (usage the English vocabulary material).**

Таълим мақсадларидан кўзланадиган вазифа инглиз тил лексикасини ўргатиш жараёнининг кўникмалар ҳосил қилиш босқичида якуний иш ҳисобланмиш лексиканинг қўлланилиш даражасига эришишдан иборат. Ушбу кичик мавзу номида ишлатилган “қўлланилиш/қўллаш” терминлари сўзнинг репродуктив ва рецептив нутқда келиши маъносини ифодалайди. “Қўллаш” дейилса, “фикр баён этиш” назарда тутилади, “таниб олиш” тушунчаси эса “ўзга шахс нутқини идрок этиш” билан боғлиқ. Қисқаси, “қўлланилиш” деганда, лексик бирликларнинг нутқ фаолиятининг тўртта турида ҳам ишлатилиши тушунилади.

Лексикани нутқий машқларда қўлланилиши кўникмани ҳосил қилишда якуний тадбир ҳисобланиб, ўрганилган ва маъноси тушинилган янги сўз нутқда фаол ишлатила бошлайди ҳамда кўникмани малакага айланиши қузатилади. Кўникмани малакага айланиш жарайни онг иштирокисиз амалга оширилади.

Энди ўқувчи ўқитувчи ёрдамисиз сўзни нутқда мустақил ишлата олишни ўрганади. Сўзни эсда сақлаш муддати (руҳшуносликда “қўлланишнинг латент даври”) такрорлаш орқали эришиладиган методик ҳодисадир. Тил ўрганувчи исталган сўзни бамайлихотир нутқда ишлата билса, латент даври таъминланган ҳисобланади, уни пухта ўзлаштирилган, деса бўлади.

Фикр баён этиш ва тушунишда ўқувчи сўзни bemalol қўлласа ёки таниб олса, бу лексик кўникма шаклланганлигидан далолатdir. Бундай даражага лексик ва нутқ машқларини бажариш орқали эришилади.

Ўзлаштирганлик қўрсаткичи лексикани нутқда эркин қўллай ёки таний олишдан иборат. Эгаллаш (ўзлаштириш) кўникма даражасида билиш демакдир. Оддий “билиш” деганда, сўз маъносини ёдда сақлаш ёки шаклини таниб олиш ҳолати қўзда тутилади. Билишнинг оқибати – эгаллаш, яъни тил бирлигининг нутқда қўлланилиши демакдир.

Лексикани эгаллаганликни назорат қилиш эса атайн суриштириш, маҳсус сўраш билан эмас, мавзу ёки ўқув нутқий вазиятлар юзасидан гапирганда, ўқиб/тинглаб тушунганда ўқувчининг лексик кўникумасини текшириш учун етарли шароит туғилади.

Инглиз тил лексикасини ўрганишдан мақсад нутқий мулоқот юритиш бўлишига қарамай, танишиш (презентация, тақдимот) ва машқ қилиш (тренировка, фаолизация) даврида лексик бирлик услида ишлаш бирламчи вазифа эди, қўлланилиш босқичига чиқилганда, нутқ бирламчи, лексика эса восита, яъни “қурилиш материали“ сифатида нутқий хизмат қиласи. Бинобарин, лексик кўникумаларнинг нутқ малакалари таркибига кириши табиий ҳолдир.

Инглиз тили ўқитиши методик манбаларида машқларнинг нутқ фаолияти турига мувофиқлиги масаласи қатор муаллифлар томонидан атрофлича ёритишга ҳаракат қилинган. Ушбу масала бўйича И.А.Грузинская ўз методик фикрини билдирган, у матнни эркин тушуниш учун сўз бойлигини мустаҳкамлаб олишнинг турли усуллари борлигини изоҳлашга ҳаракат қиласи. Амалда эса унинг бу фикри ишлаб чиқсан машқлар системасида ўз тасдигини топмади, чунки И.А.Грузинская тавсия этган машқлар тизимини нотўғри талқин қиласи. Масалан, унинг сифатларнинг отлар билан қўлланиси машқларидан нофаол луғатни ўзлаштиришда фойдаланиш ҳақидаги илмий фаразларида методик аниқлик етишмайди [137].

Методист олим И.В.Рахманов эса лексикани ўзлаштиришда репродуктив ва рецептив машқларнинг бир-биридан туб фарқларини изоҳлаб берди. Сўзни ўзлаштириш жараёнида уларни хотирада қайта тиклаш ҳамда нутқ фаолияти турларида қўллай олиш кераклигини уқтиради. Оғзаки машқлар ўтказиш орқали фаол луғатни ўзлаштириш муҳим эканлигини таъкидлайди. Сўзларни эсда кўпроқ сақлаб қолиш мақсадида уларни овоз чиқариб ва овозсиз ўқиш зарурый амаллардан биридир [56].

Тадқиқотчи Н.А.Берман эса сўзларни пухта ўзлаштириб олиш босқичларини аниқлашга уринган: биринчиси, сўзни тушунтириб бўлгандан кейин фаҳмлаб олиш даражаси ва сўз маъносини тушунганликни назорат қилиш; иккинчиси, матнни ўқиш жараёнида

янги сўзни топа билиш, тушунганликни текшириш учун контекстда бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш; учинчиси, сўзларни пухта эгаллаш учун машқ бажариш; тўртинчиси, фаол луғатни ўзлаштириш мобайнида уларни тез-тез такрорлаб туриш [56].

Аммо бу босқичлар илмий жиҳатдан етарлича асослаб берилган, дея олмаймиз. Чунки иккинчи босқич билан учинчи босқич орасидаги фарқ деярли сезилмайди, чунки сўзлар маъносини илғаб олиш ва ушбу сўзни хотирада сақлаш учун унинг фарқини бошқа сўзлардан ажратса билиш муҳимдир.

И.В.Рахманов машқларнинг турларини аниқлаш ҳақида ўз методик фаразларини тарғиб қиласди. “Тур” талқини борасида фикр юритиб, сўзни ўзлаштиришда юз берадиган методик жараён ёки шунга мос тарзда бажариладиган методик вазифа эканлигини таъкидлайди. Бинобарин, тушуниб олиш, эсда сақлаш ва таниб олиш машқлари пассив луғатни билиб олиш учун бажариладиган машқлар-услубий тизим талаба фаолияти билан бевосита боғлиқ эканлигини исботлади. Масалан, гапнинг бўш қолдирилган жойларини тўлдириш машқлари бу тизимда асосий ўринга қўйилган. Машқлар тизимини яратишда нутқ фаолияти турлари ва тил материалини ўргатиш нуқтаи назаридан келиб чиқиш ва муайян ҳажмда таржима машқларига ўрин бериш методикада ҳамон мунозарали бўлиб қолмоқда.

Машқлар ҳақида юқорида баён этилган ва бошқа мавжуд илмий мулоҳазаларни шартли равишда умумлаштириш мумкин. Тил материалига оид машқларга қўйиладиган методик талаблар аниқланган:

1. Ўрганилаётган тилнинг у ёки бу лисоний шаклини аниқлаш;
2. Ўқувчининг инглиз тили ва ўзбек тилини билиш даражасини хисобга олиш;
3. Тил материали устида ишлаш чоғида талабада содир бўладиган психик жараён (диққат, хотира, тафаккур)ларни эътиборга олиш;
4. Тил материалининг оптималь тақсимотини таъминлашга эришиш;

5. Материал тақдимотида изчилликка амал қилиш: а) машқларда тил фактларининг бир-бири билан боғланишини тадрижий эгаллаш, б) янги материалнинг ўрганилган материал билан узвийлиги; в) машқларнинг қийинчилигини белгилаш, тил машқларидан нутқ машқларига ўтиш кабилар.

Машқлар тизимини яратишда энг муҳим мезонлардан бири ўрганилаётган тилда нутқий мулоқот юритишга мўлжаллангандикдир. Шунга кўра тил ва нутқ машқлари тизими методикада атрофлича муҳокама қилинган. Бундай номланиш И.В.Рахманов томонидан амалга оширилган. Бизнингча, бундай методик хулоса Ф.де Соссюрнинг “тил ва нутқ” дихотомиясига асосланган.

Методикада тил ва нутқ машқлари орасида “нутққача бўлган машқлар” термини ҳам қўлланади. В.А.Бухбиндер **информацион, операцион ва мотивацион машқлар** тизимини яратишни маслаҳат берган. Бу ёндашув, фикримизча, психолингвистиканинг сўнги ютуқларига таянган ҳолда юзага келган [56].

Ўзбек методист олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг қўрсатишича, машқларнинг **шакллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи** турлари аниқланган. Юқориадигилардан ташқари аналитик/синтетик/коммуникатив/нокоммуникатив турдаги машқ турлари ҳам фанда маълум [122; 133].

### **Инглиз тили ўқитишида қўлланиладиган машқлар тизими таснифи**

#### **2.10-жадвал**

<b>Машқлар тизими таснифи</b>		
<b>И.В.Рахманов</b>	<b>В.А.Бухбиндер</b>	<b>Ж.Ж.Жалолов, Х.Сайназаров</b>
тил ва нутқ машқлари	информацион, операцион ва мотивацион машқлар	шакллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи

Тил машқлари ўқувчиларнинг ўрганилаётган тилда дастлабки кўнишка ва малакаларни эгаллашларига йўналтиради. Тил машқлари нокоммуникатив характерга эга бўлиб, нутқ машқларини бажаришга асос вазифасини ўтайди. Нутқ машқлари тайёрланган ва тайёрлан-

маган бўлади. Тайёрланган нутқдан тайёрланмаган нутқка ўтиш тилни амалий эгаллашнинг ягона усулидир.

Нутқ фаолияти юритиш мақсадида формал таянч машқларидан фойдаланиб келинади. Бу ўқилган матн контексти доирасида монолог ва диалог шаклларда гапириш, ёзма фикр баён этиш машқларини бажариш демакдир.

Таниқли методистлар М.Валтер, Х.Палмер, А.С.Хорнби, Ч.Фриз, Р.Ладо ўз фаолиятларида инглиз тил ўрганиш машқлар типологиясининг хусусиятларига бевосита боғлиқлигини исботлашган. Х.Палмер, Ч.Фриз қўлланмаларида машқларнинг нисбатан мукаммал вариантлари ишлаб чиқилган.

Барча таниқли методистлар инглиз тилда бажариладиган машқлар хусусида илмий мулоҳазалар билдиришган ёки яратган қўлланмаларида амалий ишларни бажаришган. И.А.Грузинская, юқорида таъкидлаганимиздек, бу соҳада дастлабки қадам қўйгандардан биридир.

М.А.Бахарева эса машқлар тизими бўйича И.А.Грузинскаядан фарқли равишда машқларнинг бир тури “тўлиқ фикрни ифодалаш”ни тавсия қилган. И.Д.Салистра машқларнинг уч турини ўрганган. Улар: 1. Бирламчи ёки дастлабки (феълнинг тусланиши, отнинг турланиши); 2. Нутқ олди; 3. Ёзма ва оғзаки нутқни тушуниш ва ўз фикрини баён қилишни методик муомалага олиб кирган. Б.А.Лапидус фикрича, тил материалини эгаллаш биринчи босқич, уни нутқда қўллай олиш иккинчи босқичдир [122; 133].

Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш машқларининг роли, ўқув жараёнига татбиқ этиш, таржима машқларининг турлари кабиларни замондош методистларимиз муфассал тадқиқ этишган.

Энди машқларни бажаришни ўргатиш муаммосига қисқача тўхталамиз. Машқлар дедуктив (умумийдан хусусийга йўналган) ёки индуктив (хусусийдан умумийга) йўл билан бажарилади.

Дедуктив усулда талаба таъриф, хulosा, қоида ва хукмлардан, яъни тақдимот босқичидан машқ қилиш босқичи томон боради, кўникма шакллангач, уни мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади, лингводидактика терминологияси билан ифодалаганда, қоида-

кўрсатма ёки инструкция орқали нутқий кўникма ҳосил қилинади. Бу тилни идрок этиб (рецептив) тушуниш жараёнига хосдир. Индуктив усулда эса ўқувчи мисол, воқеа, тажрибалардан, методик таъбир билан айтганда, қоида-умумлашма томон боради, яъни билим эгаллаш меҳнат орқали қўлга киритилади. Ўқувчи индуктив усулда инглиз тилни репродуктив тарзда ўрганади.

Машқларни ва умуман инглиз тилини ўрганишда шаклдан маънога (рецептив), ва маънодан келиб чиқиб, унга мувофиқ шаклни излаш (репродуктив) тамойилига риоя қилинган. Инглиз тили ўргатиш психологияси маълумотлари бундай методик тезисни фаолият назарияси нуқтаи назаридан тасдиқлайди, зеро нутқни содир этиш (репродукция) ва уни идрок этиш (рецепция) кодлари турлича амал қиласиди.

Янги лексик бирликнинг маъносини очиш (семантизация) чоғида қўлланиладиган методик усуллар сўзнинг хусусияти, фаол/пассив лексикага оидлиги, таълим босқичи ва ўқувчилар савияси, сўзни таништириш тури (оғзаки ёки ёзма) каби методик тамойилларга асосланилади.

Лексиканинг қўлланиши кўникма ҳосил қилишда охирги босқич бўлиб, маноси очилган ва нутқда ишлатила бошлаган сўзни нутқ жараёнида ишлатиш, яъни кўникмани малакага ўтиш давридир. Мазкур босқичда ўқувчи сўзни нутқда мустақил ишлата олишни ўрганади. Ўзлаштирганлик кўрсаткичи лексикани нутқда эркин қўллай олиш ёки таниб олишдан иборатдир. Фикр баён этиш ва тушунишда ўқувчи сўзни bemalol қўлласа, ёки таниб олса, бу лексик кўникмаларни шаклланганлигидан далолат беради. Ўзлаштирганлик кўрсаткичи лексикани нутқда эркин қўллаш ва таниб олишдан иборатдир.

Инглиз тилни амалий ўрганиш жараёнининг ўзи машқлар бажаришдан иборатдир. Машқнинг таркибий қисмлари методик адабиётларда машқ талаби ва машқ материали номи билан юритилади. Ўз навбатида машқ кичик йифиндилар системасидан иборат бўлиб, улар нутқ фаолияти турлари ва тил материаллари машқларига бўлинади.

Машқ терминига кўплаб таърифлар берилганлигига қарамай, ушбу термин бўйича ҳанузгача тортишувлар мавжуд. Машқ системаси, унинг таркибий қисмлари бўйича тадқиқотчилардан И.В.Рахманов, В.А.Бухбиндер, Н.И.Гез, М.С.Ильин, Ж.Ж.Жалолов, И.М.Берманлар илмий изланишлар ўтказганлар. Ушбу изланишлар лингвистик, психолингвистик ва дидактика соҳалари нуқтаи назаридан ўтказилган.

В.А.Бухбиндер машқ терминини, тил материалига доир билимларни ўрганиш, лексик, грамматик, талаффуз бирликларини озғаки ва ёзма нутқда фаол ва хатосиз қўллаш деб тавсифлаган.

Машқда такрорлашлар орасидаги вақт кишини чарчатадиган даражада қисқа бўлмаслиги ва аксинча, жуда узоқ ҳам бўлмаслиги керак. Машқлар, одатда, мактабда ҳар бир ўқув фанида, синфдан ва мактабдан ташқи ишларда ўтказилади. Мактабда машқлар ўқувчиларни мустақил ишлашга, ижодий қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради.

Машқ режа асосида ташкил қилинган, қайта бажариладиган (ақлий ва амалий) ҳаракат бўлиб, унинг мақсади ҳаракатни эгаллаш ёки сифат даражасини кўтаришга қаратилади. Машқ таълим жараёнида муҳим ўрин эгаллайди, чунки унинг асосида бирор фаолиятни эгаллаш, қўникма ва малакаларни ривожлантиришга эришилади.

Машқларнинг самарадорлиги уларни ташкил қилиш методларида боғлиқ. Бирор ҳаракатни мақсадсиз такрорлаш муайян кўникмани шаклланмаслигига ҳам олиб келиши мумкин. Муайян ҳаракат, албатта, маълум талаблар асосида бажарилсагина унинг сифати юқори бўлади. Машқларни бажаришда қонун-қоидаларга амал қилиниши, йўл қўйилган хатоларни олдини олиш йўл-йўриқларини билиш талаб этилади. Бундан ташқари машқ ўрганувчи ҳаракатларни бажаришга доир кўрсатмалар ва бажарувчини ўзи назорат қилиши талаб этилади.

Машқлар самарадорлигини ошириш учун оддийдан мураккабга томон ҳаракат қилиш лозим. Машқнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уни кўпроқ таълим ва тарбия жараёнида қўлланишидир.

Методист-олим И.Д.Салистра фикрича, машқлар муайян тарзда ташкил этиладиган ва қайта-қайта бажариладиган, уни эгаллаб олишга ҳамда бажариш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган ақлий ҳаракат тушунилади.

Инглиз тили ўқитиш методикасида машқлар системасини турлича номланишини ҳам кузатиш мумкин. Таниқли методистлардан И.В.Рахманов инглиз тили ўқитишида машқларни тил ва нутқ машқларига ажратган ва мазкур масалани лингвистик нуқтаи назардан ўрганган.

В.А.Бухбиндер машқлар тизимини психолингвистик нуқтаи назардан ўрганган ва машқларни информацион, операцион ва мотивацион машқлар эканлигини уқтириб ўтган. Информацион машқлар билим олишга доир, операцион машқлар эса тил материалини эгаллашни, мотивацион машқлар оғзаки ва ёзма фикрни ифодалашда бажариладиган машқлар тарзида тушунилган.

Ўзбекистонда ҳам машқлар тизимини тадқиқ қилишга доир бир қанча илмий ишлар бажарилган. Мазкур тадқиқотда инглиз тили машқлар системасини дидактик нуқтаи назардан шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи машқ турларига бўлиниши аниқланган.

Илмий тадқиқотларда машқнинг – динамик ва статик томони мавжудлиги баён этилган. Статикадаги машқ деганда, инглиз тил қўлланма ва дарсликларида муайян рақам ёки ҳарф билан белгиланган ёки маҳсус ажратиб кўрсатилган икки қисмдан иборат дарс таркибини ташкил этадиган ўқув-методик категория тушунилади.

Статикадаги машқ қисмлари методик адабиётларда машқ талаби ва машқ материали деб юритилади.

Динамикадаги машқ ўқувчи бажарадиган амал (ҳаракат), яъни ҳарф ёзиш товушни талаффуз этишдан тортиб, матнни идрок этиб тушуниш ва ўз фикрини баён этишгача бўлган амални ўз ичига олади.

Машқларнинг статик кўриниши дарсликларда (машқ сарлав-ҳасида) баён этилиб, дарслик муаллифлари томонидан яратилади. Машқнинг динамик томонида эса ўқувчиларни нутқ кўникма ва

малакаларини эгаллаш йўлидаги амалий хатти-ҳаракат ва фаолиятлари назарда тутилади.

Тил материалига доир машқлар ўз навбатида рецептив ва репродуктив тил материалига оид машқларга бўлинади. Рецептив тил материалига оид машқлар ўзга шахс нутқини идрок этиб тушуниш (ўқиши ва тинглаб тушуниш)да, репродуктив тил материалига оид машқлар эса инглиз тилда фикр баён этиш (гапириш ва ёзув)да қўлланади. Тадқиқотимизда рецептив ва репродуктив машқлардан намуналар беришни лозим топдик: (1) муаллим инглиз тилда айтаётган ҳаракатни бажариш; (2) янги сўзни мавзуга оид бошқа сўзлар билан тинглагандага, таниб олиш; (3) айтилган сўзларни мавзуларга тегишилисини топиш; (4) икки жумлада айтилган маънодош сўзларни она тилида фарқлаш; (5) эшитилган сўзларни сўз туркумларига ажратиш; (6) сўзларни алфавит тартибида ёзиш; (7) гапларда кўп маъноли сўзларни таниб олиш; (8) она тили ва инглиз тилда бир ўзакли сўзларнинг маъносини луғатдан текшириб кўриш; (9) сўз иштирокида ясалган бирикмаларни топиш; (10) матнда белгиланган/ажратиб кўрсатилган сўзларни она тилига ўгириш; (11) берилган таянч сўзлар иштирокида ёзма/оғзаки фикр баён этиш; (12) матнда бўш жойларни тўлдириш; (13) нутқий вазиятда грамматик ҳодисани эркин қўллаш; (14) қийин грамматик ҳодисани ўз ичига олган жумла (абзац)ни таржима қилиш; (15) товушлар бирикмасини қайтариш (сўз боши, охирида ва ичида); (16) унлилар (ундошлар) оппозициясини айтиш. Олдин унлиларни (ундошларни) алоҳида сўнгра сўзларни айтиш ва ҳ.к.з.

Нутқ фаолиятига оид машқларни ўзлаштириш деганда, кичик ҳажмдаги содда (сўз, сўз бирикмаси, гап) бирликлардан тортиб йирик мураккаб матнларгача бўлган ҳодисаларни ўз ичига оладиган машқлар бажариш жараёни тушунилади.

Нутқ фаолиятига оид машқлар ҳам икки гурухдан иборатлиги методик адабиётларда баён қилинган: тайёрлов ва нутқ машқлари. Тайёрлов машқларида тил материалига оид кўникмаларни шакллантириш назарда тутилади, тил ҳодисаларининг шаклий (формал),

маъновий (семантик), қўлланиш (функционал) томонлари ўрганилади.

Тайёрлов машқлари нутқий фаолиятнинг дастлабки босқичи бўлиб, тил ҳодисаларига оид кўникумаларни шакллантиришга қаратилган машқлардир.

Нутқ машқлари эса коммуникатив (мулоқот) вазифасини бажариб тил ҳодисаларини эркин қўллаш, нутқ фаолиятига оид малакаларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлади. Тадқиқотда тилга оид машқлардан намуналар келтирамиз: (1) таниш ўзаклардан ясалган янги сўзларни тинглаш ва таржима қилиш; (2) тайёр жумлаларни тинглаш ва қандай нутқ вазиятида қўлланишини айтиб бериш; (3) икки-уч марта қисқа жумлаларни тинглаш ва улардан гап тузиш; (4) диалогнинг бошланишини эшитиш, жуфт бўлиб уни давом этиш; (5) якканутқ шаклидаги матнни тинглаб ёки ўқиб жуфтнутқقا айлантириш; (6) якканутқ матнини ролларга кириб айтиш; (7) матн мазмунини қисқача ва ўз сўзи билан гапириб бериш; (8) хикоянинг энг муҳим жойини аниқлаш ва асослаш; (9) матн мазмуни билан танишиш; (10) матн мазмунини навбатма-навбат айтиш; (11) тушунганликни текшириш учун матннинг айрим жойларини ёки тўлиқ ёзма таржима қилиш; (12) савол-жавоб машқини бажариш; (13) сўз бирикмаларини ўқишиш; (14) микроматнни ўқишиш; (15) фалон товушни ифодаловчи ҳарфларни ёзиш; (16) матнни кўчириб, ундаги товуш ва ҳарф миқдори мос келмайдиган сўзларнинг тагига чизиш; (17) ўхшаш морфемали сўзларни матндан кўчириш; (18) фалон товушни ўз ичига оладиган сўзларни (қирқма алвафитдан фойдаланиб) тузиш.

Инглиз тилида машқлар оғзаки ва ёзма усулда бажарилади. Оғзаки машқ диалог ва монолог машқларига, оғзаки бажариладиган лексик, грамматик, талаффуз машқларига бўлинади. Ёзма машқлар эса фикрни ёзувда ифода этишни ва ёзишни ўргатишга бағишиланади.

Тадқиқотчилардан М.В.Ляховицкий машқлар тузишда қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим эканлигини таъкидлайди: (1) машқлар системасида узвийлик тамойилига риоя қилиш; (2) машқлар тузишда она тилини ҳисобга олиш; (3) машқ материалиини

танлашда илмий асосда ёндашиш; (4) машқлар системасининг нутқий (коммуникатив) йўналтирилганлиги; (5) инглиз тил ўқитиши босқичларини ҳисобга олиш; (6) ўқувчи (талаба) тил тажрибасини ҳисобга олиш; (7) ўқитиши мақсадларини ҳисобга олиш; (8) ўқувчи (талаба) ёш хусусиятларини ҳисобга олиш [56; 122].

Инглиз тили лексикасини ўрганишда нутқ бирламчи, лексика эса восита вазифасини бажаради. Юқоридаги билдирилган фикрлар асосида 5 – 6-синфлар инглиз тили таълимида лексикани ўргатиш бўйича қўйидаги хуносаларни чиқариш мумкин:

1. 5 – 6 синфларда инглиз тили лексикасини ўргатиш нутқ фаолияти турларини эгаллаш воситаси сифатида талқин қилинади;

2. Инглиз тилига ажратилган вақт (соатлар)нинг чегаралангани муносабати билан лексик минимум муайян методик тамойиллар асосида танлаб олинади.

3. Лексик минимумни танлаш ўқитиши мақсадларига бўйсундирилади.

4. Лексик минимумни танлашда ўқув юрти тури, жумладан, ўрта умумтаълим мактаблари 5 – 6 синфларда инглиз тили ўқитиши хусусиятлари инобатга олинади, жумладан фаол лексик минимумга алоҳида эътибор берилади.

5 – 6-синф ўқувчиларига инглиз тилини самарали ўқитиши, чет тилни хусусан, инглиз тилини А2 даражада ўрганувчилар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, ҳамда ахборот технологияларининг сўнгги ютуқлари натижасида интерфаол инглиз тилини ўргатиш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти томонидан 2012 йил 10-декабрда қабул қилинган ПК-1875-сонли қарорига биноан, 2013 йил умумий ўрта таълим босқичи учун Давлат таълим стандарти ва мазкур давлат таълим стандартига мувофиқ, янгиланган Умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тилидан ўқув дастури (I – IX синфлар) ишлаб чиқилган. Булар албатта “Чет тилни эгаллашнинг умумевропа стандарти: ўқитиши, ўрганиши ва баҳолаш” (CEFR) халқаро хужжат намуналари асосида таълим тизимининг ўзбек моделига мослаштирилди.

Айни дамда давлат умумтаълим мактабларида 5-синфларда янги таҳрирдаги “Fly high 5” (Pupil’s book/Work book), 6-синфларда “Teens’ English 6” (Pupil’s book/Work book) ҳамда мультимедиали ўқув ресурс мажмуаларидан фойдаланилади. Инглиз тилини ўргатиш учун яратилган мазкур дарсликлар бир қатор ижобий афзаликкларга эга. Уларда ўқувчининг коммуникатив фаолияти (communicative activity)га кенг эътибор берилган ҳамда мавзуни мустаҳкамлаш учун берилган кўпчилик машқларда иллюстратив расмлардан фойдаланилган. Мазкур иллюстратив ўқув материаллари нутқий, тил, социолингвистик ҳамда прагматик компетенцияларни шакллантиришга ижобий хизмат қиласи.

Чет тил ўқув предметига оид Давлат таълим стандартида ўқув фаннинг мақсади ва вазифалари – Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилни ўқитишининг асосий мақсади тил ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилда коммуникатив компетенцияни (лингвистик (нутқий, тил), социолингвистик, прагматик) шакллантиришдан иборатлиги таъкидланган. Дастурий талабларга биноан, умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиши иккита босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич (the first stage) CEFRнинг A1 “Куртаклаш босқичи” (Survival level) даражаси I – IV синфларда шакллантирилади. Иккинчи босқич (the second stage) A2 “Бўсаға олди босқичи” (Wastage level) V – IX синфларда шакллантирилади [3].

Тадқиқот обьекти сифатида белгиланган синфлар дарслик мажмуаларида қуидаги асосий мавзулар орқали инглиз тили ўргатилади:

5-синфлар “New Fly high 5” ўқувчи китоби жами 13 та бўлим (Units), ҳар бир бўлимга тегишли 5 та кичик мавзу (titles) ва 1 та лойиҳа иши (project) ва қўшимча мустаҳкамлаш бўйича мавзу (topics)лар берилган. Биринчи бўлим (Unit 1.) All about me” (Ўзим хақимда) деб номланиб, қуидаги кичик мавзуларни ўз ичига олган. 1. My favorite things (Севимли машғулотларим), 2. I have two sisters (Менинг иккита синглим), 3. Who I the youngest (Ким энг ёши...),

4. Where are you from (Қаердансиз...), 5. What's your address (Адресингиз қандай), 6. Project (лойиха иши).

Юқоридаги мавзуларни мустаҳкамлаш бўйича қуидаги мавзу (Topics)лар берилган: Personal information (Шахсий маълумотлар ёзиш тартиби). 2. Families (Оилалар). 3. People's ages (Кишиларнинг ёши). 9. Countries, cities, hobbies (Мамлакатлар, шаҳарлар ва қизиқишлир). 10. Telephone numbers (телефон раҳамлари), “Unit 2. At home and at work”, “Unit 3. What do you look like”, “Unit 4. My school life”, “Unit 5. I like English do you?”, “Unit 6. In the classroom” “Unit 7. My day”, “Unit 8. Things I like”, “Unit 9. Furry friends”, “Unit 10. Wildlife”, “Unit 11. Seasons”, “Unit 12. What's the weather like?”, “Unit 13. Spring holidays”.

6-синфлар “Teens' English 6” жами 13 та бўлим (Units), ҳар бир бўлимга тегишли 5 та кичик мавзулар ҳамда ҳар бўлимда проект иши вазифаси мавжуд. Бўлимлар қуидагича номланган. “Unit 1. Work and family. Unit 2. Houses and homes. Unit 3. At the grocery. Unit 4. At the market. Unit 5. Birthday. Unit 6. Life in the past. Unit 7. Cooking. Unit 8. At the table. Unit 9. Round the world in 14 days. Unit 10. Geography and pollution. Unit 11. Nature and climate. Unit 12. The world of fairy tales. Unit 13. Learning Review. Ушбу бўлимдаги мавзуларда ўқувчилик лингвистик, социолингвистик, прагматик компетенцияларни эгаллашларини инобатга олиб, амалий машқлар бажарилади. Ушбу машқларда нутқ фаолиятини комплекс эгаллашга оид ёзма, оғзаки ва проект иши вазифалари махсус бажарилади. Ушбу машқлар чет тил таълимини самарали ташкил қилишга ёрдам беради. Фикримизча, дарслик материалларида бажариладиган амалий машқлар миқдори кам берилган. Мавзуларга оид аксарият материаллар мультимедиал ўқув ресурсда акс этган. Методик талабларга биноан, амалий машқлар асосан дарслик материалларида бажарилиши мақсадга мувофиқ. Электрон ўқув ресурслардаги операцион машқларда эса, нутқ малакалари мустаҳкамланиши лозим. Ушбу синфларда дарсликнинг ҳар бир кичик мавзусида “Listen and the sing” машқи берилган. Бу ерда ўқитувчи мультимедиал иловадан фойдаланади. Ўқувчиларга биринчи синфлардан

инглиз тилини ўргатишда айнан ашуалардан фойдалиб келинган. Амалга оширилган тажриба-синов ишларида ушбу амал самарасиз эканлиги кузатилди. Шунингдек, юқорида қайд қилинган дарслик намуналарида осондан қийинга қараб бориш тамойилига амал қилинмаган. Электрон ўқув ресурслардаги ўқув материаллар ҳам ўқувчилар учун содда яратилган.

5 – 6-синфларда амалий мақсад тинглаб тушуниш ва гапиришни қамраб олади. Демак, тинглаб тушуниш ва оғзаки нутқ амалий мақсад бўлар экан, ўрганилмиш янги лисоний бирликлар, дарслик мавзуларида, ўқитувчи нутқида ифодаланади ёки мултимедиал ўқув ресурсларда тақдим қилинади. Сўнгра ўқувчилар оғзаки нутқида ҳам етарлича машқ қилинади.

Мамлакатимизда янги таҳирдаги дарслик мажмуаларига биноан 5-синфлардан инглиз тилини ўқитиши 2017/18 ўқув йилидан амалга оширилди. Мазкур дарслик “New Fly High 5” ўқувчи китоби, (иш китоби илова қилинади) мультимедиал ўқув ресурс ҳамда ўқитувчи китобидан иборат. Ушбу дарслик мажмуалари айни дамда умумий ўрта таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда қўлланилмоқда. Ундаги танланган бўлимлар, ўқув мавзулари дастур талабларига мувофиқ бўлиб, самарадор инглиз тилини ўзлаштириш технологиялари, расмли тасвирлари, мультимедиал ўқув машқлари билан бир қатор ютуқларга эга ҳамда ўқувчиларнинг талаб қилинган компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Чет тил ўқув предметини ўқитишда осондан мураккаблаб бориш тамойилига амал қилиш керак. Мавжуд 5-синфларда инглиз тили ўқитишига тегишли дарсликларда ушбу тамойил кам инобатга олинган. Амалдаги 5-синфларга мўлжалланган янги дарслик мажмуасида эски таҳирдаги “Fly High 5” дарслик мажмуаси ўқув материалларидан кенг фойдаланилган. Чунончи, 2013/14 ўқув йилидан инглиз тили биринчи синфлардан ўргатилиши муносабати билан, 5-синфдан мавзулар, материаллар, технологиялар ва машқлар кенгайиб бориши керак. Шунингдек, ўқувчиларнинг мустақил, эркин, мантиқий ҳамда танқидий фикрлаш қобилияtlари ривож-

лантирилиши, уларнинг маданиятларо муроқот диалогида иштирок этишга ундейди.

5-синфлардаги ўқувчи китоби биринчи бўлимда “Unit 1. All about me” қуйидаги мавзулар мавжуд. “Lesson 1. My favourite things” дарсида “Listen and repeat; Play my name is Aziz; Look, read and write about Aziz; Work in pairs. Ask and answer; Play two things about me; Play “Interview” топшириқли машқлар берилган. Тажриба-синов жараёнида олинган саволномаларда ўқувчилар мавзуга оид иллюстратив материаллар янги мавзуни ўзлаштиришда зерикарли эканлигини билдиришди. Бўлимдаги расмларда кўрсатилган лексик бирликларни ўқувчи ўқиши жараёнида ўрганганлиги туфайли расм эмас, сўзларнинг рўйхатини келтириш маъқул. Натижада, бундай амаллар ёрдамида ўқувчиларнинг инглиз тилига қизиқишини орттиришга имконият яратилган бўлар эди. Мультимедиал ўқув ресурс материаллари ўқувчиларга қизиқарли бўлганлиги учун, қўшимча ўқув материаллари киритиш тавсия қилинади. Жумладан, мавзуга бевосита оид мустаҳкамловчи машқлар миқдорини кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Бундай мустаҳкамловчи машқлар ўқувчиларнинг нутқий малакаларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

“Lesson 2. I have two sisters” дарсида “Sing the song; Play I have a sister. Her name’s Kamila; Read and complete; Work in pairs. Point and say” машқларидан фойдаланилган. Дарс мавзусига оид янги лексик бирликларни қўшиш, ўқувчилар учун янги мавзуни ўзлаштиришда матнни кенгайтириш ва оила ҳақида кўпроқ қўшимча маълумотлар бериш мақсадга мувофиқ. Коммуникатив-кумулятив методдан фойданиб, инглиззабон мамлакатлар оиласарига оид янги маълумотлардан иборат қўшимча кичик матнлар ва уларга оид машқлар тўплами киритилса мақсадга мувофиқ. Масалан, оила аъзолари билан яхши кўриб бажариладиган машғулотлар, бирга тановул қилинадиган таомлар, оила аъзолари билан театр, цирк томошаларига ташриф буориш кабилар. Ушбу дарсда ўқувчиларда соцолингвистик компетенцияни ривожлантириш учун “About my family and friends” мавзусидаги 5-синфлар учун тадқиқотимизнинг

амалий натижалари сифатида яратилган мультимедиал ўкув ресурс мәтериалидан фойдаланиш тавсия қилинади. “Lesson 2. Who is the youngest” Ушбу дарс мавзусида сифат даражалари ўргатилади. Сифат даражалари ўкув дастурининг инглиз тили грамматик минимумида 3 – 4 синфларда ўргатилиши ҳамда сифат даражаларини умумлаштириш 6-синфларда амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, ўтган оддий замон (Past Simple tense)га оид мустаҳкамловчи машқ берилган. Фикримизча, 5-синфдан грамматик минимум қоидалари алгоритмик усул билан берилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу методик назарияга таяниб, мавзулар ичида лисоний бирликларни мустаҳкамлашга эътибор бериш тавсия қилинади. “Lesson 4. Where are you from” мавзусида норасмий хат ёзиш ўргатилади. Шунингдек, от ва отларда кўплик қўшимчаси эслатма (Remember) сифатида тақдим қилинган. Мазкур дарс учун ажратилган машқлар миқдорини от ясовчи суффикслар “-er, -or”ларни ўргатилишига оид қўшимча машқлар билан кўпайтириш тавсия қилинади ва инглиз тилида мактаб ҳақида яқин қариндошига хат ёзиш вазифаси берилиши мақсадга мувофиқ. Иш китобида (93 бет) “Choose a letter and write an answer” машқи уйга вазифа тарзида берилган. Бироқ, ўкувчи учун қандай хатни танлаш ва саволлар берилмаган. Ушбу машқни бажариш тушунарли бўлиши учун “Read, write and complete the letter about yourself” топшириғи берилиши тавсия қилинади. Мазкур дарсда ўкувчиларнинг нутқий ҳамда социолингвистик компетенцияни ривожлантириш учун “Daily routines” мавзусидаги 5-синфлар учун яратилган мультимедиал ўкув ресурс мәтериалидан фойдаланиш тавсия қилинади. “Lesson 5. What is your address?” дарси 1-машқда “Sing the song” топшириғи мавжуд. Унда бўлимда берилган ашула (I have a granddad) мустаҳкамланади, 2-машқда “Look, read and complete” машқида Азиз Абдуллаев автобиографияси берилган, машқда ўкувчи учун “complete” топшириғига оид ўкув мәтериалига оид вазифа дарсликда берилмаган. Қайд этиш жоизки, ўкувчи учун инглиз тилини ўрганиш жараёнида конкрет топшириқлар бериш ва уларни бажаришда тушунарли вазифалар бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу дарсда ўкув материални

ҳаёт билан боғлаш, прохимал ривожланиш тамойилларини инобатга олиб, қўшимча технологиялардан фойдаланиш тавсия қилинади. Талаффуз материалларини мустаҳкамлаш учун биз амалга оширган тадқиқот доирасида такомиллаштирилган мультимедиал ўқув ресурс иловадаги “Songs” бўлимидан фойдаланиш тавсия қилинади. Натижада, ўқувчилар инглиз тилида аниқ талаффуз қилишни, сўзлар ва гаплар урғусидан тўғри фойдаланишни фаол ўзлаштира олади.

“Unit 2. At home and at work” бўлими қуйидаги дарс мавзуларидан иборат. Lesson 1. They live in a.... . Lesson 2. What number is your house? Lesson 3. What’s your job? Lesson 4. Where do you work? Lesson 5. How do you go to...? “Lesson 1”да берилган “Goldilocks and three bears” эртагида “Look and say” топшириғи берилган. Мазкур эртакдаги воқеа ва образлар қайси мамлакат маданияти ҳаётидан олинганилиги хақида ҳам маълумот бериш афзал. “Goldilocks and Three bears” эртагида “Look and say” топшириғи ўрнига “Look and tell” бўлгани маъқул кўринади. “Listen and repeat” мустаҳкамловчи машқида қўшимча топшириқ “Listen, repeat and use” шаклида бўлиши маъқул. Ҳар қандай лисоний бирлик, нутқий компетенцияни эгаллаш учун ўзлаштирилади. Шунингдек, 2-мавзуу ўқув топшириклирига қўшима “Speak and write about your own family” оғзаки (гапириш), ёзма машқидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Коммуникатив тамойил билан бир қаторда касбга йўналтириш тамойилига юқори синфларда риоя қилинади. Бинобарин, ўқув дастурида 4-синф учун мўлжалланган мавзулар ва кичик мавзулар тақсимотида, касблар мавзуси, касблар номи, ўқувчининг ота-онаси касби ҳамда ўзи орзу қилган касбларни ўрганиши каби кичик мавзулар билан ўргатиш мақсад қилинади. Умумий педагогиканинг маълумотларига кўра, ўқувчиларни касбга тайёрлаш ёки уларга касбий йўналиш бериш муаммоси юқори синфлардагина қўйилиши мумкин. 1-, 5- ҳамда 6-синфларда ўзгаларнинг касби ҳақида фикр баён қилишни ўргатамиз. Масалан, “My father is a doctor, My mother is a teacher and others”.

“Unit 3. What do you look like” мавзуси 5 та кичик мавзулардан иборат. Улар қуйидагилар: Lesson 1. His hair is short and curly. Lesson

2. He is tall and thin. Lesson 3. My robot has... . Lesson 4. My family is... . Lesson 5. What is your address? Ушбу бўлим ва унинг таркибидаги кичик мавзулардан иборат. Фикримизча, ушбу бўлим мавзусини бугунги кундаги 5-синфлар учун ўрганиладиган мавзулар тақсимотидаги дастурий мавзулар ва кичик мавзуларга мувофиқлаштириш лозим. “His hair is short and curly” мавзуси расмлардаги Лена, Барно қиз ўқувчиларнинг соч турмаги мамлакатимиз ўқувчилари хулқига монанд бўлиши мақсадга мувофиқ. Лена, Барно, Алишер, Рома исмли ўқувчиларни тасвирлаш ҳақида мультимедиал иловада маълумотлар келтирилган. 3-кичик мавзуда роботларга тегишли маълумотлар фақат бир нечта сўз (геометрик шакллар)нинг маъносини очишга мўлжалланган. “My family is...” ва “What is your address” мавзуларидаги “Shahlo’s family” матнида ўзбек исмлари берилган. Ушбу матнга социолингвистик компетенцияни ривожлантиришга оид қўшимча элементлар киритиш тавсия қилинади. Жумладан, инглиз реалияларини қўпайтириш мақсадида, инглиз забон ўқувчиларнинг расмлари ҳам келтирилиши мақсадга мувофиқ. Геометрик шаклларни “Robot” билан бермасдан расмлар билан тушунириш ёки мультимедиал илова орқали акс эттириш маъқул. Мазкур бўлим мавзуларини самарали ўқитиш учун яратилган мультимедиал ўқув ресурс материалидан фойдаланиш мумкин. “Lessons – Shapes and colours; Songs – funny shapes” материалларидан фойдаланиш тавсия қилинади. Шунингдек, дарсликлардаги машқлар талабини ўқувчига тушунарли қилиб расмийлаштириш мақсадга мувофиқ.

“Unit 4. My school life” бўлими “Today is ...” кичик мавзусида ҳафта кунлари уларнинг номланиши, лисоний бирлик сифатида нотўғри феъллар, саволларга жавоб бериш ва мультимедиал ўқув ресурс материаллари орқали турли машқлар орқали ўргатилади. Иккинчи кичик мавзу “The third day is Wednesday”да саноқ ва тартиб сонлар тушунирилади. Учинчи мавзу уйга вазифа қилишга бағишиланади. Ушбу дарсда модал феъл “must-mustn’t” ҳақида маълумот берилади. Тўртинчи кичик мавзу яна ҳафта кунлари ва унда бажариладиган машғулотларга қаратилади. Фикримизча,

бўлим мавзусидан келиб чиқиб, ушбу дарсда мактаб ўқув ресурс хонаси яъни кутубхона ҳақида маълумотлар ҳамда ундан фойдаланиш этикети ҳақида маълумотлар, лисоний бирликлар рўйҳати берилиши ўқувчиларни ахборот ресурс маркази билан яқиндан танишишга ва уларни китоб ўқишига бўлган қизиқишлини янада ортишига ундейди. Бешинчи мавзу мактабдаги ўқув предметларини инглиз тилида ўрганишга бағишиланади. Унда сифатларнинг оддий даражаси ҳақида умумий маълумотлар берилади. Проект иши вазифаларини муаллим, ўқитувчи китобидан фойдаланган ҳолда мустақил бажарилишини тушунтириб боради.

“Unit 5. I like English do you?” бўлимида одатдагидай кичик мавзулар мавжуд. Уларда мактабда ўқитиладиган фанларнинг қайси бири қизиқарли ва зерикарли эканлиги хусусидаги умумий маълумотлар берилган. Бўлимнинг иккинчи дарсида ўқувчилар вақт ҳамда соатни инглиз тилида оғзаки ифодалашни ўрганишади ҳамда мавзуга оид лексик бирликлар билан танишиб боришади. Учинчи мавзуда ўқувчилар (пешингача бўлган вақт ҳамда тушдан кейинги вақт) “A.M. – Midday, P.M. – midnight” яъни бир суткадаги кечава кундузга оид соатларни ифодалашни ўрганишади. Ўқувчиларга инглиз забонлар ҳаёт тарзига биноан, бир сутка вақти 2 га ажратилганлиги, соат дақиқалари 1.00 дан 12.00 гача қўлланилишини алоҳида машқларда ёки мультимедиал ўқув ресурсда тушунтирилиши тавсия этилади. Ўқувчиларга 24 соатлик вақт ўлчами эмас, 12 соатлик “A.M. P.M.” замон кўрсатгичига амал қилинишини тушунтириш маъқул. Буни изоҳлашда қуйидаги машқдан фойдаланиш таклиф қилинди (11-жадвалга қаранг). Ўқитувчи: “Some English speaking countries, including the US, Canada, and Australia, use 12-hour clock format including AM and PM. What do these abbreviations mean? Using numbers from 1 to 12, followed by A.M or P.M, the 12-hour clock system identifies all 24 hours of the day in our country. Let’s discuss them together” маълумотидан сўнг, қуйидаги жадвалда вақт формати маъносини ўқувчиларга тушунтиради. Сўнгра, вақтларни ифодалаган тарзда ўқувчиларга инглиз забон мамлакатлар ўқувчилари ва

ўзининг тенгдошлари ҳаётига оид оғзаки гапларни ёки диалогларни тузиш топшириғи берилади.

“Unit 6. In the classroom” бўлими “Classroom things” мавзусида синф хонаси ва ундаги жиҳозлар, ўрин жой предлоглари ва мактабдаги учта ўқув хонаси тасвирига тегишли кичик матн берилган (мультимедиал ўқув ресурсда ушбу матнни овозли тинглаш имконияти берилган. Унда “Жигсов” технологияси қўлланилган). “Lucy’s pen is blue” мавзусида инглиз тилида рангларни такрорлашга оид оғзаки ва ёзма машқлар мавжуд. Тадқиқотнинг амалий натижаларига биноан, ранглар ўқув қуроллари ҳажмлари билан тақдим қилиниши мақсадга мувофиқ. Натижада, дастурий талабларга биноан ўқитиш амалга ошади. Учинчи мавзуда грамматик мавзулар – эгалик олмошлари ҳамда бирлик, кўплиқдаги кўрсатиш олмошларини ўрганувчи машқлар бажарилади. Бироқ, ушбу грамматик минимум материали (this-these, that-those) бошланғич 2 синфлар дарслекларида ўргатилади, ўқув машғулотни мустаҳкамлаш тамойилига риоя қилинган. Олтинчи мавзуда мактаб биноси ҳақида умумий маълумотлар ҳамда дўстига хат ёзиш машқлари ўргатилади.

Компетенцияларни ривожлантириш жараёнидаги кўникма ва малакалар, ўқувчилар учун мавзуларни ўзлаштиришда вужудга келадиган интерференционе қийинчиликларни бартараф қилишга хизмат қилиши керак. Тадқиқот ишида компетенцияларни ривожлантиришга оид тажриба-синов ишлари жараёнида, 6 – 7 синф ўқувчиларининг чоп этилган дарслеклар асосида инглиз тилини ўрганиш мобайнида интерференциялар мавжудлиги аниқланди. Психик жараёнлар – сезги, идрок, хотира, тафаккур ҳамда дикқатни ривожлантириш, чет тилларни умумтаълим мактабларида ўқитиш жараёнида муҳимлигини инобатга олиш, инглиз тилини ўрганишда вужудга келган интерференцияларни бартараф қилишга ва ўқувчиларни мазкур тилни самарали ўзлаштиришга хизмат қиласди.

Машхур психолог ва физиолог олимлар Э.Н.Бойко, Э.Н.Соколов ва З.Фрейднинг таъкидлашича, ўқувчининг эътиборини тортадиган меъёридан кўп бўлган ёрқин тасвирлар, улар учун белгиланган

билим, малака ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришга тўсқинлик қиласди. Шу сабабли дарслик материаларини жуда кўп тасвиirlар, суръатлар билан безатилиши ҳам унчалик мақсадга мувофиқ эмас.

Республикамизнинг барча таълим турларини модернизациялаш бугунги куннинг энг долзарб масалалариданdir. Зоро, мамлакатимиизда узлуксиз таълимнинг барча босқичларида чет тилларни хусусан, инглиз тилини ўқитиш жараёнини замонавий ёндашувлар асосида ташкил қилиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. А2 даражада соҳибларида коммуникатив компетенцияни ривожлантириш, дарслик мавзуларини ўрганиш билан амалга оширилади.

6-синфларда замонавий талаблар асосида чет тилларни ўргатиш мамлакатимиизда 2018-19 ўқув йилидан амалга оширилди. Жумладан, ушбу ўқув йилидан “Teens’ English 6” (Pupil’s book, Workbook) дарслик мажмуалари яратилди. 6-синфда ўргатиладиган мавзуларда берилган ўқув машқлар (6-Илова) жадвал кўринишида батафсил таҳлил қилинди. Бундан кўзланган мақсад, чет тил ўқув предметини ўқитиш ҳолатини ижобий томонга ўсишига кўмаклашиш ҳамда ўқувчиларда талаб қилинган компетенцияларни фаол ривожлантиришдан иборат.


1-бўлим Professions мавзусида ўқувчи китобида “TV. star”, (Workbook: film star) қасбларига оид лексик бирликлар киритилган. Мавзуни мустаҳкамлаш учун берилган машқда қасбларга оид лексик бирликларни расмдаги тасвиirlар асосида белгилаш сўралган. Ушбу мавзудаги “TV. star, Film Star” ўрнига Sanitary worker, Lorry driver, football player қасбларини киритиш мақсадга мувофиқ. Чунончи, расмларда ушбу қасбларни ифодалайдиган тасвиirlар мавжуд. Натижада ўқувчилар бир нечта янги қасбларнинг инглиз тилида номланишини ўрганади.

Тадқиқот амалий натижаларини акс эттирган 5 – 6 синфларда инглиз тилини ўргатишга мўлжалланган “Communicative English 1” мавзули мультимедиал ўқув ресурс “the 6 th form – Lessons” бўлими “Speaking short sentences about family” материалларидан, бўлим мавзуларини ўқитишда фойдаланиш тавсия қилинади. Натижада, ўқувчилар оила аъзолари ҳақида оғзаки гапиришни ўрганади ҳамда

ўқувчиларнинг нутқий компетенциясини ривожлантириш амалга оширилади. 4-мавзу “Wedding in Fergana” учун Фаргона вилоятининг тўй маросими танланган. Ундаги ўқиш учун мўлжалланган матн ўзбек тўйлари анъаналарига оид бўлғанлиги учун ушбу матнни “Uzbek wedding celebrations/ceremonies” деб номлаш тавсия қилинади. 5-мавзу “Uzbek and English weddings” мавзуси “English wedding celebrations/ceremonies” деб аталиши мақсадга мувофиқ. Мазкур мавзуга оид мустаҳкамловчи машқлар микдорини инглиззабон мамлакат вакилларининг тўйлари ҳақидаги қўшимча маълумотлар билан кўпайтириш ҳамда тўй маросимларига оид лексик бирликлар рўйхатини бериш мақсадга мувофиқ. Масалан, “In Britain flowers carried by the groom; Ring bearer (a young boy) who takes care of the rings until they are needed in the ceremony; Hen night is a party for the bride-to-be and her female friends; Stag night is a party for the groom-to-be shortly before his wedding with all his male friends; The bestman is a person (often a father and a mother of a bride or the groom) who stands with and supports the groom during the party; A bride throws her bouquet to guests after the wedding ceremony”. Хуллас, мазкур бўлимдаги ўзбек ва инглиз миллати тўйларига оид намуна сифатида келтирилган қўшимча маълумотлар ўқувчиларга алоҳида мавзулар ичида ўқитилса, социолингвистик компетенцияни фаол ривожлантиришга эришилади.

Ушбу мавзунинг 4 топшириғида “Draw your family tree and write about one relative” топшириғи берилган. Аммо оила дарахти ҳақида қуйи синфларда маълумотлар ва машқлар берилган. Бундай тафтология машқлари ўрнига янги маълумотлар берилиши масадга мувофиқ.

2 бўлим “Houses and homes” деб номланган. Фикримизча, дастлаб мазкур бўлимда ўқувчига лексик бирликлар бўлмиш “Houses and homes” фа рқини тушунтириш мақсадга мувофиқ. Инглиззабон миллат вакиллари ушбу сўзларни турли маъноларда ишлатади. Бўлимда мазкур лисоний бирликларнинг маъноларини очиб бериш тавсия қилинади. Қуйидаги машқ бу амални бажаришга қаратилади.



**1-расм. 5 – 6-синф ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлантириш модели.**

Таклиф қилинаётган машқ талаби: Look and match. Read the definitions relevant to A HOUSE or A HOME and match the correct meaning. Then make your own sentences to these vocabularies and tell to your friend where do you live. (Қаранг ва танланг. Уйға оид сўзларга берилган таърифларни ўқинг ва мувофиқ маъноларни англатадиган гапларни белгиланг.

Тадқиқотда юқоридаги фикрлар умумлаштирилиб, 5 – 6-синф ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди. Мазкур моделда инглиз тили дарсларида 5 – 6-синф ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлантиришда таълим шароити, мақсадлари, инглиз тили лексикасини ўргатиш тамойиллари узвий тадқиқ қилингандигини кузатиш мумкин. Шунингдек, инглиз тилида лексик компетенцияни ривожлантириш мазмунини методик тайёрлаш ва лексик кўникмаларни ривожлантириш босқичлари, лексикани ўргатишга бўлган ёндашувлар масалалари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Мазкур расмда 5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш моделининг амалий компоненти тақдимот, машқ ва нутқда қўллаш каби босқичларнинг арттерапия, ҳаракатли, дидактик, ролли, имитацион ўйин технологиялари билан интернал интеграциясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантиришда юзага келадиган тилга оид ва тиллараро маъновий, вазифавий ва шаклий қийинчиликларнинг олдини олишнинг методик тузилмаси коммуникатив ва компетенциявий ёндашувларнинг идентивлигига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Ўқувчиларнинг лексик компетенциясини ривожлантиришга доир мазкур модел умумтаълим мактабларида инглиз тили ўқитишида назарий ва амалий масалаларни ўзида акс эттирган бўлиб, умумтаълим мактаблари инглиз тили ўқитиши сифатини яхшилашда муҳим омил ҳисобланади.

## **Иккинчи боб бўйича хулосалар**

Тадқиқотнинг “5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш технологияси” деб номланган иккинчи бобида 5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантиришга мўжалланган машқ ва топшириқлар тизими, инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш методикаси ва 5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш технологияси каби масалалар ёритиб берилган.

Замонавий инглиз тили ўқитиш методикасида лексикани ўргатиш нутқ фаолияти турларини эгаллаш воситаси сифатида талқин қилинади. Инглиз тили ўқитиш методикасида лексикани ўргатиш икки босқичдан иборат жараён деб қаралади. Биринчиси, лексикани методик тайёрлаш (танлаш, тақсимот, тасниф, тақдимот) босқичи бўлиб, ушбу жараён мазкур соҳа методистлари томонидан амалга оширилади. Иккинчиси, лексик кўникмаларни шакллантириш босқичи бўлиб, ушбу жараёнда бевосита ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорликда фаолият қўрсатади.

Маълумки, ўқитиш методикасида ўқув шароитига қараб фаол (репродуктив) ва пассив (рецептив) лексика танланади. Ўқувчи ўз фикрини баён этаётганида ва ўзгалар нутқида тушуниладиган луғат фаол лексика дейилади. Идрок этиб тушунишга мўлжалланган луғат пассив лексик минимум ҳисобланади. Ҳар иккала лексика ўқувчнинг реал (онгода мавжуд) луғатини ташкил қиласи. Ўқувчи ҳали ўрганмаган, унга нотаниш луғат дуч келадики, ўзбек тили ва рус тилининг формал-семантик томонининг ўхшашлиги туфайли, уни билиб олишнинг ички имконияти бор лексик бирликлар потенциал лексика дейилади. Потенциал лексикани оғзаки (аудиотекстда) ёки ёзма (график матнда) тақдим этилиши орқалигина билиб олиш мумкин. Ўқувчи матнни идрок этганда, сўз маъносини маустақил фаҳмлаб етса, ушбу сўз потенциал луғат дейилади. Потенциал лексикага қўйидагилар киради: байналмилал сўзлар (*tennis, business*), турли сўз туркумларига мансуб, аммо шакли бир хил

сўзлар (work-ишламок; иш), таниш сўзлардан тузилган қўшма сўзлар (book+shop), сўз ясовчи элементлари таниш сўзлар (teach-teacher). Ўрганилган фаол ва пассив (реал) ҳамда потенциал лексикаси ўқувчиларнинг вокабуляр лексикаси дейилади. Матн мазмунидаги бир марта қўлланиб, бошқа машқларда мустаҳкамланмайдиган сўзлар – новокобуляр лексика дейилади.

## **Ш-БОБ. 5 – 6 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ**

### **3.1.§ 5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг мақсад ва мазмуни**

Тажриба-синов жараёнини ташкил қилиш ва ўтказишда ўқувчиларнинг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш самарадорлигини оширишга асосий эътибор қаратилди. Диссертациянинг назарий ва амалий хулосалари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар республикамиздаги ўрта умумтаълим мактаблари 5 – 6-синф ўқувчиларининг лексик компетенцияси ривожлантириш технологияси ва натижаларини баҳолаш кўрсаткичларини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Ушбу тажриба-синов ишларида қуйидагиларга эътибор қаратилди. Биринчидан, тажриба-синов ишларини ўтказиш босқичлари белгилаб олинди. 5 – 6-синфларда А2 даражани муваффақиятли эгаллаш бўйича ўқувчиларнинг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожланганлик даражаси назорат қилиб борилди. Иккинчидан, тажриба-синов майдончалари аниқланди. Учинчидан, тажриба-синов ишларининг мазмуни, мақсади ва вазифалари белгиланди.

Ўрта умумтаълим мактаблари 5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш юзасидан тажриба-синов ишлари уч босқичда – таъкидовчи (2017 – 2018 йиллар), ривожлантирувчи (2018 – 2019 йиллар), якунловчи (2019 – 2020 йиллар) босқичларда ўтказилди.

Тажриба-синов майдончалари сифатида Наманган вилояти Чорток тумани 11-, Наманган шаҳар, 24-ўрта умумтаълим мактаблари, Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 12-, Фарғона шаҳридаги 13-ўрта умумтаълим мактаблари, Андижон вилояти Балиқчи тумани 50-, 30-ўрта умумтаълим мактаблари танлаб олинди. Тажриба-синов

ишлари мазкур таълим муассасаларида 2017 – 2018, 2018 – 2019, 2019 – 2020 ўқув йиллари мобайнида амалга оширилди.

**Таъкидловчи тажриба-синов босқичи** 2017 – 2018 ўқув йилида олиб борилди. Ўрта умумтаълим мактаби 5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилидан лексик компетенциясини ривожлантириш бўйича назарий-методологик манбалар, ўқув меъёрий ҳужжатлар ўрганилди, инглиз тилининг А2 даражасида белгиланган лексик компетенцияни ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини аниқлаб олинди. Инглиз тилини ўқитишининг лингвистик ва нутқий компетенцияларига таянган ҳолда 5 – 6-синфларда инглиз тилида лексик компетенцияни ривожлантириш мазмуни, шакллари, технологиялари, воситалари ва методларини такомиллаштириш бўйича тавсия ва хуносалар ишлаб чиқилди. Танлаб олинган синфларда ўқувчиларга инглиз тили лексикасини ўргатишдаги қийинчиликларни аниқлаш бўйича анкета сўровномалари яратилди.

Анкета сўровномалари орқали 5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тили фанига нисбатан қизиқишлирага доир анкета саволларини бериш ва уларга жавоб олиш орқали, ўқувчиларнинг мазкур фанга бўлган муносабатларини аниқлашга эришдик. Анкета саволлари икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда фақат 6 – 5-синф ўқувчиларининг инглиз тили фанига бўлган қизиқиш ва муносабатлари аниқланди. Анкета сўровномасида 580 нафар 5 – 6-синф ўқувчилари иштирок этдилар. Куйида ушбу саволномаларни келтирамиз:

1. Сиз ҳаётда инглиз тилини ўрганиш зарур, деб ҳисоблайсизми?

А. ҳа    Б. унчалик эмас    В. йўқ

2. Ҳаётингизда инглиз тилининг ўрнига бўлган муносабатингиз?

А. Яхши    Б. унчалик эмас    В. жавоб бериш қийин

3. Инглиз тилида ойнаи жаҳон орқали берилган кўрсатув ва дастурларни тушина оласизми?

А. тушуна оламан    Б. унчалик эмас    В. йўқ

4. Газета ва журналлардаги инглиз тилида берилган материалларни ўқиб тушуна оласизми?

А. ҳа Б. унчалик эмас В. йўқ

5. Инглиз тилида эркин оғзаки мулоқотга кириша оласизми?

А. ҳа Б. унчалик эмас В. йўқ

Анкета сўровномаларига берилган жавобларни мухтасар таҳлил қиласиз. Биринчи саволга 580 нафар ўқувчидан 365 нафари (63%) “инглиз тилини ўрганиш зарур”, деб ҳисоблаган бўлсалар, 180 нафар ўқувчи (31%) мазкур саволга “унчалик эмас”, деб жавоб берганлар. Ўқувчиларнинг озчилик қисми 41 нафар ўқувчи (6%) мазкур саволга “йўқ” жавобни берганлар.

“Ҳаётингизда инглиз тилининг ўрнига бўлган муносабатингиз?”, сўровномасига 476 нафар ўқувчи (82%) “яхши”, 70 нафар ўқувчи (12%) “унчалик эмас”, 34 нафар ўқувчи (6%) “жавоб бериш қийин”, деган фикрни билдирганлар.

“Инглиз тилида ойнаи жаҳон орқали берилган кўрсатув ва дастурларни тушина оласизми?”, деб сўралганда, ўқувчиларнинг 302 нафари (52%) “тушуна оламан”, 203 нафар ўқувчи (35%) “унчалик эмас”, 55 нафар ўқувчи (13%) “йўқ” деб жавоб беришган.

“Газета ва журналлардаги инглиз тилида берилган материаларни ўқиб тушуна оласизми?” саволига, ўқувчиларнинг 278 нафари (48%) “ҳа”, 215 нафари (37%) “Унчалик эмас”, 87 нафари (15%) “Йўқ” жавобини берганлар.

Охири – “Инглиз тилида оғзаки эркин мулоқотга кириша оласизми” саволига 307 нафар ўқувчи (53%) “ҳа”, 162 нафари (28%) “унчалик эмас”, 110 нафари (19%) “йўқ”, деб жавоб беришган.

Юқоридаги биринчи босқич анкета сўровномаси бўйича олинган жавоблардан шуларни хulosha қилиш мумкинки, ижобий жавоблар сони 65%ни ташкил қиласи. Бундан шу нарса аён бўладики, ўқувчилар инглиз тилига нисбатан муносабатларининг ижобийлиги кузатилсада, инглиз тилида лексикани ўргатишда ўзга хос қийинчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Анкета сўровномасининг иккинчи босқичи 5 – 6-синфларда ўқитиладиган инглиз тилининг лингвистик ва нутқий компетенцияларини ўзлаштиришларида ўқувчилар дуч келаётган қийинчиликларни аниқлашга мўлжалланган. Анкета сўровномлари ўқувчи ва

ўқитувчилардан ўртасида инглиз тилидан лексик компетенцияни ўзлаштиришда дуч келаётган қийинчиликларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш йўлларини аниқлашга муваффақ бўлинди. Мазкур сўровнома саволлари қуидагилардан иборат бўлди.

1. Инглиз тилида кўроқ қайси материалларни ўрганишингизда қийинчиликлар мавжуд?

а) инглиз тилида янги ва нотаниш лексик бирликларни ўрганишда;

б) инглиз тили грамматик материалини ўрганишда;

в) инглиз тили талаффуз материалини ўрганишда.

2. Инглиз тили билан шуғулланишга вақт ажратасизми?

Вақтингизни кўпроқ нималарга сарфлайсиз?

а) инглиз тили грамматик қоидаларини ўрганишга;

б) инглиз тили янги ва нотаниш лексик бирликларининг ўрганишга;

в) инглиз тилида қийин талаффуз материалини ўрганишга.

3. Инглиз тилини ўрганишингизга нималар тўсқинлик қиласди?

а) лексик бирликларни яхши ўрганмаслик;

б) грамматик шаклларни ўзлаштира олмаслик;

в) инглиз тилида талаффуз материалини қийинлиги.

4. Инглиз тилида мулоқот қилишда қандай қийинчиликларга дуч келасиз?

а) инглиз тилида оғзаки нутқ ҳисобланган – гапириш ва тинглаб тушунишда;

б) инглиз тилида ёзма нутқ ҳисобланган – ўқиш ва ёзувда;

в) инглиз тили материалини таржима қилишда.

5. Инглиз тили дарсларида нималарни ўргандингиз?

а) инглиз тилида луғат ёрдамида ёки луғатсиз ўқишни;

б) инглиз тилида гапиришни;

в) инглизча грамматик ва лексик материалларни.

Иккинчи босқичнинг “инглиз тилини ўрганишда кўроқ қайси материалларни ўрганишда қийинчиликлар мавжуд?” деган биринчи саволига 244 нафар ўқувчи (42%) “инглиз тилида янги ва нотаниш лексик бирликларни ўрганишда”, 203 нафари (35%) “инглиз тили

грамматик материалини ўрганишда”, 133 нафар ўқувчи (23%) “инглиз тили талаффуз материалини ўрганишда”, деб жавоб берганлар.

“Инглиз тили билан шуғулланишга вақт ажратасизми? Вақтингизни күпроқ нималарга сарфлайсиз?” саволига 302 нафар ўқувчи (52%) “инглиз тили грамматик қоидаларини ўрганишга”, 38 нафар ўқувчи (22%) “инглиз тилида янги ва нотаниш лексик бирликларни ўрганишга”, 58 нафари (10%) ўқувчи “инглиз тилида қийин талаффуз материалини ўрганишга”, деб муносабат билдирилдилар.

“Инглиз тилини ўрганишингизга нималар тўсқинлик қиласди?” деган саволга: 215 нафар ўқувчи (37%) “етарли лексик бирликларни билмаслик;”, 295 нафар ўқувчи (51%) “инглиз тили грамматикасидан етарли билимга эга эмаслик”, 70 нафар ўқувчи (12%) “инглиз тилида қийин материалларни талаффуз қила олмаслик” деб жавоб берганлар.

Навбатдаги “Инглиз тилида мулоқот қилишда қандай қийинчиликларга дуч келасиз?” саволига 220 нафар ўқувчи (38%) “инглиз тилида оғзаки нутқ ҳисобланган – гапириш ва тинглаб тушунишда”, 163 нафар ўқувчи (28%) “инглиз тилида ёзма нутқ ҳисобланган – ўқиш ва ёзувда”, 197 нафари (34%) “инглиз тили материалини таржима қилишда” ҳақида жавоб қилишди.

Охирги “инглиз тили дарсларида нималарни ўргандингиз?” саволига 145 нафар ўқувчи (25%) “инглиз тилидаги матнларни луғат ёрдамида ёки луғатсиз ўқиши”, 174 нафар ўқувчи (30%) “инглиз тилида гапириши”, 261 нафар ўқувчи (45 %) “инглизча грамматик ва лексик материалларни” баён қилишди.

Юқорида келтирилган микдорий қўрсаткичлардан кўриниб турибдики, 5 – 6-синф ўқувчиларининг кўпчилик қисми инглиз тилини ҳозирда ва келажакдаги ҳаётларида тутган ўрнини етарли микдорда баҳолай олганлар. Шу билан бирга, инглиз тили таълимида дуч келаётган қийинчиликларни ҳам объектив қўрсатиб ўтганлар.

Анкета саволларига олинган жавоблар тажриба-синов ишларининг кейинги босқичини ўтказишида ҳисобга олинди.

**Ривожлантирувчи тажриба-синов ишлари** 2019 – 2020 ўқув йилида олиб борилди. Мазкур босқичнинг вазифалари қуидаги-лардан иборат бўлди: инглиз тили ўқитувчиларини тадқиқот давомида ишлаб чиқилган мультимедиа ўқув ресурслари ва услубий қўлланма ўқув материаллари билан таништириш; тажриба-синов ишлари давомида ТГ ва НГ натижаларини таққослаш ҳамда таҳлил қилиш; тажриба-синов ишлари жараёнида аниқланган камчилик-ларни бартараф этиш йўлларни аниқлаш; олинган натижаларга кўра ишлаб чиқилган машқлар ва технологияларни амалиётга жорий этишдан иборат.

Махсус ташкил этилган тажриба-синов ишлари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда 5 – 6-синфлар инглиз тили таълими самарадорлигини ошириш бўйича илмий хulosалар чиқаришни назарда тутади. Тажриба-синов ишлари табиий шароитда ўтказилди. Тажриба-синов жараёнида қатнашувчи академик гуруҳлар таркиби – тажриба гурухи (куйида ТГ) ва назорат гуруҳ (куйида НГ)лари белгиланди. Тажриба-синов ўтказиш учун юқорида кўрсатилган мактаблардан ТГда 265 нафар ва НГда 265 нафар ўқувчи иштирок этди. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар иккала гуруҳда ҳам соатлар миқдори teng, инглиз тили ўрганиш дастури, ўқувчиларнинг инглиз тилига оид лисоний жиҳатдан тайёргарлиги, гуруҳдаги ўқувчилар сони ҳамда ўқиши материалларига ўзгариш киритилмади. Ўқувчиларнинг инглиз тили бўйича билим даражасининг нисбатан тенглиги бизни қизиқтира-ётган саволларга объектив кўрсаткичлар олишимизга имкон берди.

Ҳозирда мактаб инглиз тили дарсликлари асосан коммуникатив нутқий компетенцияларни ривожлантиришни назарда тутганлигини ҳисобга олиб, лексик компетенцияга доир машқларни нутқий компе-тенцияларда қўллаш орқали биз ўқувчиларга уларни ўргатиб бордик.

5 – 6-синф ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривож-лантиришга доир машқ ва топшириқлар уч босқичда амалиётга татбиқ қилди: (1) янги ва нотаниш лексик бирликларнинг тақдимоти, (2) янги ва нотаниш лексик бирликларни машқ қилиш, (3) мазкур бирликларни нутқда қўллаш.

1. Янги лексик бирликларни тақдимот босқичида ўқувчилар матнлар таркибидаги лексик материалга оид машқларни бажаришга эътибор қаратилди. Лексик бирликлар бўйича машқлар қуидаги амалларни бажаришни талаб этди. 1. Предметлар ёки уларнинг тасвири номларини инглизча айтиш. 2. Муаллимга/дикторга тақлидан янги сўз ёки сўз бирикларини такрорлаш. 3. Сўзни тинглаш ва товуш таркибини ўрганиш. 4. Янги сўзларни гапда ёки ёлғиз тақдим этиш. 4. Янги сўз/лексик бирликларни ҳарфий таҳлил қилиш.

2. Янги лексик бирликларни машқ қилиш босқичида қуидагилар: 1. Муайян ўқилиш қоидасини намойиш қилувчи янги сўз ва лексик бирликларни ўқиш. 2. Қоидадан мустасно янги сўз ва лексик бирликларни ўқиш. 3. Сўз ясаш элементларини таҳлил қилиш орқали янги сўз ва лексик бирликларнинг маъносини очиш.

3. Янги лексик бирликларни нутқ фаолияти турларида қўллаш босқичида эса қуидаги машқлар инглиз тили ўқитиши амалиётида қўлланди: 1. Янги сўз ва лексик бирликларни қўллаб оғзаки гаплар тузиш. 2. Муаллим айтган янги сўзни сўз бирикмасида/гапда/нутқда қўллаш ва ҳ.к.

Тадқиқот давомида тажриба-синов жараёнини ўтказиш учун 5-6-синфлар белгилаб олинди, ўқитувчилар жамоаси шакллантирилди. Мазкур синфларда амалга оширилаётган тадқиқот иши юзасидан инглиз тили ўқитувчилари билан сұхбатлар ва сўровномалар ўтказилди. Шунингдек, тажриба-синов ишларига жалб қилинган ўқитувчиларнинг компетенциявий ёндашув бўйича ҳамда инглиз тили ўқув предметига оид ислоҳотларга тегишли назарий билимларини аниқлаш мақсадида маҳсус сўровномалар ўтказилди. Белгиланган синфларда тажриба-синов гуруҳига жалб қилинган ўқитувчиларнинг дарс жараёнлари кузатилди. Ўтказилган сўровномалар ва сұхбатлар натижалари ҳамда кузатилган дарс таҳлиллари юзасидан ўқитувчилар билан умумий муҳокамалар амалга оширилди. Мазкур даврда тадқиқотда таклиф қилинган инглиз тилини ўқитиша лексик компетенцияни ривожлантиришга оид усуллар, машқлар синовдан ўтказилди. Ривожлантирувчи тажриба-синов

ишлигини қамраб олган йилларда таклиф этилган машқлар, усулларнинг статистик натижалари таҳлил қилинди.

Тажриба-синовга жалб қилинган респондентларнинг умумий сони 530 нафар бўлиб, шулардан 265 нафари назорат гуруҳларини, 265 нафари тажриба гуруҳларини ташкил қилди. Ҳар бир умумий ўрта таълим муассасасида назорат гуруҳи (НГ) учун биттадан синф, тажриба гуруҳлари (ТГ) учун белгиланган синф тенг ярми ажратиб олинди, баҳолаш мезонлари – юқори (аъло), яхши (яхши), ўрта (қониқарли) асосида аниқланди. Шунингдек, тажриба-синов ишларига 21 нафар инглиз тили ўқитувчилари ҳам жалб қилинди.

5-синфлардаги назорат гуруҳларида “New Fly high 5” дарслик мажмуалари асосида амалий дарслар олиб борилди. Тажриба гуруҳларида “C sharp” дастур тилли (№ DGU 04996) “Communicative English” мультимедиал ўқув ресурс материаллари, аудитив, грамматик малакаларни ривожлантирувчи машқлар ва “Effective competence based teaching techniques” мавзули услубий қўлланма ўқув материалларида акс этган “Board race, Lip reading, Run to the board” технологиялари асосида ташкил қилинди.

6-синфдаги назорат гуруҳларида “Teens’ English 6” дарслик мажмуаси асосида амалий дарслар олиб борилди. Тажриба гуруҳларида дарслар “C sharp” дастур тилли № DGU 07774) “Communicative English” мультимедиал ўқув ресурс материаллари ҳамда “Effective competence based teaching techniques” мавзули услубий қўлланма, “Define it, Lip reading, Memory story, Opinion dictation, Pictionary race, Running dictation, Word by word story, Run to the board, Sleep and wake up” номли самарали технологиялари асосида ташкил қилинди.

**Якунловчи тажриба-синов ишлари** 2019 – 2020 ўқув йилида амалга оширилди. Якунловчи тажриба-синов ишларининг мақсади тавсия қилинган машқлар, технологияларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ҳамда такомиллаштиришдан иборат. Белгиланган мақсаддан келиб чиқсан ҳолда, қуйидаги вазифалар амалга оширилди: тажриба ва назорат синфлари ўқувчиларининг назорат ишлари ва сўровномаларга берилган жавобларни қийслаш ва

умумий хуносалар чиқариш; яратилган технологияларни янги тавсиялар ва хуносалар билан бойитиб боришни таъминлаш; ўтказилган барча тажриба-синов ишларининг умумий таҳлилини ишлаб чиқишидан иборат.

Ушбу босқичда қўйидаги ишлар амалга оширилди: Якунловчи тажриба-синов бўйича 5 – 6-синф ўқувчилари ўртасида назорат, текширишлар олиб борилди. Ушбу синфларда ТГ ва НГларда лексик компетенцияни ривожлантиришда маъқул топилган машқлар, усулларни ўқув жараёнида самарадорлигини исботлаш юзасидан тажриба-синов ишлари бажарилди. 5 – 6 синф ўқувчиларга инглиз тили ўқитишида коммуникатив, компетенциявий ва интеграцион ёндашув методларидан фойдаланиб, лексик машқлар ва технологиялар амалиётга тадбиқ қилинди ҳамда ўқувчиларнинг инглиз тилида эркин мулоқот қила олишни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитувчилар учун услубий қўлланма яратилди. Тажриба ва назорат гурухларидаги ўқувчиларнинг кўрсаткичларини баҳолаш мақсадида якунловчи тажриба-синов ишлари Стъюдент ва Пирсоннинг  $\chi^2$  математик-статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди.

Тажриба-синов босқичда қўлланилган мақбул усуллар ва машқлар, ўқувчиларнинг ДТСда қайд қилинган лексик компетенцияни ривожлантиришни ҳамда интерференция ҳолатларини барта-раф қилишни назарда тутади. Интерференцион қийинчиликлар ўқув предметининг лингводидактик хусусиятлари билан боғлиқ лингвистик ва нутқий компетенцияларни эгаллашда юз берадиган қийинчиликларни ўз ичига олади. Улар қисқача изоҳланса, қийинчилик интерференция сабабли, хатолар қийинчилик туфайли содир бўлади. Қўлланилган лингвотехнология ва машқлар қийинчиликларни енгиш ҳамда хатоларни олдини олишга мўлжалланди. Лингводидактикада узоқ даврлардан маъқул топилган технологиялар ўқувчини пассив индивиддан фаол субъектга айлантиради, дарс жараёнини абстракт тушунчадан жонли мушоҳадага йўналтиради. Машқлар (шакллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи) мақсад ва вазифаларига кўра, нутқий, рецептив, репродуктив, диалог/моно-лог нутқقا оид, механик (онг иштирокисиз) ижодий, бажариш

шартига кўра оғзаки ва ёзма, таржима, индивидуал/жуфт/хор бўлиб бажариладиганларга ажратилади [56].

Тажриба-синов жараёнида қўлланилган лингвотехнологиялар умумий тарзда қўйидаги жадвал кўринишида ихчамлаштирилган тарзда инглиз тилида баён қилинади. Ушбу усуллар 5 – 6-синфларда белгиланган тажриба гурухларида қўлланилди. Шунингдек, танқидий тафаккурни ривожлантирувчи, “Claster”, “Picture method”, “Sleep and wake up” усуллари илова қилинади.

2017 – 2018 йилда таъкидловчи тажриба-синов босқичда жараёнга жалб қилинган 21 нафар ўқитувчиларнинг тадқиқот бўйича назарий билимларини аниқлаш ҳамда амалий ёрдам бериш мақсадида анкета саволномалар олинди, жавоблар статистик таҳлил қилинди. Тажриба-синов жараёнларида ўқитувчилар учун инглиз тили соҳаси ривожига оид ислоҳотлар хусусида маъruzалар, семинарлар ва сұхбатлар ўтказиб борилди.

Ушбу таҳлиллар 5 – 6-синфларда инглиз тилини ўқитиш ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда ўқувчиларнинг комммуникатив компетенция негизида лексик компетенцияни ривожланганлик даражаси бўйича дастлабки маълумотлар олиш учун амалга оширилди. 5-синфда дарслик бўлимлари ва уларга оид кичик мавзулар асосида тузилган саволлардан фойдаланилди.

### **3.2.§ Тажриба-синов ишлари якуний натижаларининг статистик таҳлили**

Тажриба-синов ишларининг миқдорий таҳлилларига ўтсак. Дастрраб ўқувчиларда лексик компетенциянинг ривожланганлик ҳолати муҳокама қилинади. Тажриба-синов ишларини ташкил этишда тавсия этилаётган методиканинг умумий ўрта таълим мактабларининг мавжуд шарт-шароитларга мослиги инобатга олинди. Синов давомида фойдаланилган методлар ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари ҳамда физиологик имқониятига мос келиши аниқланди.

Тажриба-синов жараёнида ўрта мактаб ўқувчиларининг тажриба-синов ва назорат гурухларига ажратиш усулидан

фойдаланилди. Назорат гуруҳида тажриба-синов ишлари анъанавий методлар ёрдамида амалга оширилди. Ҳар бир гуруҳда тайёргарлик даражаси бир хил бўлган 5 – 6-синф ўқувчилари танлаб олинди.

Тажриба-синов натижалари мақсадга мос келадиган методика ва таълимий машғулотлар ёрдамида аниқланди. Тажриба-синов ишлари учун синфларда ТГ ва НГларда лексик компетенцияни ривожлантиришда маъқул топилган машқлар, усулларни ўқув жараёнида самарадорлигини исботлаш юзасидан тажриба-синов бажарилди.

Тажриба ва назорат гуруҳида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг статистик кўрсаткичлари 3.2.1 ва 3.2.2-жадваллар келтирилади.

### **НГ ўқувчиларининг тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлари**

**3.1-жадвал**

<b>топшириқ тури</b>	<b>баҳолар</b>	<b>5-синф бўйича ўқувчилар сони</b>	<b>%</b>	<b>6- синф бўйича ўқувчилар сони</b>	<b>%</b>
<b>лексик компетенцияни ривожланганлиги бўйича</b>	5	31	24	33	25
	4	40	30	37	28
	3	61	46	63	47
<b>жами:</b>		<b>132</b>		<b>133</b>	

**ТГ ўқувчиларининг тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлари**

**3.2-жадвал**

<b>топшириқ тури</b>	<b>баҳолар</b>	<b>5-синф бўйича ўқувчилар сони</b>	<b>%</b>	<b>6-синф бўйича ўқувчилар сони</b>	<b>%</b>
<b>лексик компетенцияни ривожланганлиги бўйича</b>	5	29	22	28	21
	4	41	31	45	34
	3	62	47	60	45
<b>жами:</b>		<b>132</b>		<b>133</b>	


3.1 ва 3.2-жадвалларни умумлаштириб 3.3-жадвал ишлаб чиқилди.

### Тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлари

#### 3.3-жадвал

№	Синфлар	ўқув топшириқлари	назорат гуруҳи			тажриба гуруҳи		
			(5)юкори	(4)ўрта	(3)паст	(5)юкори	(4)ўрта	(3)паст
1	5-синф бўйича ўқувчилар сони	лексик компетенцияни ривожланганлиги	31	40	61	29	41	62
2	6-синф бўйича ўқувчилар сони	лексик компетенцияни ривожланганлиги	33	37	63	28	45	60
		ўқувчилар сони	64	77	124	57	86	122

Юқоридаги жадвал маълумотларини таққослаш мақсадида қўйидаги диаграммани хосил қиласиз.



**2-расм. Педагогик тажриба-синовнинг дастлабки статистик таҳлили диаграммаси.**

Демак, диаграммадан кўринадики тажрибанинг дастлабки ўзлаштириш кўрсаткичлари орасида деярли фарқ сезиларли эмас. Бу ўз навбатида илмий тадқиқот ишларида қўйилган муаммоларнинг долзарблигини акс эттиради.

**НГ ўқувчиларининг тажриба-синов ишларидан кейинги  
ўзлаштириш кўрсаткичлари**

**3.4-жадвал**

топшириқ тури	бахо	5-синф бўйича ўқувчилар сони	%	6-синф бўйича ўқувчилар сони	%
лексик компетенцияни ривожланганлиги бўйича	5	13	10	11	8
	4	55	42	59	44
	3	64	48	63	48
<b>Жами</b>		<b>132</b>		<b>133</b>	

**ТГ ўқувчиларининг тажриба-синов ишларидан кейинги  
ўзлаштириш кўрсаткичлари**

**3.5-жадвал**

топшириқ тури	бахо	5-синф бўйича ўқувчилар сони	%	6-синф бўйича ўқувчилар сони	%
лексик компетенцияни ривожланганлиги бўйича	5	60	45	62	47
	4	44	33	41	31
	3	28	22	30	22
<b>Жами</b>		<b>132</b>		<b>133</b>	

3.4 ва 3.5-жадвалларни умумлаштириб қуидаги жадвални  
хосил қиласиз (3.6-жадвал).

## Тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари

### 3.6-жадвал

№	синфлар	ўкув топшириқлари	назорат гуруҳи			тажриба гуруҳи		
			(5) юқори	(4) ўрта	(3) паст	(5) юқори	(4) ўрта	(3) паст
1	5-синф бўйича ўқувчилар сони	лексик компетенцияни ривожланганлиги	13	55	64	60	44	28
2	6-синф бўйича ўқувчилар сони	лексик компетенцияни ривожланганлиги	11	59	63	62	41	30
		ўқувчилар сони	24	114	127	122	85	58

Юқорида келтирилган жадваллар умумлаштирилиб, математик-статистик таҳлил қилинди. Тажриба-синов натижалари ТГ ва НГларида сезиларли ижобий ўсишлар кузатилганлигига қарамай, ТГ ўқувчиларининг билиш фаоллиги ортганлиги, уларда инглиз тилида лексик компетенциянинг шаклланганлик даражаси НГга нисбатан сезиларли фарқ қиласди. Инглиз тили фани бўйича ҳам ТГ ўқувчиларининг олдинга силжиганлигига гувоҳ бўлдик.

5 – 6-синф ўқувчиларига инглиз тилида лексик компетенцияни ривожлантиришда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаб ўқитиш самарали натижалар берди. Хусусан, инглиз тилида лексик компетенцияни ривожлантириш, 5 – 6-синф ўқувчиларининг дастурий билимларини янада бойитишга, уларнинг лингвистик ва нутқий компетенцияларини ривожланишига пухта ўзлаштиришга хизмат қилди.

Тажриба-синов ишларининг аниқловчи ва якунловчи босқичларида ўтказилган назорат сўровномаларининг қиёсий таҳлиллари биз олиб борган тажриба ишларининг натижалилигини ҳамда самарадорлигини исботланди. Буни биз 5 – 6-синф ўқувчиларининг

инглиз тилида лексик компетенцияни ривожланганлик индикаторларининг сифат ва сон жиҳатидан динамик ўсганлигига кўрдик.

Жумладан, 5 – 6-синф ўқувчилари билан тажриба-синов гурухларида ўтказилган сўровномалар натижаси шуни кўрсатадики, респондентларнинг кўпчилиги тажриба бошида саволларга аниқ ва тўғри жавоб бера олмадилар. Шакллантирувчи тадқиқотлардан сўнг эса уларга берилган саволларга аниқ ва тўғри берилган жавоблар кўрсаткичлари ўсганлигини гувоҳи бўлдик.


Жадвалдаги натижалар таҳлил қилиниб, синов ва назорат гурухлари таққосланди (3.7-жадвалга қаранг).

**5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш технологияси бўйича ўтказилган тажриба-синов кўрсаткичларининг якуний тақсимоти**

3.7-жадвал

Тажриба гурухи	тажриба-синов объектлари	5 (юқори)	4 (ўрта)	3 (паст)	жами
5-синф бўйича ўқувчилар сони	5-синф бўйича ўқувчилар сони	60	44	28	132
	6-синф бўйича ўқувчилар сони	62	41	30	133
	Жами	122	85	58	265
назорат гурухи	тажриба-синов объектлари	5 (юқори)	4 (ўрта)	3 (паст)	жами
	5-синф бўйича ўқувчилар сони	13	55	64	132
	6-синф бўйича ўқувчилар сони	11	59	63	133
	Жами	24	114	127	265

Юқоридаги жадвал маълумотларини таққослаш мақсадида қўйидаги диаграммани хосил қиласиз.



### **3-расм. Педагогик тажриба-синовнинг якунидаги статистик таҳлили диаграммаси.**

Диаграммадан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳидаги юқори ва үрта кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори экан. Энди 3.7-жадвал маълумотларини математик статистик таҳлил қиласиз.

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда  $X_i, n_i$  лар ва шу каби назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда эса  $Y_j, m_j$  лар орқали белгилаб олиб, статистик гурухланган вариацион қаторлар ҳосил қилинади. Шунингдек, юқори кўрсаткични 5 балл билан, үрта кўрсаткични эса 4 балл билан ва паст кўрсаткични 3 балл билан белгилаймиз.

Тажриба гурухининг ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(1) \begin{cases} X_i & 5 & 4 & 3 \\ n_i & 122 & 85 & 58 \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 265$$

Назорат гурухининг ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(2) \begin{cases} Y_j & 5 & 4 & 3 \\ m_j & 24 & 114 & 127 \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 265$$

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан  $n_i$  ва  $m_j$  такрорийлик (частота)ларни мос статистик эҳтимоллик формулалари  $p_i = \frac{n_i}{n}$  ва

$q_j = \frac{m_j}{m}$  асосида ҳисоблаймиз.

$$(3) \begin{cases} X_i & 5 & 4 & 3 \\ p_i & 0,46 & 0,32 & 0,22 \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 p_i = 1$$

$$(4) \begin{cases} Y_j & 5 & 4 & 3 \\ q_j & 0,09 & 0,43 & 0,48 \end{cases} \quad \sum_{j=1}^3 q_j = 1$$

Статистик таҳлилни ҳар икки гурух бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^3 p_i X_i = 0,46 \cdot 5 + 0,32 \cdot 4 + 0,22 \cdot 3 = 2,30 + 1,28 + 0,66 = 4,24$$

$$\text{Фоизда } \bar{X}\% = \frac{4,24}{5} \cdot 100\% = 84,8\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^3 q_j Y_j = 0,09 \cdot 5 + 0,43 \cdot 4 + 0,48 \cdot 3 = 0,45 + 1,72 + 1,44 = 3,61$$

$$\text{Фоизда } \bar{Y}\% = \frac{3,61}{5} \cdot 100\% = 72,2\%$$

Демак, синов гурухларидағи ўзлаштириш назорат гурухларидаги ўртача ўзлаштиришдан  $(84,8 - 72,2)\% = 12,6\%$  га юқори экан.

Бу эса ўз навбатида  $\frac{84,8\%}{72,2\%} = 1,17$  баробар ортиқлигини англатади.

Демак, тажриба-синов ишлари сўнггида респондентнинг билим кўрсаткичлари ўрта ҳисобда 12,6 % га ошган.

Энди тажриба-синов ишлари хатоликларини баҳолашга ўтамиз. Дастлаб, танланмаларнинг дисперсияларини ҳисоблаймиз:

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^3 p_i \cdot X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,46 \cdot 25 + 0,32 \cdot 16 + 0,22 \cdot 9 - (4,24)^2 = 0,6224 .$$

Стандарт хатолик:  $S_x = \sqrt{0,6224} = 0,79$ .

$$S_y^2 = \sum_{j=1}^3 q_j \cdot Y_j^2 - (\bar{Y})^2 = 0,09 \cdot 25 + 0,43 \cdot 16 + 0,48 \cdot 9 - (3,61)^2 = 0,42 .$$

Стандарт хатолик:  $S_y = \sqrt{0,42} = 0,65$ .

Бу хатоликларнинг ўрта қийматларга нисбатан оғиш фоизларини вариация коэффициентлари орқали ҳисблаймиз. Буни янада аниқроқ кўрсатиш мақсадида ҳар икки статистик танланма

бўйича ўрта қиймат аниқликларини биз вариация коэффициентлари орқали, яъни  $C_x$  ва  $C_y$  формула орқали ҳисоблаймиз:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{n \cdot x}} \cdot 100\% = \frac{0,79 \cdot 100\%}{\sqrt{265} \cdot 4,24} = \frac{79\%}{16,28 \cdot 4,24} = \frac{79\%}{69,0272} \approx 1,14\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{m \cdot y}} \cdot 100\% = \frac{0,65 \cdot 100\%}{\sqrt{265} \cdot 3,61} = \frac{65\%}{16,28 \cdot 3,61} = \frac{65\%}{58,7708} \approx 1,11\%$$

Ҳар икки хатолик кўрсаткичлари мумкин ҳисобланган 5% лик чегарадан етарли даражада кам экан. Бу эса тажриба-синов ишлари қониқарли ўтганлигини билдиради.

Энди биз ҳар икки статистик танланмаларни назарий ўрта қийматлари тенглиги ҳақидаги  $H_0: a_x = a_y$  гипотезани Стыюдент мезони ёрдамида текширамиз. Шу мақсадда, мос статистикани ҳисоблаймиз:

$$T_{n,m} = \frac{|\bar{X} - \bar{Y}|}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{|4,24 - 3,61|}{\sqrt{\frac{0,6224}{265} + \frac{0,4200}{265}}} = \frac{0,63}{0,06} \approx 10,5$$

Стыюдент мезонининг 95% лик критик нуқтаси  $t_{kp}(0.95) = 1,96$  бўлиб, статистиканинг қиймати ундан етарлича каттадир:  $T_{n,m} = 10,5 > 1.96 = t_{kp}(0.95)$

Демак, биз  $H_0$  гипотезани рад этиб,  $\bar{X} > \bar{Y}$  ҳамда (1) муносабатларни эътиборга олган ҳолда  $a_x > a_y$ , яъни тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари, назорат гурухининг ўзлаштириш кўрсаткичидан катта бўлар экан, деган хулоса қила оламиз.

Стыюдент мезони асосида эркинлик даражасини қуидаги формула орқали

ҳисоблаймиз:

$$K = \frac{\left( \frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m} \right)^2}{\left( \frac{S_x^2}{n} \right)^2 + \left( \frac{S_y^2}{m} \right)^2} = \frac{\left( \frac{0,6224}{265} + \frac{0,4200}{265} \right)^2}{\left( \frac{0,6224}{265} \right)^2 + \left( \frac{0,4200}{265} \right)^2} = \frac{(0,002348 + 0,001585)^2}{\frac{(0,002348)^2}{264} + \frac{(0,001585)^2}{264}} = 508,85$$

Ушбу эҳтимоллик учун статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини  $\alpha = 0,05$  деб олсак, у ҳолда  $p=1-\alpha=0,95$  га ҳамда эркинлик даражаси  $k=508,85$  га тенг. Стыодент функцияси тақсимот жадвалидан икки томонлама мезоннинг критик нуқтаси:

$$T_{1-\frac{(1-p)}{2}}(k) = T_{1-\frac{(1-0,95)}{2}}(508,85) = T_{0,975}(508,85) = 1,96$$

Демак, юкоридаги ҳисобларга кўра  $T = 10,5 > T_{0,975}(508,85) = 1,96$  бўлгани учун  $H_0$  гипотезани қабул килишга асос йўқ, шунинг учун  $H_1$  гипотеза қабул қилинади. Бундан кўринадики, биз олиб борган тажриба гурухидаги тадқиқотлар назорат гурухида олиб борилган ўқитишдан самарали эканлиги статистик усуллар орқали тасдиқланди.

Ниҳоят, биз  $X_i$  ва  $Y_i$  статистик танланмаларнинг тақсимот қонунлари тенглиги ҳақида  $K: F_x = F_y$  гипотезани текшириш учун Пирсон мезонидан фойдаланамиз.

$$X^2_{n,m} = \frac{1}{N \cdot M} \cdot \sum_{i=1}^k \frac{(n_i M - m_i N)^2}{n_i + m_i}.$$

Бу мақсадда куйидаги жадвални тузиб оламиз:

### 3.8-жадвал

Гурухлар \ Баҳолар	5	4	3
Тажриба гуруҳи	122	85	58
Назорат гуруҳи	24	114	127

Пирсон статистикасини ҳисоблаймиз(бизда  $n=m=265$ ):

$$\chi^2_{n,m} = \left( \frac{(122-24)^2}{122+24} + \frac{(85-114)^2}{85+114} + \frac{(58-127)^2}{58+127} \right) = 95,742$$

Пирсон мезонининг озодлик даражаси баллар сонидан 1 га камдир:  $k=3-1=2$ , бу  $k=2$  га мос 95% лик критик нуқта  $Z_{kp}(0,95)=5,99$

$$\text{Аммо, } X^2_{n,m} = 95,742 > 5,99 = Z_{k,p}(0,95)$$

Демак, К гипотеза ҳам рад этилар экан. Бу эса, тажриба гурухларидаги ва назорат гурухларидаги ўқитиш методикаларининг

фарқланиши тасодифий эмас, балки қонуний бўлиб, доимо ўзлаштириш кўрсаткичларининг ошишига олиб келар экан.

Энди баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун ишончли четланишлари топамиз:

$$\Delta_x = t_{\gamma} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,79}{\sqrt{265}} = 1,96 \cdot \frac{0,79}{16,28} = \frac{1,5484}{16,28} \approx 0,09$$

га тенг, назорат гуруҳида эса:

$$\Delta_y = t_{\gamma} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{m}} = 1,96 \cdot \frac{0,65}{\sqrt{265}} = 1,96 \cdot \frac{0,65}{16,28} = \frac{1,274}{16,28} \approx 0,08 \text{ га тенг.}$$

Топилган натижалардан тадқиқотгача мактаб ўқувчилари учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$


$$4,24 - 0,09 \leq a_x \leq 4,24 + 0,09 \quad 4,15 \leq a_x \leq 4,33$$

тадқиқотдан кейинги мактаб ўқувчилари учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$3,61 - 0,08 \leq a_y \leq 3,61 + 0,08 \quad 3,53 \leq a_y \leq 3,69$$

Буни геометрик тасвирласак:



Бундан  $x = 0,05$  қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тадқиқотдан кейинги ўртача баҳо тадқиқотгача ўртача баҳодан юқори ва оралиқ интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан, яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда математик-статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стыюдентнинг танланма мезони, Стыюдент мезони

асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари қуидаги жадвалда акс эттирилди.

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун қуидаги (3.9-жадвал) натижалар топилди.

Тажриба якунидаги статистик кўрсаткичларнинг ўрта қиймати, ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стыюдентнинг танланма мезони, Стыюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари қуидаги жадвалда акс эттирилди.

### 3.9-жадвал

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$K$	$X_{n,m}^2$	$\Delta_x$	$\Delta_y$
4,24	3,61	0,6224	0,4200	1,14	1,11	10,5	508,85	95,742	0,09	0,08

Олинган натижалардан тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини хисоблаймиз. Бизга маълум  $\bar{X}=4,24$ ;  $\bar{Y}=3,61$   $\Delta_x=0,09$ ;  $\Delta_y=0,08$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{y\infty} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{4,24 - 0,09}{3,61 + 0,08} = \frac{4,15}{3,69} = 1,12 > 1;$$

$$K_{\theta\theta} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (4,24 - 0,09) - (3,61 - 0,08) = 4,15 - 3,53 = 0,62 > 0;$$

1. Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонини бирдан катталиги билан ва билиш даражасини эса баҳолаш мезонини нолдан катталигини орқали кўриш мумкин. Демак, тажриба грухидаги ўзлаштиришлар кўрсаткичи назорат грухидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

2. Тажриба-синов ишлари учун ҳар бир синфларда турли ҳудудларда (ТГ) тажриба грухи ҳамда (НГ) назорат грухлари танланди. Тажриба материали учун яратилган услубий қўлланмадан самарали технологиялар, машқлар ҳамда мультимедиал ўқув ресурслардан фойдаланилди. ТГ ва НГ синфларда ўқувчиларнинг ўртача ўзлаштиришлари натижаларни Стыюдент ва Пирсон математик статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди. Ўтказилган

тажриба-синов ишлари натижалари ваколатли муассасалар томонидан расмий маълумотномалар ва далолатномаларда ўз исботини топган.

3. Тадқиқот иши доирасида белгиланган тамойиллар асосида танланган технологиялар ҳамда машқлар орқали тажриба гуруҳи ўқувчиларининг лексик компетенциясини шаклнтиришга эришилди. Назорат гуруҳи ўқувчиларида ҳам инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш сезилди, бироқ тажриба гуруҳи ўқувчиларининг фаоллиги, билим даражасининг ошганлиги, уларда инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш, мулоқотга киришиш жараёнида керакли тил воситаларини танлаш, фикрларини узвий ва эркин ифодалай олиш малакалари ривожланганлиги асосланди.

### **Учинчи боб бўйича хulosалар**

Диссертациянинг “5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари” деб номланган учинчи бобида ўқувчиларининг инглиз тилида лексикани ўргатиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, назарда тутилган мақсад ва вазифалар, тажриба-синов ишларининг миқдорий ва сифат қўрсаткичлари, инглиз тили ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг инглиз тилида лексик компетенциянинг ривожланганлиги ҳолатининг таҳлили ва натижалари ёритиб берилган.

Ўрта умумтаълим мактаблари 5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш юзасидан тажриба-синов ишлари уч босқичда – таъкидловчи (аниқловчи) (2017 – 2018 йиллар), ривожлантирувчи (2018 – 2019 йиллар), якунловчи (2019 – 2020 йиллар) босқичларда ўтказилди.

Биринчи таъкидловчи босқичда ўқувчиларнинг лексик компетенциясини ривожлантиришга доир психологик-педагогик, методик адабиётлар ўрганилиб таҳлил қилинди. 5 – 6-синф ўқувчиларининг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш ҳолати ҳам ўрганилди

ҳамда унинг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти белгиланди. Шунингдек, 5 – 6-синф ўқувчиларига лексикани ўргатиш жараёнини тадқиқ қилиш ва ўтказишида инглиз тили ўқитувчилари фаолиятини аниқлашга йўналтирилган сўровнома ишлаб чиқилди ва ўтказилди. Сўровномага умумий ўрта таълим мактаблари инглиз тили ўқитувчилари жалб этилди.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, мазкур босқичда тайёрланган методик тавсиялар асосида яратилган ўқув-услубий қўлланма танлаб олинган мактабларнинг инглиз тили ўқитувчилари орасида муҳокама қилиш, ютуқ ва камчиликларини кўриб чиқиш ҳамда дарс жараёнида қўллаш учун тақдим этилди. Барча ўқитувчилардан олинган мулоҳаза ва таклифлар, эътиrozлар, қарама-қарши фикрлар ўрганиб чиқилди. Уларнинг кўп йиллик тажрибаларига таянган ҳолда баён этган фикрлари инобатга олинди ва тайёрланган ўқув-услубий қўлланмага тегишли ўзгаришлар киритилди. Шунингдек, ТГда дарсларни ташкил этиш учун ишчи дастурга қўшимча дидактик материал тақдим этилган топширикларга қўшимча равишда илова қилинган ўйинли машқлар киритиш орқали ҳаракатдаги дастур такомиллаштирилди.

Сўровнома натижаларининг таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келинди: инглиз тили фани ўқитувчиларига инновацион таълим технологиялари, хусусан инглиз тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг инглиз тилида лексик компетенциясини ривожлантириш бўйича назарий ва услубий ёрдам кўрсатиш зарур.

Тажриба-синов майдончалари сифатида Наманган вилояти Чортоқ тумани 11-ўрта умумтаълим мактаби, Наманган шаҳар, 24-ўрта умумтаълим мактаби, Фарғона вилояти Кўқон шаҳридаги 12-, Фарғона шаҳридаги 13-ўрта умумтаълим мактаблари, Андижон вилояти Балиқчи тумани 50-, 30-ўрта умумтаълим мактаблари танлаб олинди. Тажриба-синов ишларини олиб бориш учун танлаб олинган 5 – 6-синф ўқувчиларининг контингенти ўрганиб чиқилди ва ўқувчилар орасида таълимий тайёргарлиги деярли бир хил бўлган синфлар тажриба (ТГ) ва назорат гурӯҳ(НГ)лари сифатида белгиланди. Натижада ТГ учун 265 нафар, НГ учун 265 нафар

респондент – ўқувчилар танланди ва тажриба-синов жараёнига жалб этилди.

